

- ✓ **ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРГА САБАБ НИМА?** 12.
- ✓ **ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ БЎЙИЧА БИР ҚАТОР ИМТИЁЗЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ...(МИ?)** 14.
- ✓ **ТУНГИ НАВБАТЧИЛИК МАЖБУРИЙ МЕХНАТ САНАЛАДИМИ?** 19.

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



Mahalla

№ 2 (1848-1851) 2020 йил 9 — 16 январь ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА info@mahalladosh.uz www.mahalladosh.uz

Янги Солиқ кодекси аввалгисидан қандай фарқ қилади? 5.

Дори-дармон соҳасидаги талон-торожликлар қачон барҳам топади? 10.

Қўлбола «пақилдоқ» мактаб ўқувчисининг ўлимига сабаб бўлди 20.

«Интерпол»: жиноятчи ҳамма жойда таъқибда 21.

Яқин Шарқ янги зиддиятлар гирдобида 29.

**Президент Шавкат МИРЗИЁЕВ:
«БИТТА ТАДБИРКОР ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ
ТЎХТАТСА ҲАМ, БУНГА «ФАВҚУЛОДДА
ҲОЛАТ» СИФАТИДА ҚАРАЛИШИ КЕРАК»**



**ЕНГИЛ САНОАТ:
ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР СОҶА РИВОЖИГА
ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА?**

ЯГОНА ЙЎЛИМИЗ — ТАДБИРКОРЛАР СОНИНИ КЎПАЙТИРИШ, ОДАМЛАРНИ ИШБИЛАРМОН ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 январь куни Давлат бюджети параметрларини ижро этиш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Илғор хорижий тажриба ҳамда синалган амалиёт асосида мамлакатимизда миллий солиқ тизими яратилди. Солиқлар сони ва ставкалари оптималлаштирилди. Қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди. Бунинг натижасида ўтган йили тадбиркорлар ихтиёрида жами 2 триллион сўм маблағ қолди.

2020 йил 1 январдан янги тахрирдаги Солиқ кодекси амалиётга татбиқ этилди. Бу ислохотлардан асосий мақсад жорий ва келгуси йилларда иқтисодий барқарорликни таъминлашдир.

Йиғилишда бунинг учун тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бу орқали бюджет тушумларини мунтазам ошириб бориш зарурлиги таъкидланди.

– Ягона йўлимиз – тадбиркорлар сонини кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш! Ҳар бир ҳоким бюджетга қўшимча даромадларни таъминлаши учун ўзи изланиши, тадбиркорга шароит яратиб, бизнес вакиллари билан елкама-елка ишлаши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Жойлардаги раҳбарларнинг эскича иш услуби, энергия ресурслари истеъмоли ва тўлови бўйича ҳисоб-китоб юритиши, тадбиркорларни қийнаётган масалаларга ёндашуви танқид қилинди. Ўтган йили Мирзо Улуғбек, Ғузор ва Муборак туманларида фаолият кўрсат-

маётган тадбиркорлар сони ошгани қайд этилди.

– Битта тадбиркор ўз фаолиятини тўхтатса ҳам, бунга «фавқулодда ҳолат» сифатида қаралиши керак, – дея таъкидлади Президент. – Иқтисодий барқарорлик асоси рақобатбардош тадбиркорларни кўпайтиришдир.

Йиғилишда жорий йил биринчи чоракда бюджетга солиқ тушумларини таъминлаш учун ҳокимлар бошчилигида, уларнинг иқтисодий масалалар бўйича биринчи ўринбосарлари, молия ва солиқ идоралари томонидан амалга ошириладиган вазифалар белгилаб берилди.

Авалло, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш ҳамда фаолиятини тўхтатган корхоналарни тиклашга қўмаклашиш кераклиги таъкидланди. Бунинг учун электр, газ, йўл, сув билан боғлиқ инфра-тузилмани яхшилаш, янги-ларини барпо этиш зарур. Шу боис ҳокимиятлар томонидан ошириб бажарилган даромадлар, биринчи навбатда, ҳудудларда мавжуд инфратузилмани яхшилашга йўналтирилиши белгиланди.

Шунингдек, тайёр инфратузилмаси бор кичик саноат зоналарининг 263 гектар майдони ва 50 мингдан зиёд объектларидан самарали фойдаланилса, қўллаб янги қувватлар ташкил этиш мумкин. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигидаги вилоят ҳокимликлари билан биргаликда шу

борада манзилли дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир туман кесимида ресурс солиғи тўловчиларни ҳамда уларнинг объектларини ҳисобга олиш, иш ўринлари ва тадбиркорлар фаолиятини легаллаштириш бўйича ҳам топшириқлар берди.

Электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун қарздорликни қисқартириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Навоий вилоятлари ва бошқа жойларда дебитор қарздорлик кўпайгани, автомобилларга газ қуйиш шохобчаларида қатта миқдорда талон-торожиқлар аниқланаётгани қайд этилди. Бу энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий аҳолига салбий таъсир этиши билан бирга, ҳудудлардаги тадбиркорларнинг электр ва табиий газ таъминотида зулишларга сабаб бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари бундай ҳолатларга чек қўйиб, электр энергияси ва табиий газдан қарздорликни қисқартириш, аҳоли ва тадбиркорларни ушбу манбалар билан узлуксиз таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Маълумки, Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари, «Ўзбекнефтгаз», «Ўзтрансгаз», «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзкимёсаноат» каби йирик корхона ва ташкилотлар бюджет кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади. Эндиликда улардан тушумлар қуйинда тузилган Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси томонидан мустақил йиғилди.

Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига ўз комплекслари таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш бўйича кўрсатма берилди.

Бюджетга тушумларни оширишда яна бир муҳим йўналиш – давлат активлари. Ўтган йили давлат иштирокидаги корхона-

лар томонидан бюджетга жами 1,6 триллион сўм дивиденд тўланган, холос.

Шу боис мутасаддиларга давлат мулки объектларини, жумладан, ёғ-мой ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни хусусийлаштириш, йирик солиқ тўловчи субъектлар бўйича дивиденд ўрнлаш миқдори ва даврийлигини белгилаш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда берилган топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш учун вилоят ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича биринчи ўринбосарлари молия, солиқ, божхона, банк ва иқтисодий комплекс таркибидаги бошқа ташкилотлар билан биргаликда тадбиркорларга муносиб шароит яратиш ва бюджет даромадларини ошириш бўйича доимий ишлаши зарурлиги қайд этилди.

Видеоселекторда яна бир муҳим масала – янги Солиқ кодексини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Маълумки, ўтган йили солиқ тизимидаги ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ва тадбиркорларга чуқур тушунтириш бўйича Ишчи гуруҳ тузилган эди. Унинг ҳудудий тузилмалари томонидан бу борада манзилли ишлар олиб борилди.

Жорий йил 1 январдан мамлакатимиз солиқ тизимида 120 дан ортиқ янги қоидалар амалиётга киритилди. Бу қоидалар тўғри қўлланиши, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши учун ўзгаришлардан барча хабардор бўлиши керак.

Шу боис вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари бошчилигида иқтисодий комплекс идоралари ходимлари ва тадбиркорларни ўқитишни ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Кодекснинг мазмун-моҳиятини англаган ҳолдагина унинг сифатли ижросини таъминлашга имкон бўлади. Ундан ташка-

ри, ҳужжатда кўзда тутилган қоидаларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида барча туманларда давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқа тарғибот тадбирларини ўтказиш муҳимлиги қайд этилди. Оммавий ахборот воситаларида тарғибот бўйича медиа режа ишлаб чиқиш, биринчи чорак давомида барчага етказиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Янги кодекسدда солиқ органларига ҳам қўллаб вазифалар юклатилган. Уларни сифатли амалга ошириш учун солиқ ходимлари билим ва савиясини кескин ошириши, тадбиркорларга муносибатини тубдан ўзгартириши зарурлиги таъкидланди.

Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсманга халқаро тажриба асосида, тадбиркорлар билан муҳокама қилган ҳолда солиқ текширувлари ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда қурилишни молиялаштириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Молиялаштириш манбаси аниқ бўлмаган объектларда қурилишни бошлаш ва лойиҳа-смета ҳужжатларисиз қурилишни молиялаштириш тақиқланиши қайд этилди.

– Бугунги топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш иқтисодий комплексдан қатта масъулият талаб этади. Шу боис бу йил ҳуқуқат ва ҳудудлар учун «иқтисодий комплексни сафарбар қилиш йили» бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселекторда соҳа ва тармоқлар раҳбарлари, ҳокимлар белгиланган прогноз режаларни бажариш, тадбиркорликни ривожлантириш масалаларини юзасидан ҳисобот берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Ўзбекистонда Марказий Осиёга бевосита туташ Яқин Шарқда юз бераётган воқеалар алоҳида ташвиш билан қарши олинмоқда.

Ҳарбий-сиёсий ҳолатнинг янада кескинлашиши кўплаб инсонлар қурбон бўлишига ва кенг қўламли гуманитар фалокатга олиб келиши мумкин, ҳаётини муҳим иқтисодий

алоқалар ва коммуникация йўллари ва вайрон қилади, минтақавий ва глобал хавфсизликка тузатиб бўлмас зарар етказиши.

Ўзбекистон томони ўта бо-

сиқлик тарафдори бўлиб, тарафдорликни камайитириш ва минтақадаги вазиятни мўътадиллаштириш учун қарама-қарши томонларни сиёсий-дипломатик чоралар кўришга чақиради.

Ўзбекистонда ЯИМ аҳоли жон бошига 1740 доллардан ошди.

Ватанпарварлик — миллий юксалишнинг кафолати

Шу кунларда юртимизда Ватан ҳақида, уни ҳимоя қилаётган мардлар ҳақида кўп сўз юритилаётир. Зеро, Қуроли Кучларимизда изчил кечаётган ислохотлар кўнглимизда фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг қатъий мудофаа сиёсати туйғайли ҳарбий қудратимиз ортиб, миллий армиямиз сафи йилдан-йилга ҳар томонлама етук, салоҳиятли, ҳарбий хизматни шунчаки юмуш эмас, Ватани, халқи, истиқлоли олдидаги муқаддас бурчи, деб биладиган марду майдон ўғлонлар билан тўлиб борапти. Улар замонавий техникаларни бошқариб, қурол-аслаҳалардан унумли фойдаланиб, Қуроли Кучларимиз жанговар қудратини янада мустаҳкамлаб, Ватанимиз тинчлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаб келишмоқда.



Бугун халқаро сиёсий вазият тобора таранглашаётган, биздан олис бўлмаган ҳудудларда катта урушлар хавфи ортиб бораётган бир пайтда барчамизни бир савол ўйлантириши табиий: хўш, Миллий армиямиз қудрати, жанговар шайлик, аскарларнинг тактик тайёргарлиги қай даражада? Мудофаа қудратимиз замонавий хавфларга муносиб жавоб қайтара оладими? Айни саволлар юзасидан **Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъул ходими, подполковник Зоҳиджон Исақов** билан суҳбатлашдик.

варлик тарбиясини кучайтириши, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириши ҳам доимо эътиборимиз марказида. Шу мақсадда ёш аскар ва курсантлар Жаҳониддин Мангуберди, Амир Темури, Заҳриддин Мухаммад Бобур каби халқимизнинг буюк саркардалари ҳаётини, фаолиятини пухта ўрганиб боришади.

Шу билан бирга, дунёнинг улкан ҳарбий қудрат ва бой тажрибага эга армиялари билан ўзвий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Офицерларимиз Россия, АҚШ, Хитой, Туркия каби давлатларда ҳарбий малакаларини оширишди.

Дарҳақиқат, ватанпарварлик, юрти учун жонини беришга тайёр туриш ҳар бир фуқаронинг бурчи. Одамларимиз ҳар кунги, ҳар соғияда Ватан дея яшамоқлари, ўз касбларини, вазифаларини сидқидилдан, виждонан бажаришлари керак. Қисқа қилиб айтганда, ватанпарварлик ҳар кунги, ҳар соғияда керак. 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини чинакам умумхалқ байрамга айлантириш, аҳоли ўртасида Қуроли Кучларимизга бўлган ишонч, ҳурматни ошириш, армиямиздан ғурурланиш ҳиссини чуқур шакллантириш — бош мақсадимиз. Ушбу санани халқимиз ҳар бир хонадонда ўзгача фахр ва ифтихор билан, оилавий

байрам сифатида нишонлаши, миллий кадрятлардан бирига айланиши ҳаракатида.

Маҳалла фаоллари ҳарбийлар билан учрашув уюштирди

Шу ўринда Мудофаа вазирлигининг Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам алоқаларини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Ойлик доирасида маҳалла фаоллари кўмағида жойларда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, таълим муассасалари ўқувчилари билан «Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурч», «Мардлик ва жасорат» мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Бу каби учрашувлар Сирдарё, Жиззах, Наманган, Андижон вилоятларида ўтказилди. Урашувларда кеска ёши отахонлар, халқ ардоқлаган адиб ва санъаткорлар иштироки таъминланмоқда. Йил давомида маҳаллалар билан ҳамкорликда «Ўз уйингни ўзинг асра», «Оғоҳлик — давр талаби», «Юрт тинчлигига барчамиз масъулмиз» сингари тадбирларни доимий ўтказиб бориш режалаштирилган.

Миллий юксалиш кафолати

Президентимиз таъкидлаганидек, қайси мамлакатда фуқаролар ватанини чин дилдан севмас экан, ўша юртнинг келажагини тасаввур этиш кийин. Ҳақиқий юксалиш, тараккиёт ватанпарварлик ҳисси юқори бўлган давлатдагина кузатилади. Худудларимизда «Ватанпарварлик — миллий юксалиш кафолати!» шиори остида ўтказилаётган тадбирлар айнан шу ҳақиқатни ёшлар, фуқароларимиз қалбидан мустаҳкам жой олишига йўналтирилган.

Улугбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

ҚУТЛОВ

Юксак мукофот муборак!

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 6 январь кунги Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовни 70 йиллик таваллуд айёми билан самимий табриқлаб, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлади.



Дарҳақиқат, бугун юртимиз зиёлилари ва кенг жамоатчилик муфтий ҳазратларини нафақат Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбари, балки дунё миқёсида тан олинган нуфузли уламолардан бири, Ислом маърифатининг толмас тарғиботчиси, таниқли жамоат арбоби сифатида танийди, чин инсон сифатида ардоқлайди. Шунингдек, у кишининг Ислом маданияти ва илм-фанини ривожлантириш, улуг аллома ва мутафаккирларнинг бебаҳо илмий меросини тадқиқ этиш ва халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш йўлида қўшаётган хиссасини алоҳида эътироф этади.

Қайд этиш ўринлики, сўнгги йилларда жамият ҳаётининг барча жабҳалари қатори диний-маърифий соҳада ҳам улкан ислохотлар амалга оширилди. Бунинг самараси ўларок, биргина маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний уламолар, имом-хатиблар билан мустаҳкам ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Республика маҳаллалар кенгаши тизимида диний-маърифий масалалар бўйича раис ўринбосарлари лавозими жорий этилди.

Натижада мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги янада мустаҳкамланиб, аҳоли, хусусан, ёш авлодни тинчлик, инсонпарварлик, бағрикенглик ва ҳамжихатлик руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишлари тизимли равишда амалга оширилмоқда. Тўй ва маросимларни ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш, эртаниқ ва оилавий ажримларнинг олдини олиш, менталитетимизга ёт гоъларга қарши курашиш борасидаги ўзаро ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, муфтий ҳазратларини юксак мукофот ҳамда 70 йиллик таваллуд айёми билан самимий табриқлаб, у кишига мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, Ватанимиз ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги фаолиятида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқаруви.

14 январь — чинакам умумхалқ байрами

— Айни пайтда миллий армиямиз ҳарбий қудрати жиҳатидан дунёда 48-ўринда, МДХ давлатлари ичида 4-ўринда, Марказий Осиёда эса мутлақ етакчи — биринчи ўринда туради. — дейди **Зоҳиджон Исақов**. — Ҳарбий кадрлар тайёрлаш жиҳатидан барча турдаги махсус ўқув муассасаларига эгамиз. Жумладан, танк қўшинлари, авиация билим юрти, артиллерия ўқув муассасаси, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қудратини шакллантирадиган масканларимиз бор. Айни вақтда шахсий таркиб ўртасида миллий ўзликни англаш ва жанговар руҳни, ватанпар-



Прокурорлар сектори фаолияти халқ прокуратурасини шакллантирмоқда.

Намунали қишлоқ қандай бўлади?

Бухорода маҳалла ташаббуси билан янги лойиҳага қўл урилди

Бу йил Ромитан туманидаги Боғча қишлоғи аҳолисининг дастидан қиш ҳам ором ололмади. Ҳали қишнинг ором уйқусида ётган ерлар баданига теккан кетмон қитиғидан уйғонди. Дарахтлар пойида бўялган оқ ранглардан уялиб, танасини қуйи эгди. Билган, тушунганлар ўз қишлоғи маҳалласига билдирилган ишончдан шод, эринганлар эса «Обод қишлоқ»ни билардик, «намунали қишлоқ» нимаси, дея талмовсирайди.



— *Халқимизда ободлик, тозалик бор жойга бараканади, деган нақд бор. — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бухоро вилояти кенгаши бошқаруви раиси Аҳрор Гуломов.* — Ҳозир қиш бўлгани билан янги мавсум деҳқончилик ишларига тайёргарлик кўришнинг аини пайти. Агар томорқамиздан яхши ҳосил олмақчи бўлсак, узоғи билан шу пайтга қадар ерни ағдариб, яхоб сувида сугоришимиз керак. Қониб сув чимқочи бўлсак, шу пайтда ариқни ҳашар қилишимиз керак. Мўл мева олмақчи бўлсак, аини пайтда дарахтларни бутаб, шакл бериши, остки қисмини оқлаш лозим. Вилоят ҳокимлиги билан намунали семинар ўтказиш учун Боғча қишлоғида ишга қиришган вақтда ҳудуд аҳоли бирмунча кўришсиз эди. Кабристон но-обод, аҳолининг кўчага туташ экин ерларини бегона ўтлар қоплаган, ариқлар тупроқдан тўлганди. Шунда биз амалга ошириладиган ишлар бўйича алоҳида йўл харита тўзиб, ариқларни ҳашар қилиши, томорқаларни ағдарishi, хонадон фасадларини оқлаш, йўлларни тозалаш, хонадонлардан чиққан маҳаллий ўғит, мансий ва қурилиш чиқиндиларини ташиб кетиши учун алоҳида-алоҳида бригадалар ташкил этдик. Ҳар бир бригада раҳбарлигига шу қишлоқдаги обрўли, аҳолини ўз ортидан эргаштира оладиган қайтонларни бириктирдик.

Намунали қишлоқ қиёфасини ким яратди?

Буларнинг бари намунали қишлоқда бўлди. Намунали қишлоқ «Обод қишлоқ» дастуридан фарқи бўлди. «Обод қишлоқ»да асосий иш, асосий юк давлат чекига тушар, мактаб, боғча, йўл, сув қурилиши учун олам-олам маблағ сарф-

ланар, баъзи қишлоқларда эса аҳоли давлатнинг ана шу химматига фақатгина томошабин бўлиб, ўз олдидаги ҳовлини-да супуришга эриниб, «уни олиб бер-бунни олиб бер», дея боқимандачилик кайфиятигача берилмокчи бўлганди.

Намунали қишлоқда эса бировдан бир сўм олинмади. Зеро, маблағли ишнинг ўзи бўлмади. Барча ажодларидан қолган ҳашар анъанасини эсга олди. Наники маҳалла, туман, вилоятнинг қатта-кичиклари шу ерда жам бўлди. Лекин қатталар «қатта»лик билмади. Катта бўлиб мажлис қилмади, бировни изза этмади. Биринчи бўлиб кетмонни олди-да, ерга тушди. Орқасидан «ўрта»лар, кейин кичиклар, хуллас барча маҳалла аҳли ортидан эргашди.

Жами 334 та хонадон атрофи супурилди, фасадлар оқланди, қурби етмаган оила хонадонини маҳалладошлар химмат кўрсатиб қайта қуриб беришди. «Боғча» маҳалласига кираверишдаги 2 километр йўлга асфальт ётқизилди. Йўл бўйидаги гулзорлар тартибга келтирилди. Байрамда янада зиё улашиш учун қишлоқ марказига янги трансформатор ўрнатилди. Аҳоли хонадонларидаги тарвақайлаган кўхна дарахтлар буталди. 6,1 километрдан зиёд чўзилган қишлоқ ариғи маҳалладошлар томонидан ҳашар қилиниб, тупроғи махсус техникалар ёрдамида ташиб кетилди. Томорқалар ағдарилди. Қишлоқ кабристони ободонлаштирилди.

— *Аслида қатталарнинг ташаббус кўрсатиб, қишлоғимиз ободончилигига даъват этиши биз учун уят, — дейди тўқсон ёшли отахон Тўқсон бобо Тошев.* — Қуз қириши билан томорқаларни ағдарishi, тартибга солиши, ариқларни ҳашар қилиши, ҳар тонг келинларимизнинг ҳовли олдини супуриши биз учун анъана, лозим бўлса қадрият эди. Аммо

сўнги пайтларда ана шу қадриятни унутиб қўйдикми дейман. Ана, ҳашар кунлари ҳам бирор қишлоғимизга келиб бирор ишни қилгани йўқ. Барчаси маҳалладошлар томонидан қилинди. Фақат раҳбарлар ташаббус кўрсатишди, холос. Демак, ўзимиз хоҳиши қилсак, барча ишни удаласак бўларкан.

Хуллас, «Боғча» маҳалласида аҳоли аҳил бўлди, халқ озғибир бўлди, меҳнатда халол бўлди, оқибатда қишлоқ обод бўлди. Чиройли кўринишга келтирилган уйлар, тозаланган ариқ-зовурлар, оқлаб, шакл берилган дарахтлар, обод ва кўкаламзорлаштирилган кўчаларни кўриб дил яйради.

Ернинг яхши-ёмони бўлмайди, деҳқоннинг эпчили нўноғи бор

Шу боис ҳам, вилоят ҳокими ташаббуси билан вилоят маҳаллалар кенгаши, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ромитан тумани ҳокимлиги томонидан Боғча қишлоғи томорқа маданияти ва ободончилик нуқтани назаридан намунали тартибга тайёрлаб, бутун вилоят маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа масъулларга семинар тарзида намойиш этилди. Қишлоққа вилоят ҳокими бошлик барча мутасаддилар, туман ҳокимлари, вилоятдаги маҳалла раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари таширф буюришди. Меҳмонларга қишлоқнинг ярқираб турган 16 та кўчаси, тоза-озода ҳовлилари, равон йўллари, казиб, тартибга келтирилган сув йўллари, 9-мактабгача таълим муассасаси, зооветеринария шохобчаси, стадион, тadbиркорлик масканлари кўз-кўз қилиб кўрсатилди.

Вилоят ҳокими, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бухоро вилояти кенгаши раиси Ўқтам Барноев дастлаб хонадонларда бўлди. Аҳолининг яшаш тарзи билан кизикди.

Дастлабки ховли Нодир Тошев хонадони бўлди. Семинар баҳонасида бутун уй-жойи атрофини ободонлаштирган бўлса-да, қарийб 8 сотихни эгаллаган томорқа экин майдони бедапоёга айлантриб қўйилганди.

— *Бир неча йиллардан буён узлуксиз ҳосил олганимиз боис еримиз «чарчаган», — дея ўзини оқламоқчи бўлди томорқа эгаси.* — Шунинг учун бир-икки йил ерда дам бериш учун беда экканмиз.

Вилоят ҳокими эса Н.То-



шевга аслида ернинг яхши-ёмони бўлмаслиги, ундан ҳосил олиш деҳқон маҳоратига боғлиқлиги, шунингдек, томорқа шароитида паррандачилик, қуёнчиликни ривожлантириб, оила даромадини ошириш мумкинлигини таъкидлади.

Кейинги манзил эса унинг ён қўшниси, қариндоши Негбой Тошев хонадони бўлди.

— *Ҳовлимдаги иссиқхонада 3 марта экин экиб, ҳосил олмаган, 40-45 миллион сўмгача даромад қиламиз, — деди Негбой Тошев.* — Энди иссиқхонамни янгиламоқчиман. Ички қаватдаги полиэтилен пленкаларини автомат тарзда очиб-ёпиши, томчи усулида сугориш тизимларини жорий этмоқчиман.

Агар шундай қилсам, даромад миқдори ўзгармаса-да, харажатлар миқдорини икки ярим баробарга қисқартираман эканман.

Қишлоқда аксарият аҳоли чорва билан шугулланади. 452 бош қорамол, 552 бош қўй, 1001 та парранда боқилипти. Табиийки, уларга замонавий зооветеринария хизмати даркор. Ҳазрат Баротов ветеринарлик қишлоқ «Нурафшон» шохобчасида бўлган вилоят хокими 2-3 литр эмас, 20-30 литр сўт берадиган насли молларни кўпайтириш лозимлигини, чорва моллари паспортини жорий қилиш, сунъий қочирлишни йўлга қўйиш кераклигини маслаҳат берди.

Вилоятнинг барча қишлоғи намунали бўлади

— *Эндилда вилоятдаги қолган 543 та маҳалла, 1,5 минг қишлоқда ҳам ана шундай ободончилик ишлари давом эттирилмокда, — дейди А.Гуломов.* — Даставвал, барча туманлардаги ҳар бир секторда намунали қишлоқлар танила олиниб, улларда бутун ҳудуд жамоатчилиги томонидан тозалаш ишлари амалга оширилди. Сўнгра сектор ҳудудидаги қишлоқлар учун туман миқёсида яна бир бор кўргазмали семинарлар ташкил этилади. Жорий йилнинг 1 март санасига қадар эса барча қишлоқларда ободончилик ишлари буткул якунига етказилади. Мазкур мақсадда вилоят

ҳокимлиги кўмағида барча қишлоқ хўжалик техникалари ана шу ишларга жалб этилди.


Ҳар ким бригада ботир дейишади. Шу жиҳатдан, уйи абор киши меҳмон келмасмикан, деб юраги безиллайди. Уйи обод киши эса мактабни вақидан ҳам бирор киши ўтмасмикан деб йўл пойлайди. Ҳозир боғчаликларнинг кўзи йўлда. Ўтган-кетганни хонадонига тақлиф этади, қалбини қишлоғи, маҳалласи ободлигидан мағрурланиш ҳисси. Қай бири билан суҳбатда бўлманг, қўли кўксига, бир сўзини айтади: Обод Боғча қишлоғимизга марҳамат!

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

Янги Солиқ кодекси аввалгисидан қандай фарқ қилади?

ХЎШ, ЭНДИ ХУЖЖАТ БИЛАН ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?
ТАДБИРКОР ВА ФУКАРОЛАРГА ҚАНДАЙ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛАДИ?

Хар биримиз, аввало, солиқ тўловчимиз, топаётган даромадимизнинг маълум қисмини солиқ сифатида тўлаймиз. Шу боис соҳага оид ҳар қандай ўзгариш, янгилик барчамизни бирдек қизиқтиради. Ислохотлар шиддати эса кўплаб соҳаларда яқинча ёндашув, тизимлар ривожда бугунги кун талабидан келиб чиқши лозимлигини тақозо этмоқда. Жумладан, солиқ соҳасида ҳам.



Маълумки, 2020 йил 1 январдан бошлаб янги тахрирдаги Солиқ кодекси амалга киритилди. Янги солиқ тизимини яратишда тенглик, соддалик, аниқлик ва самарадорлик каби асосий принципларга асосланилди. Мазкур кодекс хаволаки нормалар, қонуности ҳужжатларини максимал даражада қамайтирган ҳолда, тўғридан-тўғри амал қиладиган ҳужжат сифатида қабул қилинди. Хўш, энди ҳужжат билан қандай ўзгаришлар бўлади? Тадбиркор ва фукароларга қандай қулайликлар яратилади?

кўзда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар 2020 йил 1 апрелгача амал қилади. Худди шундай, 2020 йил 1 январгача қабул қилingan солиқ қонунчилиги, шу жумладан, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан кўзда тутилган имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугаунга қадар белгиланади.

Шунингдек, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови ва белгиланган солиқ ўрнига белгиланган миқдорда *ижтимоий солиқ, айланмадан солиқ ва жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинладиган солиқ* жорий этилгани боис мос равишда олдин қонунчилик томонидан тақдим этилган имтиёзлар ва ҳисоблаш хусусиятлари сақланиб қолади.

Эндиликда 1 январдан бошлаб солиқ имтиёзлари фақат мазкур кодекс билан тақдим этилади. Бунда айрим солиқлар бўйича имтиёзлар (ҚҚС, акциз солиғи ва ер қаридан фойдаланганлик учун солиқдан ташқари) фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан солиқ ставкасини қамайтириш, лекин кўп билан 50 фоизга қамайтириш тарзида ва кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин.

этиш жоиз. Хусусан, ягона ер солиғи, давлат божи, божхона тўловлари ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ турлари бекор қилинди. Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорларга солиқларни тўлашни танлаш ҳуқуқи берилмоқда. Жумладан, эндиликда улар солиқни қатъий белгиланган миқдорларда тўлаш ёхуд жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисида декларация асосида тўлаши мумкин бўлади.

Солиқлар сони 13 тадан 9 тагача қамайтирилди

Маълумки, солиқ ислохотларини амалга оширишда 3 та муҳим масала — *солиқ юқини қамайтириши, солиққа тортишни соддаштириши, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириши* ҳал этиш вазифаси белгиланган эди. Янги тахрирдаги Солиқ кодексидан ҳам ушбу жиҳатлар инобатга олинган.

Жумладан, *солиқ юқини қамайтиришида* ҚҚСни қайтариб бериш тизими тубдан ўзгаририлмоқда. Энди ҚҚС бўйича «манфий» қолдиқ суммасини тўлиқлигича қайтариш мумкин.

Бундан ташқари, ҳужжатга ҚҚСнинг яхлит занжирини таъминлаш мақсадида бир маргалик ҳисобга олиш нормаси киритилди. Авваллари ҳисобга олиш тенг улушларда кетма-кет келувчи 12 ой давомида, кўчмас мулк объектлари бўйича эса 36 ой давомида амалга оширилди. Бу эса, ўз навбатида, ҚҚС занжирининг узилишига олиб келаётган эди. Эндиликда асосий воситалар ҳамда кўчмас мулк объектлари харид қилинганда (барпо этилганда) ҚҚС бир йўла ҳисобга олиншини назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

Шунингдек, бюджет ташкилотларидан бошқа барча тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ 12 фоиз (олдин 25 фоиз эди) миқдоридан белгиланди. Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланган солиқ суммаси ўртача 30 фоизга қамайтирилмоқда.

Солиққа тортишни соддаштириш бўйича сўз борганда, солиқлар сони 13 тадан 9 тагача қамайтирилганини кайд

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича эса солиқ назоратини ўтказишнинг янги тартиби жорий этилди, у солиқ органларига камсрал, жойига чиққан ҳолда текшириш ва солиқ аудитини ваколатли орган билан келишмасдан «Тахлика-тахлик» дастури асосида амалга ошириш ҳуқуқини беради. Текширишлар инсон омилсиз 42 та мезон асосида учта сегментга — «виждонли», «шубҳали» ва «мунтазам ҳуқуқбузарлар»га ажратган ҳолда амалга оширилади.

Ортиқча ундирилган сумма учун пеня тўланади

Аввалги Солиқ кодексидан фарқли равишда ҳужжатнинг янги тахририда солиқ органларининг масъулияти оширилган, бир пайтнинг ўзида ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариш ва ортиқча ундирилган солиқ суммасини ҳисобга олишни (қайтаришни) ўз вақтида амалга ошириш механизми жорий этилди.

Бунда солиқ суммасини қайтаришнинг ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун солиқ органи томонидан солиқ тўловчига пеня тўлайди. Ундирувчи солиқ тўловчига унинг дебиторлари тўлаши керак бўлган суммаларга қаратиш тартиби бекор қилинмоқда.

Бундан ташқари, Европа, Шунингдек, Япония, Малайзия, Жанубий Корея каби давлатларда хорижий сайёҳлар учун амалда бўлган «tax free» тамойили Ўзбекистонда ҳам жорий этилди. Унга кўра, эндиликда чет эллик сайёҳларга Ўзбекистонда сотиб олинган товарларга ҳисобланган ҚҚСни қайтариш имконияти яратилди.

Янги ҳужжат билан шу пайтгача тадбиркорларга оғир юк бўлиб келаётган муаммолар ҳам барта-

раф этиляпти. Хусусан, эндиликда ҳали ишга тушурилмаган ускуналар учун тўлаб келинган солиқлар мол-мулк солиғининг таркибидан чиқариб ташланмоқда.

Аввал ишламаган тизим энди ишлайди

Солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартiriш, солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ваколатлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга берилди.

Таъкидлаш жоиз, аввалги амалиётда солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти бўйича ваколат фақатгина алоҳида Комиссияга берилган эди. Бу эса, ўз навбатида, бундай ҳуқуқни олиш учун солиқ тўловчиларга овозгарчилик ва ноқулайликлар келтириб, ортиқча қоғозбозлик талаб қилар эди. Шу боис кейинги уч йил ичида солиқларни кечиктириш ҳуқуқидан ҳеч қайси тадбиркорлик субъекти фойдаланмаган. Янги тартиб билан эндиликда пулли ёки бепул асосда, коллегиял органлар (Комиссиялар) иштирокисиз солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этишнинг янги шаффоф тизими жорий этилди.

Бунда қарздорлик суммасига Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан фоири ҳисобланган ҳолда тақдим этилади.

Қоғозбозликдан воз кечилади

Эндиликда ҳисобварақ-фактуралар қонда тариқасида электрон кўринишда расмийлаштирилади. 1 январдан бошлаб товарларни (хизматларни) сотишда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда тақдим этиши ва қабул қилиши шарт. Солиқ тўловчилар электрон ҳисобварақ-фактуралар операторини ўз хоҳишларига кўра танлашлари мумкин.

Кўп сонли солиқ тўловчиларни электрон ҳисоб операторларига улаш зарурати туфайли 1 июлга қадар солиқ органлари белгиланган тартибни бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўлламайди. Ҳисобварақ-фактураларни тақдим этиш тартиби ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилганига қадар солиқ тўловчилар 2019 йилда амалда бўлган тартибни қўллашлари керак. Шунга ўхшаш тартиб онлайн касса аппаратларидан фойдаланишда ҳам қўлланилади.

Умуман олганда, янги тахрирдаги Солиқ кодексининг кўлами ҳам, камрови ҳам анча кенг бўлиб, у ҳоҳ юридик, ҳоҳ жисмоний шахс бўлсин, шу жумладан, инвесторлар учун ҳам кўплаб янгиликлар, қулайликлар назарда тутилди. Энг муҳими, солиқ соҳасидаги барча нормалар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ягона ҳужжат ҳолига келтирилиб жамланди. Бу эса солиқ тўловчилар учун ҳам, солиқ органлари ва пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Жаҳонгир АБДИЕВ,
Давлат солиқ қўмитаси
бошқарма бошлиғи.**

ДАРВОҚЕ...

Солиқ тўламай юрадиган замон ўтиб кетди



Адлия вазирлиги томонидан «Тарқиқий стратегияси» марказида янги тахрирдаги Солиқ кодекси бўйича ташкил этилган матбуот анжуманида санъаткорларнинг солиқ тўлаш тизими, уларнинг даромадини қай тартибда ҳисоблаш бўйича берилган саволларга Давлат солиқ қўмитаси расми биринчи ўринбосари Мубин Мирзаев жавоб берди:

— Санъаткорлар белгиланган тартибда декларация тақдим этади ва шу асосда улардан солиқ ундирилади. Агар декларацияда хатолик бўлса, бизда жарима тизими бор. Нафақат санъаткорлар, балки жисмоний ва юридик шахслар, савдо ташкилотларининг даромадини текшириш бўйича солиқ органлари томонидан алоҳида методлар ишлаб чиқилган. Кўпчилик «агар мен нақд пулда ҳисоб-китоб қилсам, солиқчилар билмайди», деб ўйлайди. Лекин солиқ органларида у жисмоний шахс бўладими ёки юридик шахси, улар ҳақидаги ҳамма маълумотлар бор.

Даромадини хато кўрсатганлар қандай аниқланади? Дейлик, улар декларация тўлдирди, лекин ҳамма даромадини кўрсатмади. Бирок бир йилдан кейин у битта уй ёки машина сотиб олди. Биз чақирамиз, «мана декларация, шунча солиқ тўладингиз, даромадингизни қасрдан олдингиз, кўрсатинг», деймиз. Улар «отамдан, онамдан олдим», деб айтиши мумкин. Ҳўп, шундай ёзиб беринг, дейилади. Ёзиб бергач, отаси-онаси ёки бошқаларнинг даромади кўтарилди.

Бизда ҳозир 33 миллиондан зиёд аҳоли бор, унинг 14 миллионга яқини ишга лаёқатли бўлса, уларнинг тўлиқ базасини шакллантириямиз. Кимдир солиқ органларини алдаш ёки солиқ тўламаслик мумкин, деб ўйлаши мумкин. Бу мумкинмас! Солиқ органларидан қочиб ёки солиқ тўламай юрадиган замон ўтиб кетди. Бундан бу ёнга ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар солиқ тўлайди. Унинг солиқ базасини аниқлаш солиқ органларига ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Маълумотлар базаси бор, биз барча жисмоний шахслар бўйича статистикани юритамиз.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



Намунали қайнона-келин — маҳалла кўрки

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Кўприқбоши» маҳалла фуқаролар йиғинида ибратли оилалар тажрибаси оммалаштирилмоқда. Бу ташаббус Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг ҳамкорлик дастури асосида амалга ошириляётган. Унда асосий эътибор оила ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилавий ажралишларнинг олдини олишга қаратилмоқда.

— Айни пайтда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилган бўлиб, бўлажак келин-куёвлар махсус курсларда ўқитилмоқда, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбосари Барно Хамидова. — Бу тизим жамиятимизда оилавий ажралишларнинг олдини олади. Ёш оилаларнинг бузилиб кетишига айрим йигит-қизларнинг мустақил ҳаётга тайёр эмаслиги сабаб бўляётганини сир эмас. Шу боис ибратли оилалар

тажрибасини оммалаштириш орқали ажрашаётган эр-хотинларни мушоҳадага чорлаш, ҳавас ва ҳурмат туйғуларини уйғотиб, қатъис қарорларини ўзгартиришига эришиши бош мақсадимиздир.

Ташаббус доирасида ибратли оилалар вакиллари ёшлар хонадонларига ташриф буюриб, суҳбатлар ўтказишди. Оилада эр ва хотиннинг ўрни, фарзанд тарбиясида эътибор қаратиш керак бўлган жиҳатлар, оила бюджетини юритиш сир-асрорлари ҳақида тажрибалари билан ўртоқлашишди.

Гулном ХИДИРОВ «Mahalla»

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Ҳоким маҳалла ёшлари билан учрашди

Термиз туманидаги «Айритом», «Нурафшон», «Ат-Термизий» маҳалла фуқаролар йиғинлари ёшлари ҳаётида унутилмас воқеа юз берди — Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов ушбу ҳудудларда бўлиб, йигит-қизлар билан учрашди.



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мазкур учрашувлар «Айритом» маҳалласи ҳудудидаги ҳарбий қисмдан бошланди. Бу ерда ҳарбийлар ва шу ҳудуддаги уюшмаган ёшлар вилоят ҳокимига дилдаганини тўқиб солишди. Бандлик, тadbиркорликни йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимоя, уй-жой билан таъминлашга доир муурожаатлар эътиборсиз қолмайдиган бўлди.

Шундан сўнг «Нурафшон» маҳалласидаги суҳбатлар доирасида 4 гектар майдонда яратилган 80 кишини меҳнат билан таъминлайдиган иссиқхона қурилиши билан танишилди. Мазкур учрашувда Фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Р.Авазов сўзга чиқиб, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ўз иқтисодлари ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун шароитлар яратиб бериш бўйича каттор таклифларни илгари сурди. Ушбу таклифлар амалга татбиқ этилса, кўплаб термизлик ёшларнинг салоҳиятлари юзага чиқади.

Ойбек АШУРОВ,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Аскар — маҳалла фаҳри

Фарзандини вояга етказгач, унинг юрт химояси учун киришгани, эгнига ҳарбий либос кийганини кўриш — ҳар бир ота-она учун катта бахт. Қолаверса, Қуроли Кучларимиз сафида йигитлик бурчини ўтаётган ўғлонлардан маҳалладошлари ҳам хақли равишда фахрланади.



Қоровулбозор тумани «Бўзачи» маҳалла фуқаролар йиғини ва 7551-сонли ҳарбий қисм ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганнинг 28 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Аскар — маҳалла фаҳри» мавзусида тadbир бўлиб ўтди.

Тadbирда маҳалла фаоллари, уюшмаган ёшлар ва мактаб ўқувчилари иштирок этдилар. Айни пайтда фарзанди

армияда хизмат бурчини ўтаётган ота-оналар эъозланди. Бу каби тadbирлар ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини кучайтириб, уларнинг ҳарбийликка қизиқишини уйғотишга хизмат қилади.

Гулнора МАРДИЕВА,
Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани «Бўзачи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Низомиддин бобонинг тўйи қандай ўтди?

Ургут туманидаги «Қайроқли» маҳалласида ажойиб тўй дастурхони ёзилди. «Мардон ота» тўйхонасида набираси Алҳамжоннинг тўйини ўтказган Низомиддин бобо Шариповнинг ташаббуси бошқаларга ибрат бўлди.



Гап шундаки, «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тadbирларни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомни пухта ўрганиб чиққан отахон 2 ҳафта олдин маҳалла раисига маслаҳат солди.

Улар намунали тўй тадоригини тўйхона эгаси билан шартнома тузишдан бошлашди. Қувонарлиси, маросимда 150 нафар меҳмон қагнашиб, 40 кило гуруч дамланди. Дастурхондаги нозу неъматлар исроф бўлмади, бир шиша ҳам спиртли ичимлик қўйилмади. 1 нафар хонанда шартнома асосида хизмат қилди.

«Қайроқли»ликлар ва олис-яқиндан келган меҳмонларга ушбу тўй маъқул бўлди. Биз, маҳалла мутасаддилари эса Ургутдаги бошқа маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларига тўйларни камчиким ва ихчам ўтказиш борасида тушунча берар эканмиз, Низомиддин бобонинг тўйи қандай ўтганини ўрнат қилиб кўрсатмоқдамиз.

Шухрат АЛИЕВ,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Ургут тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Муаммо ва таклифлар ўрганилди

Бектемир тумани «Чашма» маҳалласида истиқомат қиладиган Асрор Пўлатов (исм-фамилияси ўзгартирилган) бир неча йил бурун ювган килимларни сабаб профилактик ҳисобга олинган. Ўтган давр мубайнида у «айби»ни ювиш, маҳалладошлари учун бирон хайрли иш бошлаш ҳамда «қора рўйхат»дан чиқиб ҳақида кўп бош қотирди.

Куни кеча маҳалла фаоллари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари унинг хонадонига кириб келиб, ундан «Сизда қандай муаммо бор?», дея сўраганида А.Пўлатовнинг кўнгли ёришиб кетди. У тезда маҳаллада қосиблик устахонаси очишни мўлжаллаётганини, бунинг учун бироз кўмак зарурлигини айтди.

Дарҳақиқат, Бектемир тумани маҳаллалари ички ишлар органлари билан 2020 йил бошланда қосиблик ҳамкорлигини бошлаб юборишди. Хусусан, «Чашма» маҳалла фуқаролар йиғинида пробация бўлими рўйхатида турган, профилактик

рўйхатда турган фуқаролар билан суҳбатлар ўтказилди ва уларнинг муаммо ва таклифлари ўрганилди. Ушбу сазъ-ҳаракатлар жорий йилда биронта жиноятчиликка йўл қўймайликдек хайрли мақсадларни кўзлаб амалга оширилмоқда. Зеро, жиноятчиликнинг асосий сабаби ипсизлик, моддий етишмовчилик, эътиборсизлик экани кундек равшан. Шундай экан, юқоридаги иллагларга қарши биргаликда қуралиш кўплаб ютуқларга омили бўлиши тайин.

Муҳбиримиз.

БИРИНЧИ ТУРИЗМ ҚИШЛОҒИ: Кумушкон кундай ёрқин манзара



Сайёрамизда экологик инфосланиш кучайиб, бир ҳовуч тоза сув ёки бир нафас олгулик мусаффо ҳаво, экологик соф маҳсулот аённинг уруғига айланиб бораётган бугунги кунда юртимизнинг бебаҳо худудларини асраб-авайлаш ҳамда бундай жойлардан оқилона фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади.



Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги «2019-2021 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини жадал ривожлантириш тўғрисида»ги қарори билан мазкур вилоятнинг туризм салоҳияти «Олтин ҳалқа» концепцияси асосида ривожлантирилади. Вилоятнинг Бўстонлик, Охангарон, Паркент, Бўка, Чиноз, Зангиота туманлари ва Ангрэн шаҳрини ўз ичига олган «Олтин ҳалқа» концепцияси сайёҳлар оқимини кўпайтириш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда маҳаллий аҳоли даромадини

ошириш каби қатор мақсадларни назарда тутати.

Яна бир янгилик шуки, ҳукуматнинг юқоридаги қарори билан «Кумушкон» маҳалла фуқаролар йиғини худудидида туризм қишлоғини ташкил этишга оид чора-тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди. Хўш, бу нимадан далолат беради? Ҳукумат қароридида кўрсатилган вазифалар нималардан иборат? Ва ушбу ҳаракатлар қанчалик самара беради? Вилоятнинг бошқа туманларида туризмни

ривожлантириш имконияти йўқми?

«Олтин ҳалқа»даги ўзига хосликлар нималардан иборат?

— Вазирлар Маҳкамасида илк бор шундай мазмундаги қарор тайёрланиб, у туристик қишлоқ, туристик маҳалла концепциясини ривожлантириш нуқтаси назаридан масалага тизимли равишда ёндашишга йўналтирилди, — дейди **Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳакимов**. — Шунинг алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Концепцияни ривожлантириш ва илгари суришда нафақат туризм, балки ижтимоий масалаларга ечим топишни ҳам асосий мақсад қилиб олганмиз. Чунки бошланғич ишларимиз боис минглаб иш ўринлари яратилади, аҳоли даромадлари ортади.

Хужжатга кўра, Тошкент вилоятидаги ҳар бир туман ўзига хос бўлган туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиб, сайёҳликнинг алоҳида йўналишларига ихтисослашади. Масалан, Бўстонлик тумани «Чорвоқ» эркин туристик зонаси, Угам — Чотқол миллий боғи, «Чорвоқ» сув омборига эга, худудда туризмнинг барча йўналишларини ривожлантириш имконияти мавжуд. Паркент тумани эса тоғолди худуд, табиати гўзал, зиёратгоҳлари, агротуризм масканлари, хушгаъм таомларга бой овқатланиш шохобчалари бисёр. Зангиотани барчамиз тарихий худуд сифатида яхши биламиз. «Зангиота» мажмуаси, хунармандчилик марказлари, савдо мажмуалари туфайли туманда зиёрат туризмни самарали йўлга қўйиш имконияти бекиёс. Охангарон тумани қадимий манзилгоҳлар, маданий мерос объектларига бой, қолаверса, бу ерда sanoat туризми йўналишини муваффақиятли амалга ошириш мумкин. Бўка туманида гастрономик туризмни барқарор ривожлантириш учун шароитлар жуда қулай.

Чиноз — Тошкент ва воҳани боғловчи асосий магистрал йўл бўлида жойлашгани туфайли агротуризм, гастрономик туризм ва сайёҳликнинг бошқа турларини бирдек юритишда беназирдир. Ангрэн — sanoat шаҳри. Янгиобод ва Лашкарак худудларининг бетакрор табиати, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи йўл бўлидаги овқатланиш шохобчалари ҳам мақсадларимизни амалга оширишда кўл келади.

Таъкидлаш жоизки, «Олтин ҳалқа» концепция доирасида туризм салоҳияти юқори бўлган мазкур худудлар камраб олинади, кейинчалик эса вилоятнинг бошқа туманларига ҳам айти тажрибалар кенг татбиқ қилинади. Яъни Тошкент вилояти ҳар жиҳатдан бой салоҳиятга эга, ишга солинмаган ресурсларга кўн худуд. Шу боис сайёҳлик йўналишида ви-

биль йўллари асфальтланмоқда, ички кўчалар текисланиб шағал ётқизиляптир. Йўл кўрсаткич белгилари, тунги ёриткичлар ўрнатиш, гулзорлар ташкил қилиш, электр тармоқлари ва газ қувурларини таъмирлаш, чикинди йиғиш пунктларини куриш, яқна тартибдаги уй-жойлар фасадини кўркам ҳолга келтириш ишлари ҳам авжида.

— **Бизнинг «Кумушкон»да 2 минг тўрт юздан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Паркент тумани «Кумушкон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдураҳмон Бурҳонов**. — Одамлар, асосан, чорвачилик, боғдорчиликдан даромад топади. Жаннатнинг бир парчасига қиёсланидиган қишлоғимизда етиштирилган мевалар ҳар қандай кимёвий ўғитлардан холи, экологик соф маҳсулотлардир. Биз боғларимизга асло кимёвий препаратлар ишлатмаймиз. Тоғлар бағридан ёриб чиққан булоқларнинг шифобахш сувларини ҳар қанча мақтасак кам.

Чора-тадбирлар режасига кўра, маҳаллада этноқишлоқ, хунармандлар қишлоғи, санъаткорлар қишлоғи, миллий таомлар қишлоғи каби қатор масканлар яратилади. Бу ерга келган меҳмон тоғ бағрида шунчаки чарчоғини ёзмайди, балки хоҳишига кўра миллий таомлар тайёрланишида иштирок этади, ҳосил йиғишда, хунармандчилик жараёнида катнашиб завқ олади. Бу ердаги ҳордик учун маҳаллий сайёҳларгина эмас, олис мам-

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:



«ОЛТИН ҲАЛҚА» ДОИРАСИДА 1523 ТА ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

Чора-тадбирлар режасига кўра, 2020 йилда «Кумушкон» маҳалласида 10 та хонадон вакили жалб қилиниб, Санъаткорлар кўчаси ташкил этилади. Ушбу уйлар чолғу асбоблари билан таъминланади. Шунингдек, миллий санъат ва маданий тадбирларни ўтказиш учун махсус сахна қурилади. Дикқатга сазовор жиҳати шуки, «Кумушкон»да алоҳида йўналишлар бўйича — этноқишлоқ, миллий таомлар қишлоғи, хунармандлар қишлоғи, санъаткорлар қишлоғи ҳамда агротуризм қишлоқлари яратилади.

Бу ерда меҳмон уйлари, халқ кутубхонаси, ёшлар ижодиёт маркази, халқ ўйинлари ва спорт намоишлари майдончаси, ўтовлар шахарчаси, туризм ахборот марказлари, сувенирлар ҳамда хунармандчилик маҳсулотлари дўкони, замонавий санитарик-гигиеник шохобчалар, сайёҳлар учун табиий хизмат кўрсатиш шохобчаси, сунъий шаршаралар ҳамда 7 мавсумий дам олиш масканини ташкил этиш каби кўплаб тадбирлар амалга оширилади. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг «2019-2021 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини жадал ривожлантириш тўғрисида»ги қарори доирасида Тошкент вилоятида «Олтин ҳалқа» концепциясини амалга оширилиши ҳам белгилаб берилди. Қарор билан Тошкент вилоятида туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати тасдиқланди. Хужжат билан 45 инвестиция лойиҳаси амалга оширилади, 1523 та янги иш ўрни яратилади.



лоятнинг имкониятларидан, албатта, унумли фойдаланилади. «Кумушкон»да тўпланган тажриба бошқа туристик қишлоқ ҳамда маҳаллалар яратишда намуна бўлиб хизмат қилади. Зотан, келгусида бундай туристик қишлоқларни кўпайтириш режалаштирилган.

«Бизнинг мевалар кимёвий ўғитларсиз етиштирилади»

Юртимизда биринчи туризм маҳалласига айланаётган Кумушконда бугун катта ишлар бошлаб юборилган. Автомо-

лакатлардан йўл босиб келган қишлоқлар ҳам ўтказган вақтига ачинмаслиги, олам-олам таасуротлар билан ортага қайтиши жоиз. Шундагина бошланган сайёҳ-ҳаракатлар натижа беради. Демак, энди ҳамма гап тайёргарлик ишларининг бекаму кўст олиб борилишига боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, «Олтин ҳалқа» концепцияси асосида бошланган хайрли амаллар юртимизнинг довруғини ёйиши, сайёҳлар оқимини ўзига жалб этиши жоиздир.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Ўзбекистон сувни исроф қилиш бўйича дунёдаги кучли 10 таликка киради.

Ўзбекистонда илм-фанга катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, ўтмишда қанчадан-қанча алломалар яшаб, ижод этган, буюк кашфиётлар қилган мамлакатда ана шу анъана бардавом бўлиши керак. Шу маънода илм-фан соҳасига эндигина кириб келаётган ёш олимларнинг хорижда малака оширишлари, стажировкадан ўташлари учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.



Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари керак!

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БУ МУТАХАССИСЛАР ИСТИҚБОЛЛИ КАДР СИФАТИДА ҚАРАЛИБ, УЛАРНИ ЎҚИТИШГА МИЛЛИОНЛАБ МАБЛАҒ САРФЛАНЯПТИЮ, НИМА УЧУН УНИ ЎЗИМИЗ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМАЙМИЗ? ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАБ, ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ УНДАМАЙМИЗ?

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 25 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони айнан шу йўналишда катта ислохотларни бошлаш учун асос бўлди. Хужжатга мувофиқ, 2019 йилдан бошлаб, кейинчалик тегишли йилдаги истеъмол нархларининг прогноз индексига тенг коэффициентни қўллаган ҳолда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси бюджетидан жамғармага 45,0 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши белгиланди. Иктидорли, истеъдодли ёшларга чуқур билим бериши, уларнинг ривожланаётган Ўзбекистон тараққиётида ўз ўрни ва салоҳиятини белгилаб олиши учун шу даражада кенг имконият яратилиши, сармага ажратилиши ҳеч қайси даврда бўлган эмас.

— Жамғарма томонидан Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда хорижий олий таълим муассасаларида таъсил олаётган 12 миң ватандошимизнинг электрон реестри, яъни маълумотлар базаси шакллантирилди. — дейди «Эл-юрт умиди» жамғармаси масъул ходими Мирношоҳ Музаффаров. — Давлатлар ва мутахассисликлар кесимида каталоглаштирилган бу база бизга улар билан исталган пайтда мулоқот ва ҳамкорлик қилиш имкониятини бермоқда. 2018 йилда жамғарманинг таълим дастури бўйича 378 нафар йнгит-қиз хорижий олий ўқув юртига ўқишга юборилган бўлса, 2019 йилда улар сонини 600 нафардан зиёдга ташкил этиди. 2020 йил учун мўлжалланган таълим дастурида 1000 кишилик квотани қамраб олиш мўлжалланмоқда.

Белгиланган квота зое кетмоқда

Қайд этиш ўринли, жамғарма томонидан доимий равишда ёшларнинг чет мамлакатларда ўқиши, стажировкадан ўтиши учун имкониятлар яратилмоқда. Бироқ тахлилларга кўра, бу борада фақатгина Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари, ридаги олий таълим муассасалари етакчилик қилаётган бўлса, қолган вилоятлардаги олий ўқув юртилари бундай имкониятни қўлга кирита олмапти. Биргина 2019 йилги иккинчи стипендия танлови ғолибларини аниқлашда номзодларнинг хорижий тилларни пухта билмаслиги белгиланган квотанинг зое кетишига сабаб бўлди.

Яъни 400 нафар номзоддан фақат 209 нафаригина бу имкониятни қўлга киритди. Бу муаммо кўп йиллар аввал умумтаълим мактабларида инглиз, немис, француз, ҳаттоки рус тиллари талаб даражасида ўқитилмагани туфайли келиб чиқмоқда. Шу боис жамғарма тақлифига кўра, 22 та олий

тироқида муҳокама қилиниши жамоавийликнинг яққол мисолидир. Яқинда пойтахтимизда собиқ «Умид» жамғармаси битирувчиларининг «Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари» мавзусида I халқаро конференциясининг ўтказилгани ҳам халқимизнинг «Кенгашли тўй тарқамас» деган нақли нақадар ҳаққонийлигини яна бир қарра исботлади.

— Конференцияда 340 нафардан ортқ иштирокчи қатнашган бўлса, шундан 260 нафарни собиқ «Умид» жамғармаси битирувчиси дидир. — дейди «Эл-юрт умиди» жамғармаси ахборот-таълим бўлими бошлиғи, иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори Жаваҳир Аҳмедов. — Шундан 226 нафари ўз меҳнат фаолиятини нуфузли давлат ташкилотларида, иқтисодийётимизнинг истиқболли тармоқларида давом эттираётган бўлса, ривожланган хорижий мамлакатларда 34 нафар юртдошимиз фаолият кўрсатмоқда.

Ҳоҳ малака ошириш, ҳоҳ докторантура, ҳоҳ стажировка бўлсин, хорижий давлатда бўлиб қайтган ёш мутахассис кафеолат хати билан ишга жойлашиши мумкин. Аммо гарчи қўлда кафеолат хати бўлса-да, баъзи вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарияти томонидан ёш мутахассисини юқори маошли лавозимга тайинлаш, ўз карьерасини топишга кўмаклашишда сансалорлик ёки ишончсизлик билан қараш қайфияти ҳамон кузатилмоқда. Хўш, давлат томонидан бу мутахассислар истиқболли кадр сифатида қаралиб, уларни ўқитишга миллионлаб маблағ сарфланяптию, нима учун уни ўзимиз қўллаб-қувватламаймиз? Ишонч билан қараб, янги марралар сари ундамаймиз?

Икки кунлик конференциянинг ялпи мажлиси ва шўъба йнгилешларида айна шу жи-

ҳатларга эътибор қаратилиб, битирувчиларни давлат хизматида, таълим ва илмий тадқиқот соҳасига, иқтисодийётнинг истиқболли соҳаларига доимий ишга жалб этиш учун шароит

ДАРВОҚЕ...

2020 йилдан бошлаб истиқболли ва талаб ўта юқори бўлган мутахассисликлар соҳасида «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан 6 ойгача бўлган муддатда хорижий тилларга интенсив ўқитиш бўйича таълим дастури жорий этилади.

ва имконият яратиш бўйича муҳим тақлифлар ўртага ташланди.

Имкониятни кенгайтириш керак

Ривожланган давлатларда таълим олиш имконияти ана шундай ниятда бўлган барча ёшларга ҳам насиб этавермайди. Бундан кўп йиллар муқаддам ана шундай имкониятни қўлга киритган ёшларнинг айримлари юқори даромад топиш мақсадида ўша давлатларда қолиб кетган бўлса-да, ўз юрти ва халқининг манфаатларини қамраб оlish мутахассислар энг оддий вазифадан юқори лавозимгача бўлган мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтмоқда.

— 1992-1997 йилларда собиқ Тошкент давлат университети таълим олиш тармоқларида

институтда оддий лаборант бўлиб ишладим. — дейди Иновацион ривожланиш вазир Иброҳим Абдураҳмонов. — Илмий ходим бўлган, аспирантурага қабул қилинганман. Бир қатор илмий лойиҳалар бўйича ишлаб, унча-мунча малака шаклландим, менга «Умид» жамғармаси совриндори сифатида АҚШнинг Техас қишлоқ хўжалиги ва механика университетида ўқиш имконияти насиб этган. Позонама-поғона, босқичма-босқич, машаққат билан қўлга киритилган муваффақият соҳибиман, десам, муволажа бўлмади. Ангеланишим шу бўлдики, муваффақият, омад, касбий жиҳатдан юқорилик замирида иштилош, ҳаракат, гайрат, ишонч ётади. Сабр қилган, машаққатларни сабр-бародир билан енган инсонни давлати ҳам, халқи ҳам, албатта, ардоқлайди.

Эътироф этиш ўринлики, юртимизда юқас салоҳиятли, келажак порлоқ ёшлар жуда кўп, уларни хорижда ўқитасан, марра бизники. Аммо бунга монелик қиладиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Бунга мисол сифатида уларнинг аксарияти

чет тилларида эркин мулоқот қила олмаслигини кўрсатиш мумкин. Демак, умумтаълим мактаблари, узлуқсиз таълимнинг барча бўғинларида чет тили чуқур ўргатилмаптию, айнан иқтидорли ёшлар гуруҳи учун давлат миқёсида чет тилларни ўргатувчи платформа яратилиши керак. «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан

мутахассисларни ўқишга жўнатиш учун дунёдаги рейтингни баланд 500 та университет танлашни яхшидир. Аммо талабнинг бу даражада юқори қўйилиши ёшларимизнинг хорижда таълим олиш имкониятларини бироз чеклаб қўяди, назаримизда. Шу боис хориж олий ўқув юртилари рўйхатини қайтадан кўриб чиқиш керак.

...Дарҳақиқат, илм-фан истаб, машаққат чеккан, дунёга чиққан олим ёки тадқиқотчи борки, у билан суҳбатлашган киши ўша саъй-ҳаракатлар замирида юрт тараққиёти билан боғлиқ истаб ва ғоялар мужасамлашганини сезади. Зеро, «Олим бўлсанг, олам сеники» деган нақл бежиз айтилмаган. Олим бўлинг, олам сизники!

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Тахлилларга кўра, бугунги кунда ёш кадрларни хорижда ўқитишга юбориш бўйича реал эҳтиёж жами 6 миң 247 нафарни ташкил этиб, таълим соҳасида 1 миң 381, фан ва илмий-тадқиқотлар соҳасида 351, соғлиқни сақлаш соҳасида 384, давлат бошқаруви йўналишида 2 миң 102 ва иқтисодийётнинг истиқболли тармоқлари бўйича 2 миң 29 кишини ташкил этади.


ўқув юртида хорижий тилларни мукамал ўргатишга ихтисослаштирилган марказлар ташкил қилинди.

Кенгашли тўй тарқамас

Ўзбек халқи жамоавийликни қадрлайди, Ғарб давлатларига хос индивидуализм бизга ёт. Ҳоҳ давлат, ҳоҳ корхона, муассаса, ҳоҳ шахсий характерда бўлсин, катта-кичик масалаларнинг кўпчилиги иш-

кўмаклашишда сансалорлик ёки ишончсизлик билан қараш қайфияти ҳамон кузатилмоқда. Хўш, давлат томонидан бу мутахассислар истиқболли кадр сифатида қаралиб, уларни ўқитишга миллионлаб маблағ сарфланяптию, нима учун уни ўзимиз қўллаб-қувватламаймиз? Ишонч билан қараб, янги марралар сари ундамаймиз?

Икки кунлик конференциянинг ялпи мажлиси ва шўъба йнгилешларида айна шу жи-



Зарафшон шахрининг махсус ишони жорий этилди.



2020 йилда тиббиётда коррупцияга йўл қўйилмайди... (ми?)

Дарҳақиқат, бугунги кунда шифокорлар томонидан содир этилаётган турли хил кўринишдаги коррупцион ҳолатлардан ўнлаб мисолларни келтириш мумкин. Афсуски, бошқа соҳаларга нисбатан тиббиётдаги коррупция жамиятнинг энг оғрикли нуктасидир. Илмли ҳамда Гиппократ касамёдини қабул қилган «нажот фаришталари»нинг қабилликларини ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди. Афсуски, бундай инсонлар ўз касбига фидойи, юзлаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолаётган ҳақиқий шифокорларнинг ҳам номига доғ тушираётгани ачинарлидир.

Маълумотларга кўра, 2018 йилда «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази ўтказган сўровда иштирок этганларнинг 34 фоизи соғлиқни сақлаш тизимида коррупция кенг тарқалган, деган хулосани билдирган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 43 фоизни ташкил этган. Тиббиётда коррупциянинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида маълумот олиш учун мутахассисларга юзландик.

Қинғир ишлар фош этилди

— Юртимиздаги кенг қўламли ислохотлар жараёнида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди **Бош прокуратура бошқарма прокурори Фарҳод Назаров**. — Тиббиёт соҳасидаги ислохотлар ҳақиқатининг қувонча қувонч қўшимча, беморларнинг кўнглига маҳкам бўлмоқда. Лекин соғлиқни сақлаш соҳасида кузатилаётган айрим камчиликлар, тизимда коррупция ҳолатлари мавжудлиги, баъзи шифокорлар содир этаётган қинғир ишлар соҳадаги хайрли ишларга соя солмоқда. Коррупция, асосан, ишга қабул қилини, бюджет маблағини сарфлаш, пулли хизмат кўрсатиши, давлат ҳисобидан тиббий ёрдам олишига ордер бериши, тугруқ комплексларида тиббий хизмат кўрсатиши, ноғиронликни белгилаши, дори-дармон, тиббий буюм ва жиҳозлар билан таъминлашда учраётгани аниқланган. 25 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Коррупцияга қарши курашиши бўйича Республика идоралараро комиссиясининг йиғилишида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги коррупция ҳолатлари ҳамда уларни келтириб чиқараётган шарт-шароитлар муҳокама қилинди. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимидаги 581 нафар ходим турли жиноятларни содир қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, шундан 114 нафари томонидан

коррупцион жиноят содир этилгани таъкидлаб ўтилди. Бу ходимлар 50 та ҳолатда беморга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатмаган, 24 та ҳолатда даволаш ишларини нотўғри олиб борган, 13 та ҳолатда жарроҳлик операциясини ўтказмаган ёки нотўғри ўтказган, 7 та ҳолатда касалликни барвақт аниқлаш чорасини кўрмаган.

2020 йил — коррупцияга қарши йил

— Дарҳақиқат, юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аҳоли соғлиғини сақлаш, сифатли тиббий хизматдан тўлақон фойдаланиши имконини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди **Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Фурқат Санаев**.

— Бироқ соҳада қатор жиддий муаммолар, жумладан, коррупция ҳолатларининг ҳам учраб тургани ачинарлидир. Бугунги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан коррупцияга қарши кескин чоралар кўрилмоқда. Жумладан, тизимдаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасаларида ижобий маънавий муҳитни шакллантириши, тиббий ва ҳўжалик хизмати ходимларини ўрнатилган меҳнат тартибига амал қилишига эришиши, стационар хизмат сифатини юксалтириши, таъмагирик ва поражўрлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳрида жойлашган 17 та тугруқ ва гинекологик муассасаларида мониторинг ишлари олиб борилди. Ўрганиш жараёнида аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича 22 нафар тиббиёт ходими лавозимидан озод этилди ва интизомий чоралар қўлланилди. Шу боис ҳар бир шифокорнинг ишга қараб баҳолаш, муассасаларни даволанганлик ҳолати бўйича молиялаштириши, аудит ва ички текширув тизимини янада такомиллаштириши, энг муҳими, жамоатчилик ва депутатларнинг тизимли назорати йўлга қўйилмоқда. «Ишонч телефони», турли мурожаат ва шикоятлар учун «Фикр билдириши» кутиси, ходимлар ва беморлар ўртасида сўровномалар ўтказиши, видеокузатув мосламаларини ўрнатиши каби чоралар ҳам қўлланилиши соҳадаги турли таъмагирик ва коррупция ҳолатларига чек қўйилишига хизмат қилади. Шунингдек, тиббиёт ходимларининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурда Ривожлантириши ва соғлиқни сақлашни бошқариш органла-

Тошкент вилояти Бўка туманида содир бўлган воқеа ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Буви беш ёшли набирасининг вафотидан беш кун ўтгач, қабрини очиб майитни экспертиза қилишларини талаб қилиб туман Ички ишлар бошқармасига мурожаат қилди. Чунки соғлом қизалоқнинг ўтасдан вафот этиши ва шифокорнинг унга нисбатан берган хулосаси бувини шубҳалантириб қўйганди. Қабр очилиб, майит экспертиза қилинган, барча шубҳа-гумонларга ойдинлик киритилди, ҳақиқат юзга чиқди. Қизча шифокор ёзиб берган маълумотномадаги тутқаноқ касалиги билан эмас, аксинча ўғай онасининг жисмоний ва руҳий таъйиқлари остида вафот этгани маълум бўлди. Тергов жараёнида шифокорнинг бундай маълумотнома ёзиб бериши учун уч миллион сўм пора олгани маълум бўлди. Қотилликка шерик шифокор тўрт йил қamoқ жазосига маҳкум этилди.

ри ходимларини моддий рағбатлантириши жамгармаси тузилди. Коррупция ва таъмагирикка қарши курашиши ва унга чек қўйиши борасида, биринчи навбатда, тизимдаги барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, юридик хизмат фаолиятини янада кучайтириши, тизимда ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиши орқали тиббий хизмат кўрсатиши шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаши, бунда инсон амали аралашувини кескин камайтириши каби қатор вазифалар аниқ белгилаб олинди. Шундан келиб чиққан ҳолда, вазирлик томонидан 2020 йил — тизимда коррупцияга қарши кураш йили, дея эълон қилинди.

лияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиши соҳасида янги ташкил этиладиган микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатида олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилиши қишлоқ ва олис туманларда хусусий тиббиётни жадал ривожлантириши имконини бермоқда. Бугунги кунда хусусий тиббиёт ташкилотларида кардиохирургия, нейрорхирургия, онкология, травматология, гинекология сингари йўналишларда энг мураккаб шубҳаланган жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда. Шу ўринда, юртимизда Ҳиндистон, Туркия, Россия, АҚШ, Германия ва бошқа тиббиётни ривожланган қатор хоризжий давлатлар билан қўшма корхона шаклида, шунингдек, ушбу давлатлар инвестицияси иштирокидаги 100 га яқин замонавий хусусий тиббиёт ташкилотлари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Дарҳақиқат, хусусий тиббиётда коррупцияга йўл қўйилмайди. Барчаси тўловлар асосида амалга оширилади. Бу дунё тажрибасида ҳам ўз тасдиғини топган.

ДАРВОҚЕ...

2018 йилда тиббиёт соҳасига 9,3 трлн. сўм ажратилган бўлса, 2019 йилда 12,1 трлн. сўм ажратилган, яъни рақамлар 30 фоиз ошган. 2020 йилда эса соҳага қўшимча 2,8 трлн. сўм, яъни 23 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилди. 2018 йил 1 декабрдан соҳа ходимларининг иш ҳақи 1,2 барабар ошган бўлса, 2019 йил 1 апрелдан 1,15 барабар оширилди.

Хусусий тиббиётда коррупция бўлмайди... (ми?)

— Сўнги йилларда мамлакатимизда хусусий тиббиёт муассасалари учун қулай шарт-шароитлар яратиши, улар фаолиятини тартибга солиши ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турларини ошириши рағбатлантиришига қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди **Соғлиқни сақлаш вазирлиги Лицензиялаш ва аккредитациялаш бошқармаси бошлиғи Фарҳод Раҳимқулов**. — Жумладан, ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлашнинг хусусий сектори томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат турлари 50 тадан 126 тага кўнайдди. Стomatология ва косметологиядан ташқари бошқа йўналишлардаги хусусий тиббиёт ташкилотлари 2022 йилнинг 1 январига бarcha турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмаларни тўлашдан, шунингдек, олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва зарур материаллар учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилди. Бу каби имкониятлар натижасида сўнги икки йилда 1650 та янги хусусий тиббиёт муассасаси фао-

Хулоса ўрнида


Бугун ҳар бир соҳада ўзгаришлар жадаллик билан кечмоқда. Аммо коррупция ҳар қандай соҳага қушанда бўлгани каби тиббиётга ҳам гўё зарепақдек ёпишиб олгандай. Бундай ҳолатнинг келиб чиқишига озми-кўпми, одамларнинг ўзи ҳам айбдор. Пул берса яхши даволайди, деган тушунча шаклланиб қолган. Бемордан ёки унинг оила аъзоларидан ниманидир таъма қилиш бу маошнинг озлигидан ёки иқтисодий тангликдан эмас, аксинча инсоннинг маънан оксоқлигидандир.

Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан 2021 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда мажбурий тиббий сугурталашни босқичма-босқич жорий этиш белгилаб берилган. Агар мажбурий тиббий сугурта тизимини тўғри йўлга қўя олсак, юқорида айтилган муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади. Халқимиз хусусий клиника билан давлат шифохоналарини ажратиб ўтирмайди, қай бирида сифатли хизмат кўрсатилса, ўша муассасага бемалол мурожаат этиб берилади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Ажабо: нечта фарзандингиз бўлишини генлар ҳал қилади.

Дорихона ёнида кутиб туришимни айтган дўстим ёнимга қайтар экан, бошини ҳам қилиб: «Бу ерда ҳам йўқ экан», деди. Шу тариқа дўстим зарур дорини топиш учун яна ўнга яқин дорихонага кириб чиқди. Сотувчилар эса ўнга ўша дорининг ўрнини босадиган бошқа турлари борлигини айтади. Дўстим бу таклифларни рад этади. Чунки ўнга шифокори: «Фақат шу дорининг ўзидан олинг. Ана, дарвозадан чиққан жойдаги дорихонадан топасиз. Пулингиз кам бўлса, эрта-индин келиб олинг. Муқобили бор, деганларга қулоқ тутманг, яхши натижа бермайди!» дея тайинлаган.



Дори-дармон соҳасидаги талон-торожликлар қачон барҳам топади?

«АЙРИМ ШИФОКОРЛАР БЕМОРЛАРГА ДОРИ-ДАРМОН БУЮРИШДА ХОЛИС ТАВСИЯ БЕРИШ ЎРНИГА БУ ЖАРАЁННИ ТОМ МАЪНОДА «БИЗНЕС»ГА АЙЛАНТИРИБ ЮБОРГАН»

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматулла Йўлдошевнинг яқинда Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг йиғилишида айрим шифокорларимиз беморларга дори-дармон буюришда холис тавсия бериш ўрнига бу жараёни том маънода «бизнес»га айлантириб юборгани ҳақидаги гапларини эшитгач, аксариятимиз шу каби ҳолатга тушганимизни эсладик. Ачинарлиси, дори сотиш билан шуғулланадиган тадбиркорлардан миқоз юборгани учун «улуш» оладиган айрим шифокорлар ўз беморларига зарурати бўлмаган дори воситаларини ҳам буюрган ҳолатлари кайд этилган.

Афсуски, бундай кўнгилсиз ҳолатларни бартараф этиш учун соҳа мутасаддилари томонидан ҳеч қандай профилактик ишлар амалга оширилмаган. Наҳотки, барчамиз ҳавас қиладиган оқ либос кийган шифокорларимиз шу даражага бориб етган бўлса? Вазиятнинг бу тарзда тус олишига нима сабаб бўлган?

Инсонийлик илмидан беҳабар қолмайлик

— Айрим «ишбилармон» шифокорлар шу тариқа йўл тутаётган бир пайтда ҳалол меҳнати, фидойилиги билан халқимиз дардига малҳам бўлаётган ҳамкасбларимиз ҳам оз эмас, — дейди **тиббийет фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназаров**. — Бу тошбадаги инсонлар ҳар бир соҳада топилади. Дори сотиш билан шуғулланадиган тадбиркорларимиз врачлар ёнига келиб, ҳамкорлик таклиф қилади. Қўшимча даромад қилиш кимга ҳам ёқмайди. Лектин бир-икки сўм тул учун касбга ҳиёнат қилишни кечириб бўлмайди.

Фақатгина инсонийлик илмидан беҳабар инсонгина беморга зарур бўлмаган дорини ёзиб бериши мумкин. Ахир, у инсон ҳаёти билан бевосита

боғлиқ ҳолат. Зарари йўқ, деб қандайдир дорини ёзиб беришнинг оқибати мудҳиш бўлмаслигига ким кафолат беради? Шунинг учун бу борада ҳам назорат бўлиши зарур.

Президентимизнинг 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ана шундай назорат тизimini яратишга замин бўлди. Мазкур ҳужжатга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитасининг таклифи билан 2020 йил 1 июлдан «фармацевтика маҳсулотларининг сирли харидори» институти жорий этилади. Хўш, сирли миқоз ким? У қандай вазифани бажаради?

Ҳар ким «сирли миқоз» сифатида ишлаши мумкин

— Маълумот тўплаш учун потенциал — ҳақиқий миқозлар ниқоби остида текширувлар ўтказадиган ва улар натижаларини батафсил баён этадиган махсус тайёрланган одамлар «махфий миқозлар» ҳисобланади, — дейди **Соғлиқ**

ДАРВОҚЕ...

«Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга кўра, 2020 йил 1 июлдан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, республиканинг барча тиббийет ташкилотларида мажбурий тартибда дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи бўйича рецет ёзилиши жорий қилинади.

ни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш бошқармаси бош мутахассиси **Мавлуда Ғиёсова**. — Содда қилиб айтганда, «махфий миқоз», бу — менежернинг савдо ва хизмат кўникмаларидан фойдаланишини

баҳолаш вазифаси юклатилган шахсдир. Дунё тажрибасида ҳар ким «махфий миқоз» сифатида ишлаши мумкин. Лекин бунинг барқарор иш деб бўлмайди. Чунки бу иш кўп вақт ва жойларга чиқиб юришни талаб этади. Қолаверса, баъзида буюртмани бир неча ҳафта кутишга тўғри келиши мумкин. Шу боис бундай иш мослашувчан меҳнат жадавалига эга ва қўшимча даромадга муҳтож бўлганлар учун кўпроқ мос келади.

Ҳужжатга мувофиқ, «фармацевтика маҳсулотларининг сирли харидори» институти жорий этиш доирасидаги тадбирларни ташкил этиш Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда амалга оширилади. Ўз ўрнида «сирли харидор институти» соҳадаги шу пайтгача кўп қабил муаммоларга сабаб бўлаётган хато ва камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Бунинг учун янги институт олдида қатор вазифалар белгилаб берилган.

Мақсад — аниқ, энди уни амалга ошириш зарур

— Янги тизим мулкчилик шаклидан қатъи назар, тиббийет ташкилотлари ва дорихоналар томонидан рецетларни ёзиш ва дори воситаларининг савдо номи учун чекланган нархларни шакллантириш жараёнини тартибга солувчи қонунчилик талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш билан аҳамиятлидир, — дейди **М.Ғиёсова**. — Бунинг учун «сирли харидорлар» тиббийет ташкилотлари ва дорихоналарга таширф буюриши, телефон қўнғироқлари, электрон почта ёки мобил иловалар орқали мурожаат қилиш, шунингдек,

уларнинг раҳбарлари ва ходимларига қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чораларини қўлламасдан, тушунтириш ишлари олиб борилиб, ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади.

Хорижда «махфий миқоз» хизмати анча тақомиллашган. Айрим мамлакатларда меҳмонхоналар уларнинг қўтилмаган ташрифига доимо шай туради. Шу сабаб ҳар бир миқозга муносиб хизмат кўрсатишга уринади. Негаки, «сирли харидор»нинг баҳоси сабаб меҳмонхона яна бир юлдузчага эга бўлиши ёки борида ҳам айрилиб қолиши мумкин. Юртимизда жорий этилаётган «фармацевтика маҳсулотларининг сирли харидори» институти сабаб ҳам тиббийет ташкилотлари ва дорихоналаримизда хизмат кўрсатиш қисқа муддатда яхши томонга ўзгаришига умид қиламиз. Ўз ўрнида бунинг учун хизмат қиладиган «сирли миқозлар»га Яраттандан инсоф сўраймиз.

**Боборавшан
ҒОЗИДДИНОВ
«Mahalla»**

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

ЭХТИЁЖГА НИСБАТАН 250 БАРАВАР ОРТИҚЧА МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН



**Нигматулла Йўлдошев,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори:**

— Дори-дармон учун ажратилган бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳолатлари кўпайса кўпайдики, камаймаяпти. Мисол учун, «Ўзмедимпекс» мансабдор шахслари сўнги икки йилда хориждан «ампицилин», «цефазолин», «цефтриаксон» ва шу каби бошқа дори воситаларини бир неча баробар қиммат нархда сотиб олиб, 9,3 млн. доллар ва 4 млрд. сўм бюджет маблағларини ўзлаштирган.

Талон-торожлик ва суистеъмолчилик ҳолатларининг асл сабабларидан бири — тизимда дори воситаларига эҳтиёжни шакллантириш бўйича мавжуд тартибга умуман амал қилинмаслиги ҳамда вазирлик мутасаддиларининг бундан манфаатдор эмаслигидадир. Оқибатда дори-дармонларга талабни ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиқиб белгилаш ўрнига, айрим дори воситаларини асоссиз равишда, эҳтиёждан бир неча баробар ортиқ харид қилиб, тиббийет муассасаларига қабул қилдириш, бу билан бюджет маблағларини совуришга шароит яратиб берилган.

Хусусан, тиббийет муассасаларига 2019 йилда «Ўзмедимпекс» корхонаси томонидан 40 млрд. сўмлик, эҳтиёж бўлмаган ва яроқлик муддати шу йилда тугайдиган 719 минг дона дорилар етказиб берилган. Ўз навбатида, тиббийет муассасалари ҳам буларни вазирлик тасдиқи остида сўзсиз қабул қилишган.

Жумладан, Сурхондарёда 3 млрд., Хоразмда 3,2 млрд., Фарғонада 3,2 млрд., Қорақалпоғистонда 3,3 млрд., Қашқадарёда 3,4 млрд., Самарқандда 3,6 млрд., Тошкент шаҳрида 8,3 млрд. сўмлик ана шундай дори воситалари қабул қилинган. Мисол учун, тиббийет муассасаларига яроқлик муддати 2019 йилнинг 1 сентябрида тугайдиган 107 минг 956 та «Бекситрол-ф» аэрозол етказиб берилган. Урганишда бу дорига йиллик ҳақиқий эҳтиёж 430 тани ташкил этса-да, эътибор беринг, 7 млрд. сўмлик маҳсулот ёки эҳтиёжга нисбатан 250 баравар ортиқча етказиб берилгани аниқланди.

Бундай ҳолатларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзмедимпекс» корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши терговида доимда, албатта, ҳуқуқий баҳо берилди.

Прокуратура 134 минг нафар фуқаронинг ҳуқуқларини тиклади.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТЎЛОВ ТИЗИМИ: ҚАНДАЙ ҚУЛАЙЛИК ВА ИМТИЁЗЛАР БОР? Тизим қачон тўлиқ жорий этилади?

Янги тизим орқали битта тўлов билан бир нечта транспорт ёки транспорт туридан фойдаланиш имконини берадиган, вақт ҳамда масофадан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган қулай тариф режалари жорий этилади

Янгиликка интилиш, инновацион лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш яхши, албатта. Бу билан жамият аъзоларининг турмуш тарзи яхшиланади, хууднинг инфратузилмаси замон талабларига мослашади. Аммо сўнгги пайтларда охиригача ўйланмаган, ҳатто синовдан ўтказилмаган тажрибалар қўлланилиб, яқунда сарфланган харажатлар ўзини оқламайпти. Шунинг учунми, бугун бирон соҳада янгилик жорий этиш ҳақида гап кетса: «Эртага нима бўлар экан», деган ҳақли савол кўпчиликда туғилмоқда.

Маълумки, бир муддат аввал жамоат транспортларида автоматлаштирилган тўлов тизими жорий этилиши ҳақида хабар қилинганди. Хабар чиқдию, «Йўлқира ҳақи ошармиш», «Энди «кондукторлар» бўлмас экан» каби тахминий «натижалар» болалади. Хўш, ўзи гап нимада?

Гап шундаки, 2019 йил 25 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташишда йўлқира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, жамоат транспортларида автоматлаштирилган тўлов тизимини

босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилиб, аниқ муддатлар белгиланди.

Хусусан, бу тизим Тошкент шаҳрида «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ ва «Тошкент метрополитени» УҚнинг айрим йўналишларида кўрсатилган йўловчи ташиш хизматлари учун — 2020 йил 1 январдан, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида йўловчи ташиш хизматлари учун — 1 августдан, республиканинг барча хуудларида йўловчи ташиш хизматлари учун — 2021 йил 1 январдан бошлаб амалга оширилади. Ваъда қилинган биринчи муддат келди: хўш, жамоат транспортларида автоматлаштирилган тўлов тизими



яратилдими? Берилган ваъда бажарилдими?

Карталар аллақачон сотувга чиқарилди

— Тошкент шаҳридаги жамоат транспортлари — автобус ва метрополитен йўналишларида автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этиш ишлари бошланди, — дейди **Транспорт вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Наврўз Ашурматов**. — Дастлабки босқичда «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ таркибидаги автобуслар электрон тўловларини қабул қилувчи мобил валидаторлар билан таъминланяпти. Стационар валидаторларни автобус электрон тизимига интеграция қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, 3 январдан махсус транспорт тўлов карталари сотувга чиқарилди. Карталар ҳисобини банк пластик карталаридаги маблағлар ва нақд пул билан шохбчаларда тўлдириш имкони мавжуд. Тез орада карталар ҳисобини банкоматлар, киосклар, махсус терминаллар ҳамда мобил иловалар орқали ҳам тўлдириш имконияти яратилади.

Йўл ҳақи тўловларини амалга оширишнинг автоматлашган тизими доирасида жамоат транспорт учун ягона транспорт карталаридан ташқари, тўловни амалга ошириш имконини берадиган мобил илова ҳамда бир марталик QR чипталар ҳам босқичма-босқич амалиётга жорий этилади. Шунингдек, мазкур тизимда йўлқира ҳақи учун тўловларни контакtsiz банк карталари (Humo, Uzc card, Mastercard, Visa card ва бошқалар) орқали амалга ошириш имконияти яратилади.

Янги тизимда ҳам имтиёзлар сақлаб қолинадими?

Албатта, сақлаб қолинади. Яъни, пенсионерлар, ўқувчилар талабалар ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда жамоат транспорт хизматидан имтиёзли асосда фойдаланиш ҳуқуқига эга алоҳида фуқаролар учун имтиёзли транспорт карталарини шахсийлаштириш ва карта таннари ҳақида сотиш Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади.

Ҳозирда ушбу тизимни йўлга қўйиш бўйича ташкилий масалалар ҳал этилмоқда. Бир нечта давлат идоралари ўртасида маълумотлар базасини яратиш ишлари олиб бориляпти.

«Жетон»лардан қачонгача фойдаланиш мумкин?

Янги тизим бир неча босқичда амалиётга тўла жорий этилиши кўзда тутилган. Унга қадар эса шу кунгача йўловчилар фойдаланиб келган ойлик йўл чипталари, жетонлар ҳамда шаҳар жамоат транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган гувоҳномалар тўлов сифатида қабул қилинади. Шунингдек, нақд пул кўринишидаги тўловлар ҳам хар доимидек назоратчилар томонидан чек бериш йўли билан амалга оширилади.

Бу тизимнинг қандай афзалликлари бор?

Ҳозирда жамоат транспортда йўл ҳақи тўловлари нақд пуллар, ойлик йўл карточкалари ва жетонлар орқали амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, шаҳар жамоат транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган гувоҳномалар ҳам

амалда жорий этилган. Мазкур тизим йўловчилар умумий сони, имтиёзли тарифлар ва бепул фойдаланганлар, нақд ва жетон орқали тўловни амалга оширган йўловчилар бўйича тўлиқ шаффофликни таъминлай олмапти.

Соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш, йўлқира ҳақини йиғишда шаффофликни таъминлашга эришиш мумкин. Янги тизим орқали битта тўлов билан бир нечта транспорт ёки транспорт туридан фойдаланиш (автобус+автобус+метро) имконини берадиган, вақт ҳамда масофадан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган қулай тариф режалари жорий этилади. Бунда йўловчи белгиланган вақт ичида манзилга етиб боргунча бир нечта транспортдан фойдаланиш учун ўзига қулай тариф режаларини танлаб олиш имкониятига эга бўлади.

Тўлов карталари нархи қанча?

Айни кунга қадар электрон тўловларни қабул қилувчи тўлов карталари сотувга чиқарилди. Уларнинг нархи 11 минг сўм бўлиб, ҳар бир картага олдиндан бир марталик тўлов миқдори юқланган. Шу кунларда бундай карталар пойтахтимиздаги 30 та савдо нуктасида сотилмоқда.

Хўш, нима ўзгаради?

Ҳар бир янгилик жорий этилаётганида унинг самарадорлиги, албатта, инобатга олинади. Шу жумладан, автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этишда ҳам шу жиҳатга эътибор қаратилди. Чунончи, тизимнинг амалиётга татбиқ этилиши йўл ҳақи тўловлари йиғинини 15-25 фоизга кўпайтиради. Ташувчи корхоналарнинг даромадлари ошиши орқали ҳаракат таркибининг тизимли янгилашга шарафат яратилади.

Замонавий технологик ечимларни қўллаган ҳолда йўловчиларнинг айрим тоифалари учун жорий этилган (имтиёзли тариф бўйича ва бепул ташувлар) субсидиялаш механизми мақбуллаштирилади.

Янги тизим ишга тушган. Аммо бутун шаҳар бўйлаб эмас. Ҳозирча автоматлаштирилган тўлов тизимининг яхши ва ёмон томонларига баҳо бермаймиз. Чунки ундан ҳали фойдаланиб кўрмадик. Тизим бизга керакми ёки йўқлигига ҳам ойдинлик киритишга шояшмаймиз. Бонси холис баҳони фақатгина йўловчилар беради. Демак, биз бу мавзуга яна қайтамиз.

Садокат МАХСУМОВА
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Энди қайта-қайта йўлқира тўланмайдими?

— Эшитишимча, жамоат транспортларида янги тизим жорий этилибди. Айтинг-чи, автоматлаштирилган тўлов тизимида ҳам ҳар гал қайта-қайта йўлқира тўланадими?

Гулноза ҚОСИМОВА,
Тошкент шаҳри.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошшаҳартрансхизмат» АЖ ахборот хизмати бўлим бошлиғи:

— Таъкидлаш жоиз, янги тизимни жорий этишдан олдин аҳоли кўзлаган манзилига етиб бориши учун бир нечта транспорт туридан фойдаланганда қайта-қайта йўлқира тўламаслиги ҳақида жиддий бош қотирилди.

Автоматлаштирилган йўлқира тўлаш тизими босқичма-босқич амалга оширилади. Сўнгги босқичда вақтга, масофага боғланган турли тарифлар амалиётга қўлланилади. Унга қўра, агар манзилнингизга битта автобусда борадиган бўлсангиз ва шу масофага тахминан 40 дақиқа вақт кетса, шу вақтга мос тарифни олиб, битта транс-

портни кутиб ўтирмай, бир нечтасидан, масалан, автобус ва метрога алмашган ҳолда манзилнингизга етиб олишингиз мумкин. Бунда йўлқира нархи битта автобусда бориб-келгандагидан ошмайди.

Насиб этса, тизим тўлиқ жорий этилганидан сўнг йўловчилар бунинг афзаллигини сезишади. Қайсидир йўналиш бўйича қатновчи автобуслар сонини кўпайтириш орқали муаммони ҳал этиб бўлмайди. Бу билан фақат кўчалардаги тирбандликни оширамыз. Агар автобуслар сони кўпайса, шу йўналиш билан кесипадинган бошқа автобусларнинг интервали ҳам ўзгаради. Натияжада бугун 20 дақиқада етиб бориш мумкин бўлган жойда 40 дақиқада етиб борилади.

Тирбандлик сабаб Чирчиқ дарёси устидан яна бир кўприк қурилиши тақлиф этилди.

Меҳнат муҳофазаси нима учун керак? Албатта, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун. Мамлакатимизда бу соҳада қонунчилик ҳужжатлари етарли ва мукамал даражада. Аммо уларга қандай амал қилиняпти? Кўп ҳолларда гувоҳи бўламизки, айрим корхона-ташкilotлар раҳбарлари меҳнат муҳофазаси қондаларига бепсанд муносабатда бўлишади, ишчи-ҳодимларнинг хавфсизлиги учун шароит яратиш ўрнига, бунга сарфланадиган маблағни тежашга уринишади. Натижада эса... Эрталаб соғ-омон уйдан чиқиб кетган инсоннинг оиласи кучоғига саломат ҳолда ёки умуман қайтмаслиги катта фожиадир.



Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларга сабаб нима?

Ёхуд аянчли оқибатлардан қачон хулоса чиқарамиз?

Яқиндагина, яъни 2019 йилнинг охири кунларида пойтахтимизда метро қурилишида юз берган бахтсиз ҳодиса натижасида 6 нафар ишчининг вафот этгани кўпчиликини бир қалқитганди. Ҳозир ушбу муҳим воқеанинг айбдорларини кидирмоқчи эмасмиз. Зеро, унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш учун Ҳукумат комиссияси тузилиб, тегишли амалий ҳаракатлар бажарилди. Гап шундаки, ижтимоий тармоқларда мазкур ҳолат юзасидан билдирилган муносабатлар фондида жамоатчиликнинг маълум қисмида корхона-ташкilotларда меҳнат муҳофазаси ўз ҳолига ташлаб қўйилган, дегандек тасаввур уйғонди. Хўш, бу тасодифий ҳодиса эдими ёки ҳақиқатан ҳам, меҳнатқашлар ишлаб чиқаришдаги хавф-хатарлардан химояланмаганми? Умуман олганда, юртимизда меҳнат муҳофазаси соҳасида қандай ишлар амалга оширилмоқда ва улар қай даражада самара бераётир?

Меҳнат муҳофазаси қандай тарғиб қилиняпти?

— Мамлакатимизда меҳнат соҳасидаги ишларни тартибга солиш, жумладан, меҳнат муҳофазасига оид талабларнинг бажарилиши бўйича мукамал тизим йўлга қўйилган. — дейди **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппарати Меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими мудири Нодира Қаринова**. — Бу соҳа дунё амалиётларида бўлганидек, уч томонлама (трипартизм) — давлат, ходимлар вакиллари (касаба уюшмалари) ва иш берувчилар вакиллари (Савдо-саноат палатаси) билан ҳамкорликда йўлга қўйилган. Ҳозирда ташкilotларда жамоатчилик асосида сайланган меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар фаолият кўрсатмоқда. Хабарингиз бор, 2019 йил декабрь ойида Ўз-

бекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонуни қабул қилиниб, унга кўра, келгусида касаба уюшмалари меҳнат инспекциялари тузилган, ҳамма жойда меҳнат муҳофазасининг жамоатчилик назорати амалга оширилади. Жойларда меҳнат шароитлари бўйича жамоатчилик назорати йўлга қўйилгани эса бевосита ходимларнинг фаолият кўрсатаётган иш ўринларига қўйилган талабларнинг тўлиқ таъминланиши, иш берувчининг маъсулиятини оширишга кўмак беради.

Касаба уюшмаларига аъзо ташкilotларда 2018 йилда 260 бахтсиз ҳодиса юз берган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 214 тага камайди.

Энг самарали йўл ҳар бир ходимнинг меҳнат муҳофазаси бўйича ҳуқуқий маданиятини оширишдир. Агар ходим бу борада ҳар томонлама етук бўлса, соғлиги ва ҳаёти учун хавфли бўлган ҳаракатларни содир этмайди ҳамда уни шунга мажбурлашларига ҳам йўл қўймайди. Шу мақсадда бутунги кунда тарғибот ишларини кучайтиришга эътибор қаратяпмиз. Ўтган йили Бутунжаҳон меҳнатни муҳофазаси қилиш кун муносабати билан республика миқёсида ҳафталик тадбирлар ташкил этилиб, ҳудудларда амалий семинарлар, тарғибот ишлари, фотокўргазмалар, кўрик-танловлар, телевидение орқали дебатлар ва бошқа чикшилар уюштирилди. Бу йил режа қилиндикки, меҳнат муҳофазаси тарғиботи ҳафталик тадбирлар билан чегараланмай, доимий тарзда йўлга қўйилади. Яна бир жиҳати, соҳага оид қонун ҳужжатларини соддалаштириш, халққа

тушунарли ҳолатга келтириш муҳим талабдир. 2020 йилда шу вазифани бажариш кўзда тутилган. Яъни касаба уюшмалари ва тегишли ваколатли давлат органлари бу борада ҳамкорликда иш олиб боради. Бу борада рағбатлантириш ҳам жиддий аҳамиятга эга. Шу маънода «Меҳнатни муҳофазаси қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танлови ҳар йили ўтказиб келиняпти. Унда меҳнат муҳофазаси соҳасида илғорликка эришган ташкilotлар, меҳнат муҳофазаси хизматлари, касаба уюшмалари фаоллари, ёш мутахассислар турли номинациялар бўйича тақдирланади ва уларнинг иш тажрибалари кенг тарғиб қилинади.

Лекин ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни бутунлай йўқотамиз дейиш ҳавоий гапдан бошқа нарса эмас. Битта нохуш ҳолат ҳам аслида кўп. Ўзбекистон Халқаро ташкilotнинг «нулевой травматизм» (жароҳатланишни нолга тенглаштириш) концепциясига қўшилиб, шу йўналишда тизимли ишларни амалга оширишни режалаштирган. Касаба уюшмаларига аъзо ташкilotларда 2018 йилда 260 бахтсиз ҳодиса юз берган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 214 тага камайди. Кўриб турибмизки, қилинадиган ишлар ҳали кўп. Афсусланарлиси, уларнинг 70 дан ортғини инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган.

Бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқарган энг асосий сабабларга тўхталадиган бўлсак, бунда иш берувчи билан бир каторда, ходимларнинг ҳуқуқий ва тиббий маданияти талаб даражасида эмас десак, бошқа жиҳати, маънан эскирган асбоб-ускуналарнинг ишлатилиши аянчли оқибатларга сабабчи бўлганини кўришимиз мумкин.

Бахтсиз ҳодисалар нега кўпаймоқда?

— Қўмитамиз томонидан саноат корхоналарида меҳнатни муҳофазаси қилиш қонунчилигига риоя қилиниши мунтазам назорат қилиб борилади. — дейди **Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Олимжон Жўраев**. — Ўз навбатида, бу борада камчиликларга йўл қўйган мутасаддиларга атрофлича тушуштириш берилиб, уларнинг қайта келиб чиқмаслигини таъминлашга



асосий эътибор қаратилади. Шунга қарамай, назоратимиз остидаги корхона ва ташкilotларда турли даражадаги оқибатларга олиб келган бахтсиз ҳодисалар содир бўлаётганидан кўз юмолмаймиз. Хусусан, 2019 йилда уларда жами 118 та бахтсиз ҳодисага йўл қўйилган. Шундан 31 таси оғир ва 13 таси енгил жароҳатларга сабаб бўлгани ачинарлидир. Ушбу бахтсиз ҳодисалар бўйича айбдор шахсларга тегишли чора қўрилиши учун 98 та ҳужжат ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органларга юборилди. Афсусланарлиси шунки, бундай ҳолатлар олдинги йилга нисбатан бирмунча кўпайган, яъни 2018 йилда бу рақам 84 тани ташкил этган эди.

Юқоридаги ҳолатларнинг катта қисми геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия

саноати тизимидаги корхоналарда содир бўлган. Яъни ушбу корхоналарда юз берган бахтсиз ҳодисалар 91 тани ташкил этиб, 21 таси ўлимга, 50 таси оғир, 13 таси енгил жароҳатланишга олиб келган.

Тахлиллар шунини кўрсатдики, бахтсиз ҳодисалар келиб чиқилиши асосий сабаблари ташкilotий масалалар билан боғлиқ бўлиб, бу ҳол умумий кўрсаткичнинг 70 фоизини ташкил этади, техник сабаблар эса 30 фоиздир. Жумладан, ишлаб чиқаришда ишлар тўғри ташкил этилмагани ва саноат хавфсизлиги соҳасида билим савияси пастлиги, техник ва технологик жараёнларда ишлаб чиқариш интизомининг сусайгани ҳамда иш бажарувчининг эҳтиётсизлиги ёки таваккалчиликка йўл қўйиши кўпга нохуш оқибатларга олиб келган. Шу билан бирга, техник жиҳозлар ва қурилмаларнинг носозлиги, уларнинг конструктив янгиланмаслиги, меъёрий ҳужжат ва лойиҳа талабларига риоя этилмаётганлиги, техник қурилмаларнинг (регламенти) ва ушбу қурилмаларга хизмат кўрсатишда камчиликларга йўл қўйилиши уларнинг сонини орттирган.

Айтиш жоизки, маъсулиятсизлик оқибатида «Ўзбекнефтегаз» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ, «Ўзбеккумир» АЖ, Ўзбекистон давлат геология қўмитаси, «Навий КМК» ДКларда 2018 йилга нисбатан бахтсиз ҳодисалар кўпайган.

Албатта, барча жабрланувчилар ва уларнинг яқинларига


товон пуллари тўлиқ тўлаб берилди, аммо моддий маблағ йўқотилган соғлиқнинг ўрнини коплармиди, вафот этган инсонни ҳаётга қайтара олармиди?..

Хулоса ўрнида

Фожиалар инсонийлик туйғуларини ҳаракатга келтириши билан ижтимоий онгни уйғотиш кучига эга. Шу маънода ишлаб чиқариш жараёнида юз бераётган бахтсиз ҳодисалар бизга қандайдир сабоқ беради. Аммо инсонга хос унуттиш хисси қўпинча бизга панд беради, яъни хулоса чиқаришимиз зарур бўлган воқеалардан узоқлаштиради. Эсдан чиқармайликки, бир қанча омишлар, сабаблар, эътиборсизликлар заминдан ўсиб чиққан муаммолар тузатиб бўлмас фалокатларни келтириб чиқаради.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

Мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами йилдан-йилга кенгайиб борапти. Янги уй-жойлар, йирик заводлар, замонавий инфратузилма объеклари қурилмоқда. Табиийки, бундай катта ҳажмдаги ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун малакали қурувчи, лойиҳачи, ишончли пудратчилар керак.



Сифатсиз қурилиш маҳсулотларига ким жавобгар?

Зеро, ўтган йиллар мобайнида аҳолимиз фарибгар пудратчиларнинг турфа найранглари натижасида кўп оворагарчиликларни бошидан ўтказди. Айниқса, бу ҳолат намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган тураржойлар юзасидан шов-шувларга сабаб бўлди. Айрим қурилиш ташкилотларининг қайсидир «рахнамо»ларига таяниб «қилиқларини» ҳозир ҳам давом эттиришга уринаётгани эса ачинарли ҳолатдир. Жиззах вилояти Дўстлик тумани Алишер Навоий номидаги маҳаллада 5 қаватли уй-жой қурилишида ишлатилган яроқсиз плиталар тўғрисидаги шов-шув бунга яққол мисол бўла олади. Кўп қаватли уй қурилишида «Илғор Дўстлик қурилиш» МЧЖ томонидан фойдаланилаётган яроқсиз, арматурасиз плиталар, қурилиш

лар ягона буюртмачи хизмати ташкилотларига топшириб қўйилган кўрсаткичларга салбий таъсир этяпти. Барча куч ва ресурслар жараёни назорат қилишга сарфланиб, сифат иккинчи ўринга тушиб қолмоқда. Мамлакатимизда икки йилда қурилиш ишлари ҳажми 1,7 баробарга ошиб, барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Материалларнинг 95 фоизи айнан маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётганлиги мазкур индустриянинг ривожланиши бораётганлигининг яққол далилидир. Республикамизда 8 мингга яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона мавжуд бўлиб, шундан 102 та корхона ва ташкилот «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти таркибига кирган. Уюшма қурилиш

корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган плиталар етказиб берилган. «Vibro press» маҳсулотлари «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатлари билан таъминланган. Шу ўринда Қурилиш вазирлиги ишлаб чиқарувчилар фаолиятига аралашини ва қурилиш объектига кириш ҳамда текшириш ваколатига эга эмаслигини таъкидлаб ўтиш керак. Шундай бўлса-да, мазкур ҳолат бўйича Жиззах вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан ишлаб чиқарувчига 2018 йил 6 ноябрда оғоҳлантириш хати юборилди.

гравий, кум, санитар-техник буюмлар, смеситель, сифон каби қурилиш маҳсулотлари синовларини ўтказиш имконияти мавжуд.

Дўстлик туманида кўрсатилган темир-бетон плиталар стандарт талаблар бўйича қолипсиз усулда тайёрланиши ҳамда ишчи чизмаси асосида юқори мустаҳкамликка эга бўлган стандарт бўйича мувофиқлиги тасдиқланган бўлиши керак эди. Ишлаб чиқарувчи корхона тасдиқланган давлат стандартларига риоя этган ҳолда аккредитациядан ўтган синов лабораториясида

ларга мувофиқ, ишлаб чиқарувчи ташкилот стандарт талабларига риоя этмаган ҳолда маҳсулотларни сифатсиз ишлаб чиқаргани ҳамда назорат ўрнатмагани, плитага қўлланилган проволкалар, сейсмик диск ҳосил қилишда плиталарнинг ён қисмларида шпонларнинг мавжуд эмаслиги аниқланди. Қолаверса, маҳсулотда монтаж петлялари ҳамда стерженлари йўқлиги, бетон вклядишлари мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Ўз-ўзинда кўриниб турибдики, уй қурилишида мутлақо сифатсиз плиталардан фойдаланилган. Сотилаётган ақсар қурилиш материалларининг сифати хар доим ҳам кўнгилдагидек бўлавермайди. Булар ичида қурилишда ишлатиладиган сувок материаллари кўп. Ўтган йили истеъмолчилардан маҳсулот сифати талабга жавоб бермаслиги, ишлаб чиқарилиши, кўриниши борасида бир қанча эътирозлар келиб тушган. Ҳозирда бунинг сабаблари жиддий ўрганилмоқда.

Хулоса ўрнида

Юртбошимиз томонидан соҳадаги камчиликларни баргараф этиш, уни замонавий асосда ривожлантириш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бундан кейин лойиҳа институтлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳамда хорижий тажриба асосида тендерлар ўтказишнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилди. Бу борада электрон тизим эксперимент тариқасида

Тошкент шаҳрида жорий этилади. Бундан кейин юқоридаги каби муаммоларни олдини олиш учун геоинформацион тизим йўлга қўйилиши таъкидланган.

Жорий этилаётган тизим орқали янги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш объекти бўйича амалга оширилиши белгиланган манзилли дастурларнинг қим томонидан, каерда, қачон каби аҳолини қизиқтирадиган саволларга жавоб топиш имконияти яратилди. Шунингдек, қурилиш объекти бўйича буюртмачи, лойиҳа ва экспертиза ташкилотлари, пудратчи ҳамда назорат қилувчи органлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўла электрон базага киритилиши таъминланади.

Дарвоқе, Ўзбекистонда 22 мингга яқин қурилиш-пудрат ташкилоти бўлиб, уларнинг аксариятида ишчилар сони ва касб малакаси тўғрисида маълумот юритилмайди. Шу боис соҳага оид таъмин дастурларини юқори технологиялар ва инновацион ёндашувлар асосида янгидан ишлаб чиқилиши, бўлажак кадрларни замонавий лойиҳалаш ва дастурий таъминот, хусусан, BIM (Building Information Modeling) технологиялари билан ишлашга ўргатиш режалаштирилган.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»



материалларининг сифати назоратнинг аҳволи тўғрисида маълумот олиш учун мутахассисларга юзландик.

«Сифатни биз назорат қилмаймиз...»

— Жорий йил 7 январда Президентимиз қурилиш соҳасидаги ислохотларни янада жаддалаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиллиги ўтказди, — дейди «Ўзсаноатқурилиш-материаллари» уюшмаси матбуот хизмати раҳбари Жамшид Шерметов. — Йилгилигида қурилиш соҳасидаги муаммо ва камчиликлар кескин танқид қилинди. Дарҳақиқат, ҳудудлардаги барча қурилиш-

материалларининг сифатини назорат қилмайди. Бу билан «Ўзстандарт» агентлиги ишгулланади. Бизнинг фаолиятимиз, асосан, ички ва ташқи бозорни қурилиш маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат.

Назорат қилиш ваколати берилмаган

— Жиззах вилояти Дўстлик тумани Алишер Навоий номидаги маҳаллада қурилаётган уй-жой мазмунаси буюртмачининг ўз маблағлари ва банк кредити ҳисобига молиялаштирилган, — дейди Қурилиш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Дилишод Жалолов. — Маълум бўлишича, ушбу объектга «Vibro press» хусусий

Маҳаллада қурилаётган уйнинг қурилиш маҳсулотлари сифатсиз(ми?)

— Албатта, биналарга ишлатиладиган қурилиш маҳсулотлари ҳам стандарт талабларига жавоб бериши лозим, — дейди «Ўзстандарт» агентлигининг қурилиш материалларини назорат қилиш бошқармаси мутахассиси Шухрат Самариддинов. — Акс ҳолда қурилишлар инсон ҳаёти учун жиддий хавф тугдириши турган гап. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, қурилиш маҳсулотлари юртимизда мазкур бурий сертификатланадиган маҳсулот турига киритилган. Ҳозирги кунда Республикамизда «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Аккредитация маркази томонидан сувоҳона берилган 20 дан ортққ қурилиш маҳсулотларини сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари мавжуд. «Ўзбекистон илмий-синов ва сифат маркази» ДУК қошидаги қурилиш синов лабораторияси аккредитация соҳасида темир-бетон қурилиш маҳсулотлари, керамик гилит, плиталар, бетон қорчималар, бетон блоklar, цемент, хризоль цемент плиталар, гипс, гипс плиталар, цебень,

ДАРВОҚЕ...

Қурилиш соҳасида 2017 йилдан 2019 йилгача бюджет маблағларини талон-торож қилганлик, порахўрлик ва бошқа салбий ҳолатлар бўйича 250 дан ортққ жиноят ишлари қўзғатилган. Ушбу ҳолатларга йўл қўйган 318 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

плитанинг ҳамда унда қўлланиладиган материалларнинг физик-механик хусусиятлари бўйича доимий ва даврий синовларни ўтказиши ва тасдиқланган ишчи чизмаларига мувофиқ ишлаб чиқариш талаб этилади. Маҳсулотга мувофиқлик сертификатини берган сертификатлаштириш идораси бир йилда камида бир маротаба маҳсулотнинг сертификатлаштиришида белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида, сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назоратини ўтказди. Инспекция назоратида сертификатлаштиришнинг чизмасига қараб, маҳсулотнинг синови ва ишлаб чиқариш шароитларини баҳолаш амалга оширилиши ва инспекция назорати натижалари бўйича мувофиқлик сертификатининг амал қилиши ва мувофиқлик белгисини қўллаш тасдиқланиши, тўхтатилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Юқорида келтирилган асос-

Қурилиш соҳасида инновацион технологиялар кенг жорий этилади.

Тан олиш керак, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳамнинг ҳам ер олиб, уй кўтариш ёки тайёр хонадонни сотиб олишга қурби етатвермайди. Афсуски, беш қўл баробар эмас. Хўш, нима қилмоқ лозим? Каталакдек ҳовлида 10-15 жон биргалликда умргузаронлик қилаётганлар, неча йиллар, ижарама-ижара юриб, сарсон бўлаётганлар ҳаёт завқини сурмай яшаб ўтиб кетавериши керакми?

Бугун ана шундай оилаларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида давлатимиз томонидан аҳолига қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан республикамизнинг барча ҳудудларида арзон уй-жойлар қурилатгани, улар қулай ипотека кредитлари асосида ажратилаётгани аҳолининг, айниқса, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож катламнинг мушкулани осон қиляпти. Юзлаб оилаларнинг неча йиллик орзуси ушалиб, уйли бўлмоқда.

2020 йилда ҳам бу борадаги ишлар тизимли равишда давом эттирилади. Хўш, жорий йилда кредит тизимида қандай ўзгаришлар бўлади? Қандай қулайликлар яратилади, қандай янги тартиблар жорий этилади? Қуйида шу ҳақда тўхталиб ўтамиз.

Имтиёз даври нега қисқартирилди?

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 майдаги «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан 2020 йилдан бошлаб мақсадли дастурлар ижроси доирасида «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК ва «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК иштирокида қурилган уй-жойлар учун янги шартларда кредитлар ажратилиши белгиланди.

Жумладан, Молия вазирлиги томонидан иштирок этувчи банкларга ажратилаётган кредит ресурслари ҳамда аҳолига берилётган ипотека кредитлари бўйича имтиёзли давр 1 йилгача қисқартирилди. Аввалги тартибга кўра, кредит маблағлари мос равишда 2 ва 3 йиллик имтиёзли давр билан ажратиларди. Хўш, нега имтиёз даври қисқартирилди?

Тахлиллар мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳаларида бозор муносабатларини шакллантириш жараёни олиб борилётган бир шароитда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга у ёки бу кўринишда имтиёзларнинг тақдим этилиши соҳада рақобатнинг мустаҳкамланишига салбий таъсир қилишини кўрсатди. Айни жиҳатдан олиб қараганда, эндиликда барчага тенг шароит ва имтиёзлар берилди.

Ипотека кредитлари бўйича бир қатор имтиёзлар бекор қилинди... (ми?)

ЭНГ МУҲИМИ, МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ СТАВКАСИ ПАСАЙГАН ТАҚДИРДА ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ПАСАЯДИ, КЎТАРИЛГАНДА ЎЗГАРМАСДАН ҚОЛАДИ

Фоиз ставкаларида қандай ўзгаришлар бор?

Янги тартибга кўра, эндиликда кредитдан фойдаланишнинг биринчи 5 йили давомида ҳар йили фоиз ставкаси қатъий белгиланган 7 фоиздан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси даражасига босқичма-босқич ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда қайта молиялаштириш ставкасида белгиланади.

Бу ҳақда сўз борганда, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 18 ноябрдаги «Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонини айтиб ўтиш жоиз. Хужжатда 2020 йил 1 январдан бошлаб тижорат банклари томонидан (миллий валютада) янгидан бериладиган барча турдаги кредитлар, шу жумладан, давлат дастурлари доирасида ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган даражада белгиланиши кайд этилди. Шу билан бирга, давлат дастурларига мувофиқ ажратиладиган ипотека кредитлари бундан мустасно экани белгиланган бўлди. Бу эса, ўз навбатида, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аҳоли учун ипотека кредитларидан фойдаланишда енгилликлар яратади.

Барча тўловлар кредитнинг бутун даврида бир хил бўлади

Маълумки, ҳозирга қадар ажратилган ипотека кредитлари бўйича тўловлар табақалаштирилган услубда ҳисобланган. Яъни кредит тўловлари асосий қарз бўйича кредит даври давомида тенг тўловлар ва асосий қарз қолдигига ҳисобланган фоиз тўловлари суммасидан ташкил топган. Тахлиллар шуни кўрсатдики, кредитдан фойдаланишнинг дастлабки даврида асосий қарз ва фоиз тўловларининг юқорилиги паст даромадли аҳоли катлами учун қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Айни шу муносабат билан бу соҳада халқро амалиётда ипотека кредитлари бўйича фоизларни аннуитет тўловлари формуласи бўйича ҳисоблаш кенг тарқалгани ҳисобга олиниб, 2020 йилдан бошлаб бизда ҳам шу тартиб жорий



этилди. Бу нима дегани? Яъни эндиликда ойлик тўлов асосий қарз қолдигига ҳисобланган фоизлар бўйича тўлиқ тўловни ҳамда кредитнинг бир қисмини ўз ичига олади, бу шундай ҳисоблашни назарда тутадик, ҳар ойлик барча тўловлар кредит тўлашнинг бутун даврида бир хил бўлади.

Қайта молиялаштириш ставкаси ошса, кредит фоизи ҳам кўтариладими?

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, 2020 йилдан бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби жорий этилади.

Бунда ипотека бозорини узоқ муддатли ресурслар билан таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги пул маблағларини тижорат банкларига 15 йил муддатга бозор шартлари асосида жойлаштиради. Ўз навбатида, банклар аҳолига ўз маблағлари ва Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитларини тақдим этади.

Тижорат банклари томонидан ипотека кредитлари бир қатор шартларда берилди. Жумладан, битта қарз олувчига бериладиган кредитнинг чекланган миқдори белгиланади. Қишлоқ жойларда — уй-жойнинг ҳисоб қийматидан 90 фоиздан ошмаган миқдорда, 15 йилга, 10 фоиз бошланғич бадал билан, шаҳар жойларда — уй-жойнинг ҳисоб қийматидан 80 фоиздан ошмаган миқдорда, 15 йилга, 20 фоиз бошланғич бадал билан ажратилади.

Сотиб олинмаган мулк қиймати уй-жойнинг ҳисоб қийматидан ошиб кетган тақ-

дирда, фарқи аҳоли томонидан тўланади. Энг муҳими, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси пасайган тақдирда ипотека кредитлари ва Молия вазирлиги ресурслари фоиз ставкалари пасаяди, кўтаририлганда ўзгармасдан қолади.

Субсидиялар имтиёзлар ўрнини қоплай оладими?

Кўриниб турибдики, юқоридаги ўзгаришлар билан қатор имтиёзлар бекор қилинмоқда. Хўш, имтиёзли муддатнинг қисқариши, қулай фоизларнинг бекор қилиниши, ўз навбатида, аҳолига қийинчилик туғдирмайдими?

ДАРВОҚЕ...

Ўз навбатида, банклар аҳолига ўз маблағлари ва Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитларини тақдим этади.

Таъкидлаш жоизки, бекор қилинган имтиёзларнинг ўрнига аҳолининг кам таъминланган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган катламни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджетидан субсидиялар тўлаш амалиёти жорий этилади. Бу нима дегани?

Яъни эндиликда янги тартиб доирасида ушбу субсидиялар қишлоқ жойларда — биринчи 5 йил давомида ипотека кредити бўйича фоиз тўловлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун, 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига ажратилади. Шаҳарларда — уйлар бошланғич бадалнинг 10 фоизи ҳамда Тошкент шаҳри учун 12 фоиз, қолган шаҳарларда 10

фоиздан юқори кредит фоизлари қоплаб берилди.

Яна бир муҳим жиҳат: яқка тартибдаги уй-жой ёки қўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати 300 миллион сўмдан ошмаган тақдирда, олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтириладиган жисмоний шахслар ва улар онла аъзоларининг (бирга қарз олувчилар) жами 15 миллион сўмгача бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммаси солиқ даври давомида жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғига тортилмайди.

Яна қандай ўзгаришлар бор?

Киритилган ўзгаришларга кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган малакавий талабларга жавоб берадиган юридик шахсларга мақсадли дастурларни амалга оширишда буюртмачи ёки бош пудратчи сифатида қатнашиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, уй-жойлар ва квартираларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун уларга кредитлар ажратилади.

Юқорида таъкидланган мақсадли дастурлар ижроси самардорлигини тахлил қилиш ва мониторингидан иштирок этиш, улар бўйича ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш учун Молия вазирлиги тузилмасида Арзон уй-жойлар қуриш давлат мақсадли дастурларини мувофиқлаштириш ва молия бозори воситаларини ривожлантириш бошқармаси ташкил этилди.

Инсон зоти борки, ҳаётда хамиша бахтли яшасам, дейди. Турмушининг фаровон бўлишини, орзу-ниятларининг ушалишини истайди, ҳеч қимдан кам бўлмасликка интилади. Шу маънода ўз уй-жойига эга бўлиш — ҳар бир инсоннинг ўзини бахтли ҳис қилиши, тўқин яшашида муҳим омиллардан биридир. Ўйлаймизки, қонунчиликка киритилган ўзгаришлар ҳам уларнинг аини шу эгзистакларини рўёбга чиқаришига замин яратади.

Фаррух БОТИРОВ,
Молия вазирлиги Арзон уй-жойлар қуриш давлат мақсадли дастурларини мувофиқлаштириш ва молия бозори воситаларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.

Яқинда Муҳиддин исмли танишим бир воқеани айтиб берди:

— Бундан, замаси, 10-12 йиллар илгари Хитойнинг Ланжоу университетида Нигер ва сенегаллик йигитлар билан бирга таҳсил олганман, — дейди у. — Бир куни уйимиз яқинидаги дўкандан мол гўшти харид қилмоқчи бўлдим. Аммо дўстларим «бу ҳалол эмас, ундан кўра, балиқ ол», деган фикрни айтишди. Уларга «мусулмонларда мол гўшти ҳалол-ку» дея эътироз билдирганимда, «Билмайсан-ку, унинг қандай ҳолатда сўйилганини» деб масалага нуқта қўйишди. Тўғриси, ўшанда африкалик дўстларимнинг одати менга бироз ғалати туюлганди. Аммо кейинчалик бунинг аҳамиятини тушунгандек бўлдим...

«ҲАЛОЛ» СТАНДАРТИ ОСТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ЧИНДАН «ҲАЛОЛМИ?»

ТАЛАБЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ? ҚАНДАЙ МАҲСУЛОТЛАР УШБУ СТАНДАРТЛАРГА МОС КЕЛАДИ?

Бу муаммо бутун дунёни ташвишга солмоқда

Инсоннинг доимий равишда ёмоқ-ичмоққа ҳожати бор. Таомланиш одамнинг нафақат жисмоний, балки маънавий ҳаёти учун ҳам ўта муҳим саналади. Шу боис муқаддас динимизда кишининг лукмасига, унинг ҳалоллигига алоҳида эътибор қаратилган.

Эътибор берсак, кейинги вақтларда айрим нопок кимсалар содда одамлар ишончига кириб, истеъмолга яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотларини алдов йўли билан пуллашга уринаётгани ҳақидаги хабарлар тез-тез қулоққа чалинмоқда. Ҳатто, айрим «шоввозлар» нафс илинжида эшак ва ўлган мол гўштини сотаётганликлари кишини жиддий ташвишга солади. Бу каби салбий воқеаларни эшитган инсон озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишда, биринчи навбатда, унинг санитария талабларига мос ҳолда ишлаб чиқарилганлиги, исломий анъаналарга хос тарзда тайёрланганлигига жиддий эътибор қаратади.

Айтиш лозимки, юқоридаги муаммо бутун нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёда долзарб масалага айланган. Шу боис айни пайтда жаҳон мамлакатларида «Ҳалол» стандарти ва бу белги остида озиқ-овқат, парфюмерия, фармацевтика маҳсулотлари тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Маълумотларга кўра, таркибида ислом динида истеъмол қилиш тақиқланган маҳсулотлар бўлмаган озиқ-овқат ва ичимликлар бозорининг ҳажми 2015 йилда 1,17 триллион долларга тенг бўлиб, 2021 йилда бу кўрсаткич 1,9 триллион долларга етиши кутилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда ушбу белги остида ишлаб чиқарилаётган пардоз-андоз ва дори-дармон маҳсулотлари бозорининг ҳажми 134 миллиард долларга тенг ва бу рақамлар 2021 йилга бориб, 213 миллиард долларга етиши айтилмоқда.



«Ҳалол» стандарти ўзи нима?

Келинг, аввало, ҳалол сўзига қисқача таъриф бериб ўтсак. Бу сўз араб тилидан таржима қилинганда, «руҳсат этилган», «яроқли» деган маъноларни англатади. Шунга мувофиқ, ҳалол (яъни, руҳсат этилган) тушунчаси, бу — «ислом динида руҳсат этилган ва йўл қўйилган барча маҳсулотлар» бўлса, «Ҳалол» стандартлари — маҳсулотларни ислом дини талаблари асосида ишлаб чиқариши, сақлаши, ташиши, сотилиши ва тамғалаш жараёнига бўлган талабларни белгилайди. Ўрнатилган тартиб-қоидаларга кўра, ушбу белги остидаги маҳсулотларнинг сифат ва ҳавфсизлик кўрсаткичларида ГЎМ (гени ўзгартирилган маҳсулотлар), спирт ва инсон соғлигига таъсир этувчи ҳамда шариатда тақиқланган бошқа моддалар бўлмаслиги зарур.

Шуни таъкидлаш керак, бугунгача юртимизда озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги экинлари учун «Ҳалол» стандарти берилмаган. Натيجида мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчилар кўпни давлатлар, хусусан, Россиядан бундай сертификатни олиб, маҳсулотларига белги қўйиб келган. Эндиликда бу хизмат юртимизда ҳам йўлга қўйилди.

Ўзбекистон халқаро ташкилотга аъзо бўлди

— Ислам Ҳамкорлик Ташкилоти (ОИС) томонидан «Ҳалол» стандартларини ишлаб

ва Ўзбекистон Мусулмонлари идораси томонидан сертификатлаштириш ишларига жалб этилган диний ходимлар рўйхати шакллантириди. Бундан ташқари, SMIC ташкилоти стандартлари асосида «Ҳалол» талабларига мувофиқ озиқ-овқат, истеъмол маҳсулотлари, туризм хизматлари ва сертификатлаштириш органи доираларида Диний кўмита ва тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда б та давлат стандартлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Бу стандартнинг аҳолига қандай фойдаси бор?

— «Ҳалол» стандартининг ишлаб чиқилиши, биринчи навбатда мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширади, — дейди Суннатилла Саидов. — Сертификат олган тадбиркорларимиз ўз маҳсулотларини мусулмон давлатларига бемалол экспорт қилиш имконига эга бўлади. Қолаверса, бундай стандартнинг жорий этилиши, зиёрат туризмни ривожлантириши, юртимизга келган мусулмон сайёҳларга юксак даражада хизмат кўрсатиш имконини беради. Бу орқали янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги таъминланади.

Яна бир гап. Бугун «Ҳалол» бозорига сотилаётган барча маҳсулотлар ҳақида ижобий фикр айтиб бўлмайди. Афсуски, бундай ҳолатлар сўнгги вақтларда кўп қузатилмоқда. Айниқса, «Halal» ёрлиги ёпиштирилган ва юртимизга келтирилиб, савдо расталарига чиқарилаётган чет эл маҳсулотларининг аксарияти ўрнатилган стандартларга жавоб бермайди. Энг ёмони, одамлар бу ёрлиқни кўргач, маҳсулот чиндан ҳалол экан, деган хулосага келади. Аслида бундай маҳсулотларни шариат нуктаи назаридан ҳалол дейиш нотўғри. Уйлайманки, юртимизда ташкил этилган янги идора бу каби муаммоларни бартараф этиш ва юрдошларимизни экологик тоза ва ҳалол маҳсулотлар билан таъминлаш имконини беради.

ДАРВОҚЕ...

Бугунги кунга қадар «Ўз-стандарт» агентлиги тизимида фаолият олиб бораётган 22 нафар ходим Туркия давлатида малака ошириб, халқаро сертификатлаштириш бўйича аудит мақомига эга бўлди.

Ўзбекистонда олинган сертификат дунё мамлакатларида амал қиладими?

Бугунги кунда «Ўзстандарт» агентлиги «Ҳалол» сертификатини олиш учун тадбиркорлардан ихтиёрий равишда аризаларни қабул қилмоқда. Хўш, сертификат олиш учун қандай талаблар мавжуд?

— Бунинг учун тадбиркор, аввало, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтига мурожаат қилиб, барча зарур ҳужжатларни тақдим этиши лозим, — дейди Суннатилла Саидов. — Сўнг ушбу ҳужжатлар асосида сертификатлаштириш ҳақида қарор қабул қилинади. Кейинчалик корхонага аудиторлар юборилиб, улар ишлаб чиқаришнинг стандарт талабларига мувофиқлиги бўйича текширув ўтказилади. Корхоналар эса соҳа бўйича менежмент тизими ва синов лабораториясига эга бўлиши, стандарт асосида мутахассис тайёрлиши, озиқ-овқат ҳавфсизлиги бўйича барча талабларни бажариши зарур. Қолаверса, тадбиркорлар фақат ҳалол маҳсулот ишлаб чиқариши ёки уни ишлаб чиқариш линиясидан тўлиқ ажратилиши керак. «Ҳалол» стандарти талабига мос сертификат бир йил мuddатга берилади ва бу вақт давомида корхонада мунтазам равишда текширувлар ўтказиб турилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, 2018 йилнинг ноябрь ойида «Ўзстандарт» агентлиги Ислам мамлакатлари стандартлари ва метрология институтига аъзо бўлган. Шу боис янги стандарт ушбу институтга аъзо 38 та мамлакатнинг барчасида амал қилади.

Сўнгги сўз ўрнида

Ҳалол лукмада гап кўп. Бойси барча эзу ва хайрли амаллар у билан бошланади, покизалик бор жойга эса фойз-барака инанди. Шундай экан, ҳалоллик барчамизнинг ҳаётий пиоримизга айланмоғи зарур.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

Темурийлар тарихи давлат музейида Smart технологиялар жорий этилди.

ЕНГИЛ САНОАТГА ЕНГИЛ ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

ЁХУД ҚАЧОН ТЎҚИМАЧИЛИК СОҲАСИДА ЕТАКЧИЛАР ҚАТОРИДА БЎЛАМИЗ? ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР СОҲА РИВОЖИГА ҚАНЧАЛИК ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА?

Бир пайтлар мамлакатимиз пахта толасини экспорт қилиш бўйича дунё давлатлари орасида учинчи ўринда туради, дея мақтаниб юрардик. Албатта, Ўзбекистонда етиштирилган ушбу маҳсулот сифати кўпгина мамлакатларникидан баланд бўлгани учун харидорғир эди. Аммо бугун замон талаби ўзгариб, sanoat корхоналари ривожланган бормоқдаки, энди биз хомашё етказиб берувчи эмас, тайёр маҳсулот экспорт қилувчи мамлакатга айланиб бормоқдамиз.



саткичини 7 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Бу эса дунёдаги етакчи тўқимачилик sanoati ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишимизга асос бўлади.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ортишига экспортбоп, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхона-ташқилотларга берилётган турли имтиёзлар ҳам замин яратяпти. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 16 сентябрдаги «Енгил sanoati янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан, ялпи тушумнинг умумий ҳажмида тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларининг экспорти 60 фоиздан кам бўлмаган экспорт улушига эга бўлган корхоналар 2023 йил 1 январьгача мол-мулк солигини тўлашдан озод этилган.

Кувонарли янгилеклардан яна бири шуки, 2020 йилда республикада ишлаб чиқарилган пахта толасини тўлик қайта ишлаш таъминланади. Бу эса эндиликда пахта толаси хомашёсини шундайлигича экспорт қилмасдан, ип-калага, газлама ва тайёр маҳсулот кўринишида хориж мамлакатларига сотилишини аниқлатади.

Сифатли хомашёдан сифатли маҳсулот тайёрланади

Тармоқда эришилаётган ютуқларнинг барчаси соҳани

такомиллаштиришга доир қатор қонуни ҳужжатларининг қабул қилиниши ҳамда янги лойиҳа ва инновацион ғояларнинг жорий этилиши туғайлидир. Хусусан, республикамизда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерлари фаолиятининг ташкил этилиши кам ердан кўп ҳосил олиш ҳамда сифатли хомашёдан сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берапти.

Жумладан, 2019 йилда 641 минг гектар ер майдонида 75 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилиб, ҳосилдорлик 29 центнерга етиб, хар бир гектардан кўшимча 5,3 центнер маҳсулот олинди. 2020 йилнинг якунига қадар 117 та туманда 91 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этиш орқали республика умумий экин майдонининг 87 фоизини кластер тизимида бирлаштириш режалаштирилган.

Шунингдек, 2019 йилда сифатли пахта толасини етиштириш ва йиғиб олиш йўлида янги технологиялардан унумли фойдаланилди. Жумладан, Исроил давлатининг «Netafim», Хитойнинг «Qingdao Flourish Textile Machinery» ва кўплаб маҳаллий қурувчи ташқилотлар томонидан сувни тежовчи томчилаб сўғориш технологиялари яратилиб, 4,6 минг гектар пахта майдонларида томчилаб сўғориш тизими жорий қилинди. Пахта тоаларини тез ва сифатли йиғиб олиш мақсадида 130 дан ортиқ янги пахта териш машиналари харид қилинди.

— Кейинги йилларда пахта далалари қисқартирилган бўлса-да, пахта етиштиришда янги инновацион технологиялар жорий этилиб, янги минерал ўғит ва пахта навларидан фойдаланиш орқали ҳосилдорлик сақлаб қолинди, — дейди «Ўзтўқимачилик sanoati» уюшмаси раиси Илҳом Ҳайдаров. — Хусусан, ўтган йили юртимизда органик пахта етиштирилишига эришилди. У «Textile Technologies Group» корхонаси ва Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари ҳамкорлигида ҳеч қандай қимёвий ёки бошқа усуллардан фойдаланмаган ҳолда етиштирилди ва Европанинг сертифициқлаш компанияси томонидан сертифициқланди. Шунингдек, соҳадаги илмий изланишлар натижасида янги минерал ўғит турлари ва ҳашироитга қарши қурашининг янги усуллари қўлланилмоқда. Албатта, хомашё тайёрлашда қилинаётган янгилеклар сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини тайёрлашга замин ҳозирлайди.

Етук кадрлар соҳани ҳам юксалтиради

Хар бир соҳа ривожига у ерда фаолият юритаётган етук кадрларнинг ўрни катта. Шу боис енгил sanoat тизимига сифатли кадрлар тайёрлаб бериш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан бир нечта ҳамкорлик лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Хусусан, Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти ҳамда бошқа таълим муассасаларидаги соҳага тааллуқли факультетларнинг талабалари амалиёти ва диплом ҳимояларини тегишли корхона-ташқилотлар ва хорижий компанияларда ўтказиш бўйича турли шартномалар имзоланди.

Шунингдек, Корейнинг технологияларни ривожлантириш институти (KIAT) билан ҳамкорликда Корея давлатининг 15 млн. долларга тенг грант маблағлари ҳисобига «Ўқув-амалий тўқимачилик технопар-

ки» ташкил қилинди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда етакчи тармоқ

Енгил sanoat аҳоли бандлигини таъминловчи катта тармоқлардан бири саналади. Бу соҳага хотин-қизларнинг жалб қилиниши эса, аини муддао. Ҳозир тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoati корхоналарида ишловчилар сони 250 минг кишидан ошади. Хар йили мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва янги қувватларни ишга тушириш ҳисобига кўшимча иш ўринлари яратилмоқда, шу жумладан, ишчи кучи кўп бўлган ҳудудларда йилгига 15 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланмоқда.


Бунда эса фаол жалб қилинаётган инвестициялар муҳим аҳамият касб этаётди. Бугунги кунда соҳа мамлакатимизда энг кўп инвестиция киритилаётган тармоқлардан бири ҳисобланади.

— Соҳани янада ривожлантириш бўйича Туркия, Корея, Хитой, Сингапур, Хиндонистон инвесторлари ва маҳаллий ташиббузорлар иштирокида замонавий энергия тежаскор ускуна ва дастгоҳлар ўрнатил ҳисобига тўқимачилик лойиҳалари амалга оширилмоқда, — дейди «Ўзтўқимачилик sanoati» уюшмаси мутахассиси Шаҳзода Қўчқорова. — Жумладан, 2018 йилда умумий қиймати 550 миллион доллардан ортиқ 60 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди ҳамда 10 минг 600 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, 2019 йилда умумий қиймати 814 миллион доллардан ортиқ юқори технологияли 91 та инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилиб, 17 минг 500 нафар киши иш билан таъминланди.


Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ўз ҳудудидаги имкониятлардан тўла фойдалана олаётган мамлакатлар турли соҳаларда етакчилик қилмоқда. Ўзбекистонда эса енгил sanoatнинг барча турини ривожлантириш учун шарт-шароит, хомашё базиси ва етарлилик имкониятлар мавжуд. Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар шу йўсинда изчил, жадал равишда олиб борила, янги йилларда енгил sanoati тараққий этган санокли мамлакатлар қаторидан жой олишимиз шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

Ишлаб чиқариш таркибининг ўзгариши (2019-2025)



Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти



Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари ўзгаришсиз қолди.

«Қиш ғамини ёзда е» — халқимизнинг бу пурмаъно ҳикмати бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, қишнинг қор-қировли кунларини хавотирсиз ўтказиш учун ёз чилласидаёқ тайёргарлик кўриш лозим. Шу боис ҳар йили куз-қиш мавсуми олдида тайёргарликни таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан алоҳида қарор қабул қилинади. Бироқ шунга қарамай, марказдан олис қишлоқ ҳудудларидаги иситиш тизими билан боғлиқ муаммолар йиллар давомида ечилмай қолаётди.

2019 йилда ҳам шундай бўлди, ёзнинг жазирама пайтида, аниқроғи, 30 июлда давлатимиз раҳбарининг «Республика иктисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Хужжат ижроси йўлида муайян ишлар амалга оширилди. Аммо...

Муаммони мухбир айтиши шартми?

Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 59-умумтаълим мактабининг янги кўшимча биноси 2014 йилда қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилган. Бинони иссиқлик билан таъминлаш мақсадида учта қозонхона ўрнатилган. Бироқ шу кунларда синфхоналар анчайин совуқ. Буни дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар киши кийимда ўтирганидан ҳам пайқаш мумкин.

Шундай бўлса-да, бошланғич синфларнинг ўқитувчилари шароитдан нолимасдан: «Ҳозир уйимизда ҳам иссиқлик муаммо, катта мактабни иситишнинг ўзи бўладими, шароитни ўзимиз яратишимиз керак», деган фикрларни билдиришди. Ташқарида ҳаво харорати бирмунча илиқ бўлса-да, ичкаридаги иситиш

ВАЗИЯТ ҚАЧОН ЎЗГАРАДИ: мактаб ва боғчалар ҳали ҳам совуқ, кўмир етишмайди, масъуллар эса...

БОҒЧАДАГИ БОЛАЖОНЛАР СОВУҚ ХОНАЛАРДА ЖУНЖИКИБГИНА ЎТИРИБ, КУННИ КЕЧ ҚИЛИШАДИ. МУАССАСАДАГИ ИСИТИШ ТИЗИМИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ИШЛАЙДИ, ЭЛЕКТР ТОКИНИНГ ЭСА ЎЗИ ЙЎҚ

кувурларини ушлаганда муздайлигидан эт жунжикади. Мактаб директори Адхам Жабборовнинг айтишича, бу қувурлар 2019 йил ёзда янгисига алмаштирилган. Аммо уларни иситадиган манба бўлмагач, бундан не фойда?!

Мактабнинг эски биносида юқори синфларнинг ўқувчилари тахсил олади. Бу ердаги синфхоналар қўлбола печлар ёрдамида иситилар экан. Шу ҳам фақат туш пайтигача. Куннинг иккинчи ярмида бу синфхоналарда кўшимча машғулотлар ўтилса-да, кўмир етишмаслиги боис печлар ўчириллар экан.

— Синфхоналарни иситиш учун ҳозирча 35 тонна брикет берилди, аммо бу камлик қилади, — дейди А.Жабборов. — Яна 20 тонна брикет сўраб, юқори турувчи ташкилотга ариза ёзганмиз. Айни пайтда брикет камлиги боис печларни эрталаб ёқамиз, холос. Яна бир гап: бизга ажратилаётган брикетнинг сифати ҳам талабга жавоб бермайди.

Чироклар куйиб қолгани боис мактабдаги қатор синфхоналар нимқоронги. Бу ўқувчиларнинг кўриш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги айтилганда, директор ўринбосари Ғофур Ғаниев чироклар тезда янгисига алмаштирилишини айтди.



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

2019-2020 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш жараёнида Навоий вилоятида 5 та шифохонада муқаммал таъмирлаш ишлари бажарилди. 21 та умумтаълим мактаби, 29 та мактабгача таълим ташкилоти, 6 та шифохона, 2 та Мурувват уйи ва реабилитация марказлари жорий таъмирланди. Вилоятнинг олис ҳудудларида жойлашган 4 та умумтаълим мактабидagi темир печлар ўрнига янги замонавий қозонлар ўрнатилди.

Наҳотки, халқнинг 343 нафар дилбанди таълим-тарбия олаётган маскандаги арзимасдек кўринган, аммо бола қамолотига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бу кичик муаммони ҳал этиш учун мактабга мухбир келиши шарт бўлса?!

Жажжи болалар совуқдан жунжикади

Мазкур тумандаги 9-сонли мактабгача таълим муассасасида ҳам аҳвол анча ачинарли. Эски бинода фаолият юрихтаётган боғчада болалар икки гуруҳда тарбияланмоқда. Улар қишнинг совуқ кунларини бир хонада устки кийим-бош билан тиқилиб, боз устига, бетон устига бир қават гилам ташланган шароитда ўтказишапти.

Боғчада табиий газ мутлақо йўқ, фақат ётоқхона кўмир билан иситилади, овқатланиш ва машғулотлар хонаси музлаб ётибди. МТТ ошпазларининг айтишича, болаларга овқат тайёрлаш учун боғчага суюлтирилган газ берилади. Аммо бу нёъмат ҳам тақчил. Газ баллонлари алмаштирилмаган пайтда ош-овқатни ўчоқда, ўтин ёқиб тайёрлашга тўғри келади.

— Боғчамиздаги иситиш тизими электр энергияси билан ишлайди, ток йўқлиги боис бу «отопления»дан фойдалана олмаймиз, — дейди тарбиячи Насиба Бозорова. — Қўлбола печ эса брикетнинг сифатсизлиги учун яхши ёнмайди. Чироқ ҳам дамба-дам ўчади. Қисқа муддатли гуруҳимиз болалари учун эса иссиқ жой йўқ, бу шароитда уларнинг шамоллаб қолишдан қўрқамиз. Лекин ота-оналар мажбурликдан

боғчага болаларини топириб кетаяпти.

Яна бир ачинарли ҳолат: бино ичкарасида поллар ҳам кўчиб тушган. У ердан совуқ елвизак билан бирга, турли хил захарли хашаротлар чиқиб келмаслигига ва болалар саломатлигига хавф тўғдирмаслигига ҳеч ким қафолат бера олмайди.

«Свет» ўчса, иссиқлик ҳам бўлмайди

Тумандаги 20-мактабгача таълим муассасасида 180 нафар бола тарбияланмоқда. Афсуски, бу болажонлар ҳам совуқ хоналарда жунжикибгина ўтириб, кунни кеч қилишади. Чунки мазкур боғчадаги иситиш тизими ҳам электр энергияси билан ишлайди ва мунтазам равишда электр таъминотида узилишлар бўлаётгани боис хоналар муздек.

— Ҳар куни кечқурун чироқ ўчади, — дейди муассасанинг хўжалик ишлари мудири Сирожиддин Тўхтаев. — Ток бўлмагач, иситиш қувурлари ичидagi сув айланishi тўхтайдиги ва иссиқлик бермайди. Шу боис эрталаб болалар келишига хоналар совуқ бўлади, кундуз куни чироқ ўчмасанига сал илиб қолади.

Ҳудуддаги «Пўлкан» қишлоқ врачлик пунктида ҳам худди мактаб ва боғчалардаги каби аҳвол. 1 минг 378 нафар

аҳолига тиббий хизмат кўрсатадиган ҚВПда ҳам хоналар совуқ, оғирхона мудири Жасур Дулаповнинг айтишича, мавсум учун 7 тонна брикет ажратилган. Аммо ёқилганининг сифати ҳаминқадарлиги боис иссиқлик ўзига яраша бўлапти.

Бундай манзарани нафақат Хатирчи туманида, балки Навбахор туманида ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун, тумандаги 18-умумтаълим мактабида иситиш тизими ишламайди. Босим жуда паст ёки қувурлар эскирган. Кўмирнинг сифати ҳам умуман талабга жавоб бермайди. Майда қуқундан бошқа нарса эмас. Унинг берадиган тафтини қувурлар «ўз танасини» иситишга сарфлайди.

Қишнинг биринчи ойи якунланган бўлса-да, ҳали қаҳратоннинг қаҳри сезилгани йўқ, ҳаво анча муътадил. Дарс жараёни кийимларда ўтирган ҳолда олиб борилмоқда. Улар ўзларини совуқдан ҳимоялаш учун деразаларга целлофан қопламалар ўрнатибди. Бироқ бу чора-тадбир ҳали олдиндаги изгиринли кунларда ўқувчиларни совуқдан асрай олмаса керак. Зотан «Қишнинг бир куни ҳам қиш» деган гап бор.

Хушxabар рост бўлса...

Мақолани тайёрлаш жараёнида қулоғимизга бир хушxabар чалинди. Аввалроқ оммавий ахборот воситаларида вилоятдаги айрим ижтимоий соҳа объектлари, мактаб, боғча ва шифохоналар куз-қиш мавсумига тайёр эмаслиги, кўмир ва брикетнинг сифатсизлиги ҳақида мақола эълон қилинган. Шундан сўнг Президент Администрацияси томонидан мазкур муаммоларни ўрганиб, ҳал этиш мақсадида ишчи гуруҳ тўзилибди. Агар бу хушxabар рост бўлса, 2020 йил бошиданроқ мактаб ва боғчаларда совуқ қотаётган навоийлик қишлоқ болалари учун чиндан ҳам, омад олиб келар экан. Биз эса мавзуга яна қайтамиз...

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Мактабимиз совуқ, кимга мурожаат қилсак бўлади?



— Мактабимиз совуқ. Электр энергияси ҳам ҳаминқадар. Айтиш-чи, ижтимоий соҳа объектларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик қониқарсиз бўлса, уни бартараф этиш учун кимга мурожаат қилиши керак?

Нурия ПҮЛАТОВА.
Навоий вилояти.

Нуриддин ЖУМАНИЕЗОВ,
Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи:

— Президентимизнинг 2019 йил 30 июлдаги «Республика иктисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига

мувофиқ, бу борала жойларда вилоят штаби ва худудий штаблар ташкил этилган бўлиб, мавсумга оид муаммолар бўйича аҳоли ана шу штабларга мурожаат қилиши мумкин.

Навоий вилоятида айнан шундай муаммолар бўйича мурожаатларни қабул қилиш учун (79) 223-26-22 рақамли «Ишонч телефони» ҳам ишлаб турибди.

Шакар очиқ биржа савдолари орқали сотила бошланди.

Кўзи ожизлар маҳалласи: қачон муносиб шароитлар яратилади?

ИШ ЖАРАЁНИНИ КУЗАТАР ЭКАНМИЗ, БЕИХТИЁР «ҚИЛСА БЎЛАР ЭКАН-КУ», ДЕГАН ФИКР ХАЁЛИМИЗДАН ЎТДИ. ФАҚАТ БУ ЭЪТИБОР ВАҚТИНЧАЛИК БЎЛМАСА, КЎЧА БОШИГА ТЎШАЛГАН АСФАЛЬТДЕК УНИНГ ДАВОМИ КЕЛГУСИ ЙИЛЛАРГА ҚОЛИБ КЕТМАСА БЎЛГАНИ...

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Мирзо Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда кўзи ожизлар гузари мавжуд. Айни пайтда ҳудуддаги 1979 йилда қурилган 2 та икки қаватли уйда, асосан, имконияти чекланган кишилардан иборат 40 та оила, 200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Айрим икки хонали хонадонларда 3 тагача оила тиклинич ҳолда яшайпти.

Биргина бу эмас. Худуд одамларини яна бир қанча муаммолар ҳам қийнайдики, уларнинг ўз вақтида бартараф этилиши имконияти чекланган кишиларга қувонч улашиши, дардларига малҳам бўлиши тайин. Раъно Усмонова — биринчи гуруҳ ногирони. Унинг уч хонали хонадонда айни пайтда тўртта оила, 12 киши истиқомат қилади.

— Бизда энг асосий муаммо, бу — уй, турароқ масаласи, — дейди Р.Усмонова. — Мазкур масалада ёрдам сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилдим. У ердашларнинг айтишича, бошланғич тўловни тўлаб берсам, уй беришар экан. Бу камда 20 миллион сўм дегани. Аммо менда бунча маблағ йўқ. Чунки ўғилларим ёз бўли мардикорчилик қилиб, зўрга рўзгор тебратишади. Чархиндаги касб-ҳунар коллежсини бухгалтерия мутахассислиги бўйича битирган Ҳилола исмли қизим ҳам уйда ишсиз ўтирибди.

Гузарга кирверишдаги кўчанинг 200 метрига асфальт ётқизилган, қолган қисми эса ўйлим-чуқурлардан иборат.

— Дарҳақиқат, уй-жой масаласи бизда анча йиллардан бери долзарб бўлиб турибди, — дейди маҳалла раиси, биринчи гуруҳ ногирони Холмирза Самандаров. — Бу ҳақда юқори ташкилотларга бир неча бор мурожаат ҳам қилганмиз. Жорий йилнинг ўрталарида шахсан туман ҳокими гузаримизга келиб, аҳолининг яшаш шароити билан танишди, улар билан суҳбатлашди. Уй ажратилиш учун нималар қилиш лозимлигини одамларга тушунтирди. Айтиши керакки, ана шу мулоқотдан сўнг гузаримизда баъзи ўзгаришлар кузатилди.

Раиснинг сўзларига қараганда, гузардаги 200 нафардан зиёд аҳолининг 8 фоизигина иш билан банд экан, холос, 40 нафар кишининг кўзлари эса бутунлай кўрмайди. Бутун бошли гузардан фақатгина бир киши, яъни Зоҳиржон Қаршибоев Самарқанд давлат университетининг мусика фа-

культетида ўқир экан. Демак, у ҳозирча мазкур худуддан бўлажак ягона олий маълумотли мутахассис.

— Энди ҳамма бекорчи десам, нотўғри бўлар, ёшларнинг аксарияти мавсумий иш билан банд, — дея сўзида давом этади Х.Самандаров. — Имконияти чекланган кишиларнинг қарийб 90 фоизи нафақа олишади. Бундан ташқари, турли ҳомий ташкилотлар томонидан хонадонларга моддий ёрдам ҳам бериб турилади.

— Бизнинг ташкилотимизга мазкур гузарда яшовчи аҳолидан иш сўраб бирон киши мурожаат қилгани йўқ ва бу тоифа одамлар учун биз орқали муносиб иш ўрни ҳам топиши қийин, — дейди Пастдарғом тумани бандликка қўмаклашиш маркази бошлиғи Аҳмад Шоназаров. — Уларни ишга жойлаштириш бўйича кўзи



ожизлар жамиятининг вилоят бўлимидашлар ишгулланяшади.

Сухбатдошимиз кайд этган идорада эса ҳеч қандай топаммадик.

Кўзи ожиз одамларни бемалол ҳув тушириб кетавериш мумкинми?

Гузардаги уйлар эскириб кетгани боис нам торгган деворлари тўкила бошлаган. Натижада эса айрим хонадонларда турли зарарли ҳашаротлар пайдо бўляпти.

— Бу ҳашаротлар қишининг соғуғида ҳам жон сақлар экан, — дейди шу ерда яшовчи Хусан Шодмонов. — Яқинда туман давлат санитария-эпиде-



миология марказидан бир киши келиб, 150 минг сўм эвазига уйлариимизни кимёвий воситалар билан дорилаб кетди. Аммо бу дори ҳам ҳашаротларга таъсир қилмади. Улар кечаси яна баттар авжиса чиқийди.

— Шу гузарда қарийб 40 йилдан бери яшайман, — дейди иккинчи гуруҳ ногирони Хасан Шодмонов. — Менимча, бу каби зараркундаларнинг урчишига асосий сабаб — худуднинг ифлослиги, бадбўй ҳудудларнинг ўчоғига айланиб қолганида. Негаки, бу икки қаватли бинолар қурилган

— Бу ҳашаротнинг номи «клоп», яъни термит бўлиб, у асосан, эскирган пол, потолок, ётоқларда кўпайиб учрайди ва уни кимёвий дори билан йўқотиш жуда қийин — дейди Ш.Мирзаева. — Бу зараркундаларга қарши энг самарали восита — эскирган пол ёки потолокни алмаштиришдир. Шундагина улар ўз-ўзидан гойиб бўлади. Бизнинг марказимиз аҳолига бепул хизмат кўрсатади. Холмирза Самандаровдан 150 минг сўм пул олан ходим эса хўжалик ҳисобидаги туман дезинфекция станцияси вакили бўлиши мумкин. Улар кўрсатган хизматлари учун миқдордан маълум миқдорда иш ҳақи олишади. Сиз келиб кетганингиздан сўнг марказимиз ходимлари ҳудудда бўлиб, вазиятни ўрганишди. Тахмин қилганимиздек, ҳашаротларнинг ўчоғи хоналарнинг эскириб кетган поли бўлиб чиқди.

ДСЭНМ ходимларининг маслаҳат беришгани-ку яхши. Айни пайтда уларнинг олд қисмида ишлар бошланиб кетган. Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек номли маҳалла билан Самарқанд шаҳри ўртасида 37-йўналишдаги автобус қатнови йўлга қўйилди. Автобус айнан кўзи ожизлар гузари олдидан ортга қайтади.

Дарҳақиқат, ҳолатни ўрганишимиздан кейин икки-уч кун ўтиб, юқорида айтиб ўтилган уйларда ҳақиқатда таъмирлаш ишлари бораётгани, у ерда қурувчилар меҳнат қилаётганига ғувоб бўлди. Иш жараёнини кузатар эканмиз, беихтиёр «қилса бўлар экан-ку», деган фикр хаёлимиздан ўтди. Фақат бу эътибор вақтинчалик бўлмаса, кўча бошига тўшалган асфальтдек унинг давоми келгуси йилларга қолиб кетмаса бўлгани.


Бўлар экан-ку!

Гузарга кирверишдаги йўлда пайдо бўлган сунъий кўллар ва лойғарчиликдан унинг ёнидаги биноларнинг деворлари нураб ётибди.

Ёрмат РУСТАМОВ
«Mahalla»

Энди контрактнинг 50 фоизи тўлангач, абитуриент талаба бўлиши мумкин.

ТУНГИ НАВБАТЧИЛИК МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ САНАЛАДИМИ?



ТЎҒРИ-ДА, ҚОНУНДА БЕЛГИЛАНМАГАН НОРМАНИ КИМ ҲАМ ОҒРИНМАСДАН БАЖАРАРДИ? БУ БОРАДА ҚОНУНЛАРИМИЗДА НИМА ДЕЙИЛГАН? НАВБАТЧИЛИК ҚИЛИНГАНИ УЧУН ҚЎШИМЧА ҲАҚ ТЎЛАНАДИМИ?

Гоҳида билиб, гоҳида билмай меҳнат муносабатларини бузамиз. Керак жойда ҳуқуқимизни талаб қила олмаймиз. Баъзида эса зиммамиздаги мажбуриятни бажармаймиз. Шунинг учунми, аксарият кишилар ишидаги тартибдан қоникмаётгани, иш вақтининг кўп ёки кам эканидан нолийдилар. Биргина мисол: «Байрамда яна мен навбатчиман», «Ҳар ҳафтанинг биринчи санасида ишхонада тунги навбатчиликка қоламан», «Ўзи кун бўйи ишласам, яна навбатчилик ҳам қилишим керак экан» ва ҳоказо.

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги йиғилишида Сенат раиси Танзила Норбосова ҳам бу ҳақда ўз фикрини билдириб: «Мажбурий меҳнатнинг Халқро меҳнат ташкилоти томонидан белгилаб берилган 11 та сифати бор. У конвенцияга киритилган. Тунги навбатчилик — мажбурлашга қиради. Чунки у ўз хоҳиши бўлмаса ҳам, кечаси билан ўтиришга мажбур» деди.

Сенат раиси комиссия аъзоларига тунги навбатчиликка айд янгона муносабатни шакллантириш ва агар давлатга кўнгиллик асосида қўшимча ишлар зарур бўлса, бунга янги тахрирда ишлаб чиқариб берилган Меҳнат кодексига инобатга олиш кераклиги ҳақида кўрсатма берди. Тўғри-да, қонунда белгиланмаган нормани ким ҳам оғринмасдан бажарарди? Бу борада қонуларимизда нима дейилган? Навбатчилик қилинган учун қўшимча ҳақ тўланадими? Кимлар навбатчиликка қолмаслиги керак?



Хуқуқшунос Хушнудбек Худойбердийевдан шу каби саволларимизга жавоб олдик:

— Байрамлар арафасида кўлаб қорхона ва ташкилотларда кундузги ёки тунги

навбатчиликлар ташкил қилиш йўлга қўйилган. Бундан кўзланган мақсад — жамоат ҳафизлигини сақлаш, юзага келиши мумкин бўлган турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш, ўз вақтида бартараф этиш, шунингдек, бу ҳақда ваколатли идораларга тезкорлик билан хабар бериш, дея баҳоланади.

Навбатчиликнинг 3 тонфаси бор

Биринчи тонфа — штат жадвалида бевосита у эгаллаб турган лавозими «навбатчилик» билан боғлиқ бўлган ходимлар. Масалан, аэропортдаги навбатчилар, меҳмонхона навбатчиси, навбатчи диспетчерлар ва ҳ.к. Бундай ҳолларда уларнинг навбатчилиги асосий иш вақти сифатида баҳоланади ва ҳақ тўлаш ҳам умумий тартибда амалга оширилади.

Иккинчи тонфа — меҳнат шартномасида ишлаб чиқариш зарурияти ҳамда у эгаллаб турган лавозимнинг хусусияти туфайли асосий иш вақтидан ташқари навбатчиликда туриш белгилаб қўйилган ходимлар. Масалан, бу тонфага шифокорлар яққол мисол бўла олади.

Учинчи тонфа — бу айнан биз қўриб чиқаётган навбатчилик, яъни байрам кунларида жадвал асосида «оператив» ташкил этиладиган бир маргалик навбатчиликдир. Ушбу тонфадаги навбатчиликнинг юқоридаги иккитасидан асосий фарқи шундаки, бундай «оператив навбатчилик»ка жалб қилинган ходимлар ўзларининг асосий функционал вазифаларини бажаришмайди. Яъни бундай навбатчилик вақтида ўқитувчи дарс бермайди, шифокор даволамайди, бухгалтерлар ҳисоб-китоб қилмайди, ҳуқуқшунослар ҳужжатларнинг қонунийлигини текширмайди ва ҳ.к. Улар шунчаки идорада маълум бир соатни ўтказишади. Хуллас, белгиланган вақтда белгиланган

ДАРВОҚЕ...

Меҳнат кодексининг 122-моддасига биноан, соат 22.00 дан то соат 06.00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади.

жойда туриб беришса бўлди.

Бу тонфанинг яна бир фарқи шундаки, байрамлар арафасида навбатчиликда қолмаган аксарият ходимларнинг меҳнат шартномасида бундай навбатчиликка қилиш мажбурияти белгиланмаган бўлади. Яъни аслида улар бундай навбатчиликда туришга мажбур бўлмайди.

Шу сабабли ҳам айрим мутахассислар байрамлар арафасидаги «оператив навбатчилик»ни иш вақтидан ташқари иш (Меҳнат кодекси 124-модда) дея ҳисоблашмайди. Чунки ходим бу вақтда меҳнат шартномасида ўзига юклатилган вазифани бажармайпти-ку, дейишади. Уларнинг фикрича, бундай навбатчилик кўпроқ юқоридаги кодекснинг 166-моддасига тўғри келади, яъни иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш, дея баҳоланади.

Муаммо нимада?

Амалиётда энг кўп учрайдиган муаммолардан бири — байрам кунларидаги навбатчиликлар ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга бўлмасдан ташкил қилинишидир. Яъни иш берувчининг буйруғи (фармойиши) чиқарилмасдан, шунчаки оғзаки кўрсатма билан белгиланади. Наридан, навбатчилик жадвали ташкил қилиниб, унинг тепасига «тасдиқлайман» дея раҳбар имзо ва муҳр қўяди, бўлди.

Лекин бу навбатчилик ташкил қилиш ва унга тегишли тартибда ҳақ тўлаш учун асос бўлмайди. Шу сабабли деярли

барча ҳолатларда бундай «оператив навбатчилик» учун ходимларга ҳеч қандай ҳақ тўланмай келинмоқда. Наридан, уларга навбатчиликнинг эртаси кун ишга чиқмаслик ёки кечки киброқ ишга чиқишга рухсат берилди, ҳолос. Бироқ бу мутлақо нотўғри.

Навбатчилик — қонунчиликда борми?

Меҳнат кодексига навбатчилик ҳақида ҳеч қандай қоида белгиланмаган. Шу сабабли навбатчилик тартиби фақат локал ҳужжатлар билан белгиланади. Аммо амалиётда кўп гувоҳи бўламизки, байрам кунларидаги навбатчиликни ташкил қилиш тартиби ва унга тўланадиган иш ҳақи бирорта ҳужжатда қайд этилмаган бўлади.

Навбатчиликда туриш одатда ходимларнинг меҳнат шартномасида кўрсатилмайди ва уларнинг мажбуриятлари ҳам ҳисобланмайди. Агар ходим розилик бермаса, унда ходимни иш вақтидан ташқари (тунда, байрам ва дам олиш кунларида) навбатчиликка жалб этиш мумкин эмас. Шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмаган ва иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлган ходимлар бу каби ишларга жалб этилмайди. Меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда банд кишиларни ҳам иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш тақиқланади.

Қўшимча ҳақ тўланадими?

Меҳнат кодексининг 157-моддасига кўра, иш вақтидан ташқари ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади. Ходимнинг илтимосига кўра, иш вақтидан ташқари иш учун иш соатларига тенг келадиган миқдорда «отгул» берилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўлиниши лозим.

Иш қунида ва иш вақти давомидидаги навбатчилик (масалан, жума кунини соат 09.00 дан соат 18.00 гача) — бунда ходимга одатдаги тартибда иш ҳақи тўланади. Дам олиш кунлари (шанба, якшанба, байрам кунлари) кундуз кундаги навбатчилик — бунда ходимга камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади. Ёки ходимнинг хоҳишига қараб бир ҳисса ҳақ ва бошқа иш кунини учун дам берилди. Иш кунини ва дам олиш кунини тундаги навбатчилик учун худди шу тартибда ҳақ берилди.

...Ҳар нарсанинг ўз тартиб-қоидаси бор. Мажбурият юклатилдими, албатта, бажариш керак. Лекин у сининг ҳуқуқларингизга даҳл қилмаслиги лозим. Адолатли меҳнат шароитини яратишда эса ҳар икки томон: иш берувчи ҳам, ходим ҳам бирдек жавобгардир.

Хўш, сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Садоқат МАХСУМОВА
тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

«Қўшимча ишда ишласам бўладими?»



— Ошлада ёлғиз боқувчиман. Ойлик маошим рўзгорга бемалол етади. Аммо ундан жамғариб, уйимизни кенгайтиришни ният қилганман. Шунинг учун иш вақтидан ташқари ишласам бўладими? Айтинг-чи, бунинг учун менга қандай ҳақ тўланиши керак?

Нодир ЖУМАЕВ.
Кашқадарё вилояти.

Дилмурод РАЖАБОВЕВ,
хуқуқшунос:

— Ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Агар ўзингиз шуни хошлаётган бўлсангиз, албатта, бунинг имкони бор. Фақат иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлганда,

шунингдек, меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун компенсация ва ҳақ тўлаш тартиби Меҳнат кодексининг 157-моддасида келтириб ўтилган. Унга кўра, тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида

бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади. Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкаларига (мансаб маошларига) қўшилмайди. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан қасаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади. Худди шундай тартибда кечки сменадаги иш учун оширилган миқдорда ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин. Бевосита тунги сменадан олдингиси кечки смена деб ҳисобланади.

Хитойда номаълум пневмония касаллиги қайд этилган.

ҚЎЛБОЛА «ПАҚИЛДОҚ» МАКТАБ ЎҚУВЧИСИНИНГ ЎЛИМИГА САБАБ БЎЛДИ

АСЛИДА ОТА-ОНАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ КЕРАК. БОЛАЛАРИМИЗ ҚЎЛИГА УЛАРНИ
БЕРИБ ҚЎЯЁТГАН БИЗ — КАТТАЛАР ЭМАСМИ? ҚАЙСИ ЎЙ БИЛАН ШУНДАЙ
«БОМБА»НИ ФАРЗАНДИМИЗ ҚЎЛИГА ТУТҚАЗЯПМИЗ?

Ҳар йили Янги йил байрами яқинлашгани сайин одамларда пиротехника воситаларига бўлган қизиқиш кучаяди. Бу гарчи тақиқланган бўлса-да, бундай маҳсулотлар савдоси пайдо бўлишига олиб келади. 2020 йил кириб келиши ҳам шундай бўлди. Ён-атрофда пиротехника воситалари фаол ишлатилаётгани, яъни «пақилдоқ»лар овози кўпайиб қолгани кузатилди. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш заруратини келтириб чиқаради.

Дарҳақиқат, юртимизда бу борада қонуний асос яратилган. Унинг салбий оқибатлари ҳақида эса юртдошларимиз доимий равишда огоҳлантирилади. Аммо барибир пиротехника воситаларига бўлган эҳтиёж камаймайди. Уларнинг савдоси ҳам буткул тўхтаб қолмайди. Пиротехника буюмлари сотуви мамлакатимизда 1998 йилдан тақиқланган. Бирок ханузгача улар Янги йил байрамининг асосий «меҳмони» бўлиб қолмоқда.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Нима учун фарзандларимиз қўлига портловчи, тез алангаланувчи хавфли «ўйинчоқ»ларни ўзимиз тутқазиб қўяпмиз? Ўтган йили пиротехника воситаларининг ноқонуний савдосига қарши қандай курашилди? Умуман, бу курашлар қанчалик самара берди?

311 та қонунбузарлик ҳолати аниқланди

— Сифат ва хавфсизлик стандартларига жавоб бермайдиган маийш пиротехника воситалари кириб келишининг олдини олиш бўйича

тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинган, — дейди Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати ходими Хусан Тангриев. — Жумладан, 2019 йил давомида ҳам пиротехника воситаларининг ноқонуний савдосига қарши кураш бир дақиқа бўлсин, сусайгани йўқ. Буни рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Йил давомида республика бўйича 311 та қонунбузарлик ҳолати аниқланган бўлиб, қиймати 4 млрд. 947 млн. сўмлик пиротехника воситаларининг ноқонуний олиб ўтилиши ва ички ҳудуддаги айланмасига чек қўйилди.

Жумладан, Андижон вилояти божхона бошқармаси «Дўстлик» чегара божхона постига қўшни мамлакатдан кириб келган фуқаролардан бири қўл сумкалари ичиде божхона назоратидан яширинча 1 минг 200 донна пиротехника воситасини олиб киришга уринган пайтида тўхтатиб қолинди. Асака туманида ўтказилган тезкор тадбирда эса фуқаролардан бири 56 минг 400 донна петарда ва 20 донна салютни 900 АҚШ долларига сотаётган вақтида тўхтатиб қолинди.



Ҳаммасига божхоначилар айбдорми?

Давлат божхона қўмитасининг шунча чора-тадбирларига қарамай, байрам кунлари пиротехника воситасидан фойдаланишлар кузатилишини айрим юртдошларимиз маъсулларнинг бепарволигига боғлагани ҳам рост. Бундай фикрдаги юртдошларимизнинг аксарияти Давлат божхона қўмитасини айбдор деб ҳисоблашни яшириб ўтирмади. Хўш, ростдан ҳам шундайми?

Келинг, далилларга юзланамиз: 2019 йилнинг 30 декабрь кунин Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Кумовул қишлоғида 18 ёшли Аҳмадбой Донишовнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қўлида пиротехника воситаси портлаши оқибатида у жиддий жароҳат олади. Шундан сўнг А.Донишов зўлик билан Республика шопингчи тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалининг жонлантириш бўлимига олиб борилади.

А.Донишовнинг шу қўйга тушишида маъсуллар ҳам, «пақилдоқ»ни сотган ва бу ҳолатга бепарво бўлганлар ҳам бирдек айбдор. Аммо жорий йилнинг 1 январь кунин Тошкент вилояти Чиноз туманидаги «Янги» маҳалласида содир бўлган мулкчи воқеада кимни айблашни ҳам билмайсан киши. Энди-гина 20 баҳорни қарши олган Эшмат Ҳасанов, Алибой Самалов ва Махмуд Бозоровлар қўчадаги темир қувурга қўлбола усулда олтингурут ва магма аралашмасини солиб ёкишган. Натихада темир қувурга қўлбола бўлган 8-синф ўқувчиси, 2004 йилда туғилган Гани Собировга келиб тегади. Оқибатда Г.Собиров тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилган ва қўрсатилган тиббий муолажаларга қарамай, вафот этган.

Хўш, оқ-қоранинг фаркига борадиган ёшга етган йигитларнинг ушбу қилмиши учун ким жавобгар?

— Халқимиз орасида қанча тарғибот ишларини олиб бормайлик, барибир билиб-билмай қўнғилсиз ҳолатларга сабабчи бўлиб қолаётганлар учраб турибди, — дейди ИИВ Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиги Бахтиёр Бердиалиев. — Афсуски, кўрилатган чора-тадбирларга қарамасдан баъзи бир фуқаролар мўмай даромад топиш илжинида ушбу воситаларни айланма, яширинча йўллар билан олиб кириш ва сотишдан тўхтамайпти. Жумладан, Сурхондарё вилоятида ўтказилган тезкор тадбир давомида Термиз шаҳрида жойлашган мактабнинг 11-синф ўқувчиси Сардор Нурматов 50 донна қўтида қаддоқланган 3 минг донна пиротехника воситасини 1,5 млн. сўмга сотаётган вақтда ушланган. Яна бир ҳолат 2019 йил 16 декабрда Фаргона вилоятида аниқланган. Унга кўра,

Фаргона туманида яшовчи Муҳриддин Маматхонов бошқарувидаги «ISUZU» русумли автомашина текширилганда юкхонасида умумий баҳоси 28 млн. сўм бўлган жами 172 минг 800 донна «Трения» номли пиротехника воситалари борлиги аниқланди. Афсуски, бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Бунга қарши курашда қандай йўл тутиш керак?

— Аввало, ўзимиз ўзгартишимиз керак, — дейди пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Хадра» маҳалласи раиси Зафар Муҳаммаджонов. — Пиротехника буюмлари савдоси бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳам, Жиноят кодексида ҳам тегишли моддалар мавжуд. Жазо чоралари ҳам. Аслида ота-оналарни тарбиялаш керак. Болаларимиз қўлига уларни бериб қўяётган биз — катталар эмасми? Пиротехника, биринчи навбатда, портловчи, ёнувчи восита. Қайси ўй билан шундай «бомба»ни фарзандимиз қўлига тутқазаяпмиз?

Яна бир гап. Фарзандларимизга бераётган пулимизни нимага сарф қилишни текширашимиз? Аслида тушлик пули мактаб йўлида пистакурут сотаётган баъзилардан пиротехника буюмлари сотиб олишга сарфланаётганини ҳамма ота-она ҳам билмайди. Шундай экан, бугун нафақат маҳалламизда жиноят, балки фожиа-ҳалокат содир бўлмаслиги учун ҳаммамиз курашишимиз керак.

Хулоса ўрнида

Расмий маълумотларга таяниб фикр юратадиган бўлсак, Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги режадаги тадбирларни аъло даражада адо этган. Ҳар ҳолда, рақамлар шундан далолат беради. Аммо... Байрам оқшомида шундоқкина деразамиз тагида пақилдоқ овози эшитилди. Қарасам, 40 ёшлар атрофидаги киши осмонга қарата салют отяпти. Ундан ўн қадам нарида эса 3-4 яшар боласини махкам тутиб аёли турибди. Улар байрамни «ўзига хос кайфиятда» кутиб олдию кўчада беш дақиқа ҳам турмай уйларига жўнади.

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

«Пақилдоқ» сотганга қандай жазо бор?

— Байрам кунин ҳам, ҳозиргача ҳам кўчамизда пиротехника воситаларининг овози тингани йўқ. Шундоққина уйимизнинг ёнида уни сотиб юришади. Айтиш-чи, бундай буюмларни тарқатганлик учун қандай жавобгарлик кўзда тутилган?

Нозимжон ҲАЛИМОВ,
Тошкент шаҳри.

Зафаржон РАҲМОНОВ,

Адлия вазирлиги маъсул ходими:
— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185¹-моддасига мувофиқ, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улар-

дан фойдаланиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш хуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жиноят кодексининг 250¹-моддаси эса бундай қилмишлар содир этганлар учун унинг ким томонидан содир этилгани ва қандай оқибатларга олиб келганлигига қараб турли жазо чоралари, жумладан, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Японияга 1 миллиард долларлик уран етказиб беради.

«ИНТЕРПОЛ»: ЖИНОЯТЧИ ҲАММА ЖОЙДА ТАЪҚИБДА



Кўпинча ички ишлар таянч пунктлари, постлар олдида ўта туриб, қидирувдаги шахслар рўйхатига кўзимиз тушади. Тўғриси, бу эълон тахталарига жиддий эътибор берадиган, разм солиб қарайдиганлар кам топилса керак. Аммо кўрсатилган исм-шарифлар, сарғайган суратлар ортида яширинган тақдирлар, ёвуз жиноятлар ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг доимий эътиборида. Улар жиноят дунёнинг қаерида бўлмасин, жиноятчи муносиб жазога тортилиши устидан назорат қилиб борадилар.

Ички ишлар вазирлиги эълон қилган маълумотлар тахлили бугунги кунда республикамизда 5300 нафардан ортик фуқаро турли жиноятларни содир этганликда гумонлини кидириб олиётганидан дарак беради. Уларнинг аксарияти фирибгарлик, безорилик, ўғрилик, талончилик каби ишларга алоқадор бўлиши мумкин. Қидирувдагилар рўйхатида зўрлаш, котиллик, ўта ваҳшийларча одам ўлдириш, жиноий гуруҳ тузиш ёки шундай гуруҳ фаолиятида иштирок этиш сингари жирканчликлар юзасидан из-

«Халқаро полиция» қандай ташкилот?

— *Интерполнинг Ўзбекистондаги миллий марказий бюроси 1994 йилдан буён фаолият олиб боради. — дейди Олимхон Эргашев. — Бизнинг асосий вазифамиз мамлакат ҳуқуқ-тартибот идораларининг хорижий давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари билан жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича ахборот алмашинуви ташкил қилиш ҳисобланади. Бунда асосий мақсад жиноятга қаер-*



да бўлмасин, жазо муқаррарлигини таъминлайди. Зеро, замонавий дунёда умуминсоний тамойиллар ва халқаро келишувларга кўра жиноят саналадиган қилмиш учун шахс сайёрамизнинг деярли барча мамлакатларида таъқибда бўлади. Кейинги йилларда Ўзбекистондан «Интерпол»га, асосан, терроризм ва экстремизм, шахсга ва мулкка қарши жиноятлар, ноқонуний миграция ва фоҳишабозлик, иқтисодий жиноятлар ва қалбаки пуллари тайёрлаш, ҳужжатларни қалбакилаштириш кабилар бўйича кўплаб сўровлар келиб тушган.

Дунё излаётган 27 нафар шахс Ўзбекистон ҳудудида қўлга олинди

Сўровлар асосида ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида чет элларда яшириниб юрган гумондорлар ва жиноятчилар қўлга олинмоқда. Айниқса, Россия Федерацияси, Қозғистон, Қирғизистон, То-

жикистон, Озарбайжон, Беларусь ва Туркия Республикалари Ички ишлар вазирликлари билан икки томонлама мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар ташкил этилгани қидирув ишларининг самарадорлигини оширмоқда. Натижада юқоридаги форматда сўнгги 3 йилда 800 нафарга яқин шахс қўлга олинди. Умуман, халқаро ҳамкорлик натижасида 2017-2019 йилларда 1402 нафар қидирувдаги шахс ушланган. Биргина жорий йилнинг 11 ойида республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан қидириб олинган 588 нафар шахс хорижий мамлакатларда ўтказилган амалиётлар давомида ҳибсга олинган. Уларнинг кўпчилиги фирибгарлик, одам савдоси, ўғрилик каби жиноятларни содир этганлар ҳисобланади. Шунингдек, дунёнинг турли мамлакатларида турли шахлдаги жиноятларни амалга оширганликда айбланиб, яшириниб юрган 27 нафар шахс мамлакатимиз ҳудудида қўлга тушди.

Халқаро қидирувдаги ўзбекистонликлар?

Чет элларда яшириниб юрганлар сони масаласида аниқ бир рақамни айтиш мушкул. Зеро, бу кўрсаткичлар соат сайин ўзгариб туради. Кимдир қўлга тушади ва қидирувдагилар рўйхатидан чиқарилади. Яна кимдир бу рўйхатга киритилади. 2019 йил декабрь ойи ҳолатида Ўзбекистон томонидан халқаро қидирувга берилган шахслар 1716 нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг асосий қисми терроризм ва экстремизм, фирибгарлик, одам савдоси каби жиноятларни содир этган шахслар ҳисобланади. Уларни қўлга олиш юзасидан Интерполнинг Ўзбекистондаги Миллий марказий бюроси томонидан тегишли қидирув чоралари олиб бориляпти. Қидирувдаги шахслар хорижий давлатларда қўлга олинганида ўша давлатдаги Интерпол бюроси бизнинг Миллий марказий бюрога хабар беради ва икки давлатнинг келишувига мувофиқ шахс юртимизга депортация ёки экстрадиция қилинади. Бунда гумондор ёки жиноятчининг олиб келинишига кетадиган сарф-харажатлар мамлакатимиз ҳисобидан қопланади.

Баъзи ҳолларда эса халқаро қидирувлар масаласини кидириб олинган шахс хорижда сиёсий бошпана олган ёки ўша давлат фуқаролигига қабул қилинган бўлиб чиқиши ҳам мураккаблаштиради. Бундай вазиятларда муносабатлар дипломатик каналлар орқали ҳал этилмоқда. Халқаро ҳуқуқ меъёрларига кўра, хорижий давлатга сўронома юборилиб, жазони ўша жойда ижро этиши таъминланади.

Хулоса ўрнида

Дарҳақиқат, ахборот технологиялари ривожланган, мамлакатлараро алоқалар юқори даражада йўлга қўйилган даврда жиноят учун жазодан қочишининг имкони йўқ. «Интерпол», бошқа халқаро ташкилотлар оғир жиноятлар содир этганлардан дунёнинг хоҳлаган давлатидан топиш имконига эга. Шу боис жиноятга қўл уриб, қаергадир яшириниб жазодан қутулиб қолишни ҳаёл қилиш саробдан бошқа нарса эмас. Қачонки, инсон тўғри яшаб, эзгу амаллар пайида бўлса, ўзи ва яқинлари учун фақат фойда келтиради.

Улугбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»



ланаётганлар ҳам бор. Бундан ташқари, 2600 нафардан ортик фуқаро бедарак йўқолган. Ачинарлиси, гумонланувчилар ва йўқолганларнинг салмоқли қисми хотин-қизлар саналади. Яна бир масала, фуқароларимиз орасида ноқонуний ҳаракат содир этиб ёки шундай қилмишда гумон қилиниб, мамлакатимизни ташлаб чиқиб кетганлар ҳам талай. Шунингдек, дунёнинг турли давлатлари ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан кидириб олинган айрим шахслар мамлакатимиз ҳудудида яширинган бўлиши ҳам мумкин. «Интерпол» излаётган ўзбекистонликлар, умуман, мазкур халқаро ташкилотнинг юртимиздаги фаолияти тўғрисида Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюроси ахборотларга тезкор ишлов бериш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Олимхон Эргашевнинг фикрлари билан кизикдик.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қидирувдагиларнинг паспортлари «музлатилади»

— *Халқаро қидирувда бўлган шахсларнинг паспортлари бекор қилинади, деб эшитсанман. Шу тўғрисида?*

Наргиза ОМОНОВА.
Қарши шахри.

Эркинжон Марупов,
Ички ишлар вазирлиги Халқаро ҳамкорлик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:
— Дарҳақиқат, Жиноят процессуал кодексига 2019 йил 28 августда киритилган ўзгаришларга мувофиқ янги процессуал мажбуурлов чораси — паспортнинг, биометрик паспортнинг, хорижга чиқиш учун биометрик паспортнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиши ҳужжатининг амал қилиши вақтинчалик тўхтатиб туриш пайдо бўлди.

У фақат давлатлараро ёки халқаро қидирув эълон қилинган айбланувчи ёки судланувчига нисбатан, у кўрсатилган ҳужжатлардан фойдаланиб Ўзбекистондан чиқиб кетиши ёки хорижда ҳаракатланиши мумкин, деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса қўйилади. Бу унга суриштирув, тергов ва суддан «қочиб кетиш», жиноий фаолияти учун амалга оширишни давом эттириш ва ҳукмнинг ижро этилишидан бўйин товлаш имконини бермайди. Бунда Ўзбекистон фуқаролиги туга-



тилмайди, фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳуқуқий мақоми бекор қилинмайди.
Масала суд томонидан ҳал этилади. Бирок аввал тегишли илтимоснома кўзгатиш тўғрисида қарор чиқарилади, унда бундай чорани қўллаш асослари ва у бўйича зарурият юзага келишига сабаб бўлган асослар баён этилади. Суриштирувчи ва терговчи қарорни барча зарур материаллар билан бирга прокурорга юборади, прокурор асослигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, ҳужжатларни судга юборади.

Ўзбекистон фуқаролари 57 та давлатга визасиз боришлари мумкин.

НОГИРОНЛИГИ КЎРИНИБ ТУРГАН ШАХСНИ ЯНА ОВОРА ҚИЛИШ КИМГА КЕРАК?

ҲАМ РУҲАН, ҲАМ МОДДИЙ ЖИҲАТДАН ҚИЙНАЛИБ ЮРГАҢ ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИГА «ОТАНГА БОР, ОНАНГА БОР» ҚАБИЛИДА ИШ ТУТИШ ШИФОКОРЛИК ДЕОНТОЛОГИЯСИГА ЗИД ЭМАСМИ?



Ногиронлик аравачида ўтирган аёл. Қўлига асо тутган эркак. Қулоғига эшитиш мосламасини тақиб олган қизалоқ. Бир умр тўшакка миҳланган бола... Уларни кузатар эканмиз, беихтиёр кўзга ёш келади. Қўлдан келгунча қўллаб-қувватлашга ошиқамиз. Зеро, лоақал ширин сўз билан уларга руҳий мадад беришнинг да, савобини жуда улуг, дейдилар. Бири туғма, иккинчиси йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида, учинчиси эса ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида, яна бири сурункали давом этган қайсидир касаллик натижасида ногиронликка дучор бўлган.

Тақдир зарбасига дош бериб, ногиронликнинг турли кўринишлари билан курашиб яшаётган инсонларга ҳамма ҳам хайрихоҳми? Улар шифохонада даволаниши, тиббий экспертизадан ўтиши, нафақа тайинланиши, тиббий кўрикка жалб этилиши, реабилитация воситалари билан таъминланиши сингари ҳолатларда муаммога дуч келмаяптими?

Бош прокуратура бонг уради

Ўтган йил якунида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идораларо комиссиясининг йиғилиши соғлиқни сақлаш тизимида коррупция ҳолатлари ҳамда уларни келтириб чиқараётган шарт-шароитларни муҳокама қилишга бағишландики, юзага келган бу вазият бўйича бугун бонг урилмаса, чора-тадбирлар белгиланмаса, эртага кеч бўлиши муқаррар.

Йиғилишда Республика Бош прокурори Ниғматулла Йўлдошев сўзга чиқар экан, ногирон шахсларни тиббий реабилитация қилиш жараёни талабга жавоб бермаслиги, бу жараёнда қонунга зид ҳолатлар рўй бераётганини таъкидлаб, жумладан шундай деди:

— Ногиронлик аломатлари

яққол кўриниб турган, ноҳуш клиник таъхисга эса фуқаролар турли бюрократик ва коррупцион тўсиқларга дуч келмоқда. Алоҳида анатомик нуқсонлар, яъни қўл, оёғи ампутация қилинганлар, болаликдан туғма ногиронлар, Даун касаллигига чалинганлар ногиронликни олиш учун, эътибор беринг, 4 ойдан 6 ойгача шифохонада даволанишга мажбур бўлмоқда. Чунинчи, Хоразм вилояти Янгиерик туманида 1994 йилда туғилган, болаликдан умуртқа погонаси туғма деформация бўлган фуқаро Д. ногиронлик сурӯҳини олиш мақсадида 2019 йил март ойдан бошлаб 4 ой-ю 20 кун фақат ҳужжатбозлик учун шифохонада ётишга мажбур бўлган.

Қайд этилганидек, республикамиз бўйича ногиронлиги бўлган 615 мингдан ортиқ шахс бўлса-да, тиббий-мехнат экспертизасини тўлақонли ўтказиш, уларни ижтимоий ва касбий реабилитация қилувчи мутахассислар йўқ. Энг аянчлиси, ногиронлик билан туғилган ёки турли сабабларга кўра майиб-мажруҳ бўлиб қолган фуқаролар ўз ҳужжатларини расмийлаштиришда тамагирликка дуч келаётганидир. Ҳам руҳан, ҳам моддий жиҳатдан қийналиб юрган қатлам вакиллари «Отанга бор, онанга бор» ка-

билида иш тутиш шифокорлик деонтологиясига зид эмасми?

Демак, Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари мавжуд вазиятни чуқур ўрганиб чиқиб, қатъий чора-тадбирларни белгилаш керак.

Тизим тамоман янгиланиши керак

Катта-кичик, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган муаммолар бугун юзага келиб қолган эмас. Тўғри, ногиронликнинг қайсидир даражаси бўйича тахшис

қўйилган шахсларга давлат миқёсида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилган. Уларнинг довланиши, нафақа тайинланишини кафолатлайдиган қонунчилик базаси маълум маънода ишлаган. Хўш, унда бундай шахсларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишда юзага келаётган баъзи номувофиқликларнинг сабаби нимада?

— Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси бир қанча вазирлик, идоралар орасида тарқоқ масала бўлиб, мавжуд ҳолат уларнинг ҳаёт кечирishi сифати ва даражасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги директори Алишер Иноков. — Кейинги йилларда ногиронлиги бўлган шахслар ҳаёт тарзида учраётган муаммолар ечимига кўпроқ эътибор қаратила бошланди. Тиббий-ижтимоий муассасаларда қурилиш-реконструкция ишларига 2016 йилда 24,5 млрд., 2017 йилда 49 млрд., 2018 йилда 76,4 млрд., 2019 йилда эса 88 млрд. сўм маблағ сарфлангани яхши, албатта. Аммо айрим шифокорларнинг ўз хизмат лавозимини суғистеъмол қилаётгани ҳам бор гап.

Амалдаги тартибга кўра, ногиронлик олти ой, бир йил, икки йил ва муддатсиз, яъни абдий белгиланиши керак. Аммо ана шу муддатларни узайтиришда



МЕНДА САВОЛ БОР...

Ногиронлиги бўлган шахсга солиқ имтиёзи борми?

— 16 ёшга тўлмаган ногирон фарзандим бор. Айтинг-чи, қонунчиликда бундай фуқароларга солиқ тўлаш борасида имтиёз борми?

Зулхумор АБДУРАСУЛОВА, Ташкент шахри.

Дилдора ҲОШИМОВА, Давлат солиқ қўмитаси катта инспектори: — Албатта. Солиқ кодексининг тегишли мод-

даларига асосан, I-II гуруҳ ногиронлари, ёлғиз пенсионерлар ҳамда боқувчисини йўқотган қўп болали оилалар, Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёз оладиган фуқаролар ер, мол-мулк ҳамда ҳар бир ой учун базавий ҳисоблаш микдорининг тўрт баравари микдоридagi даромадлар бўйича даромад солигидан озод қилинган. Демак, агар уй-жойингиз ногиронлиги бор фарзандингиз номида бўлса, сиз ҳам ушбу имтиёздан фойдаланишингиз мумкин.

қузатилаётган қонунга зид хатти-ҳаракатлар ногирон шахсининг ҳақ-хуқуқини паймол қилишга тенланади. Бундай шифокорларга қатъий чора кўрилиши керак. Ижтимоий ҳимоянинг турли йўналишлари, хусусан, фуқароларнинг пенсия таъминоти, имтиёзга эга фуқароларга дифференциал тарзда у ёки бу имтиёзларни, хизматларни етказиш чоралари мувофиқлаштирилмасдан қолмоқда. Аҳоли ижтимоий ҳимоясининг ўрта ва узоқ келажакка мўлжалланган барқарор стратегик ривожланиши таъминланмапти. Хўш, бунга қандай омиллар таъсир кўрсатмоқда? **Биринчидан,** бошқаруш со-

ҳасида ягона тизим мавжуд эмас эди. **Иккинчидан,** эҳтиёжманд қатлам учун ваколатли орган бўлмаган. **Учинчидан,** 24 йил аввал қабул қилинган дастурлар бугунги кун талабига жавоб бермай қўйди. Кенг жамоатчиликнинг тақлифига кўра, тизимда ҳар 5 йилга мўлжалланган Давлат дастурларини қабул қилиш режалаштирилмоқда. **Тўртинчидан,** ногиронларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувида шаффоф тизим яратилмаган. **Бешинчидан,** кадрлар таъминотида оқсайдиган жиҳатларимиз бисёр. Ташкент врачлар малакасини ошириш институтида «Ижтимоий тиббиёт» кафедраси очилиб, соҳада ишлаётган кадрлар салоҳиятини оширишга киришилди. **Олтинчидан,** бу йўналишда илмий тадқиқот лойиҳалари бармоқ билан санайдиган даражада кам. Зикр этилган кафедрада докторантурани очиб, бу борадаги имкониятларни кенгайтиришимиз зарур.

Янги қонун нимага хизмат қилади?

Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги янги қонунни амалиётга таътиқ этиш кўзда тутилмоқда.

— Ушбу қонун фаол ишласа, тиббий-мехнат эксперт комиссиялари фаолиятида кузатилаётган бир талай муаммолар ўз ечимини топар эди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғи Умарали Назарматов. — Мавжуд 107 та тиббий-мехнат эксперт комиссиясидан атиги 27 таси балансимидаги биноларда жойлашган, қолганлари эса турли таъшиқот ва идоралар тасарруфидаги биноларда қўним топган. Яна бир муаммо — ҳозирга қадар болаликдан ногиронлиқни белгилашда 16 ёш чегара ҳисобланган. Янги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-ижтимоий экспертизаси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаларига 18 ёшгача бўлган шахсларга «ногиронлиги бўлган бола» мақомини белгилайдиган педиатрик тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларини таъкил этиш мевъри киритилди.

...Йиллар мобайнида тўп-ланиб қолган муаммолар ҳар қандай тизимни сусайтиради. Қайд этиб ўтилганидек, мамлакатимизда ногиронлар ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишнинг тиббий моделидан янги — ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий моделга ўтишни давр тақозо этмоқда. Мўлжалланаётган янги лойиҳалар амалиётга таътиқ этилар экан, шубҳасиз, Ўзбекистонда ҳам ривожланган давлатлар даражасидаги янги тизим пайдо бўлади.

Хулқар КУЗМЕТОВА «Mahalla»

Бу йил мактаб таълимига муҳим янгилик жорий этилмоқда. Яъни 2019-2020 ўқув йилининг учинчи чорагидан бошлаб, тажриба сифатида халқ таълими тизимидаги мактабларнинг 10-11-синфларида фанлар ихтиёрий танлов асосида ўқитила бошланади. Тажриба-синов мазкур ўқув йили якунига қадар давом этади. Хўш, бундан қандай мақсад кузланган ва унинг аҳамияти нимада? Янги тизим ўқувчиларга қандай наф келтиради? Натижада улар бошқа фанлар бўйича билим олиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолишмайдими?



Юқори синф ўқувчилари фанларни ихтиёрий танлашади. Мақсад нима?

Репетиторга эҳтиёж қолмайдими?

— Президентимиз фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизimini 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси 2019 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харита»сида вариатив (ўзгарувчан) ўқув режаларининг жорий этилиши белгиланган, — дейди Халқ таълими вазирлиги ўқув режаларининг методик жиҳатдан таъминлашни ривожлантириш бошқармаси бошлиги Дониёр Эрматов. — Вариатив ўқув режаларини амалга татбиқ қилишдан мақсад, ўқувчиларнинг ўзлари қизиққан фанларни чуқур ўрганишига шароит яратиш, мактаб битирувчиларининг олий ўқув юртига кириш имтиҳонига тайёргарлик кўришни таъминлаш ва юқори синфларда ўқув жараёнини касбларга йўналтирилган ҳолда ташкил этишдан иборат. Мазкур янги тизим ҳозирда тажриба сифатида жорий этилмоқда. Унинг муҳим жиҳати шундаки, ўқувчиларга мактабнинг ўзида олий таълим муассасасига кириш имтиҳонига тайёргарлигини учун имконият яратиш, репетиторга эҳтиёжини камайтиради. Шунингдек, ўқувчиларнинг вақти тежсалади. Ўз навбатида, ота-оналарнинг репетиторга сарфлаётган маблағи ҳам ёнида қолиб, кам таъминланган оила фарзандлари учун ҳам ОТМега бевул тайёргарлик кўришга имкон яратилади.

Таъкидлаш жоизки, вариатив ўқув режаларининг жорий қилиниши ихтиёрий бўлиб, мактабда танлов синфини ташкил этишда юқори малакали, тажрибали ўқитувчиларнинг мавжудлиги инобатга олинади.

Янги тизим қандай жорий этилади?

Вариатив ўқув режаларини жорий қилиш жараёни қандай амалга ошади? Бу ҳақда сўз кетганда шунини айтиш жоизки, танлов синфи йўналиши 10-, 11-синфлар кесимида ўқувчилар ўртасида сўровнома ўтказиш орқали аниқланади. Бунда



ўқувчи фақат битта йўналишни танлашга ҳақли, иккита ёки учтага рухсат этилмайди.

Ўқувчилар ўртасида сўровнома ўтказиш ва натижасини умумлаштириш мактабда тузилган танлов комиссияси зиммасига юклатилади. Комиссия таркибига мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, психолог, фан метод бирлашма раҳбари ва ота-оналар кўмитаси раиси киритилади. Шу билан бирга, танлов комиссияси аъзолари таркибига ўқувчиларнинг ота-оналари ва тегишли йўналишдаги фан ўқитувчилари киритилишига йўл қўйилмайди (ота-оналар кўмитаси раиси ва фан метод бирлашма раҳбари бундан мустасно).

Бу жараёнда шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳим масалалар. Шу мақсадда мактабнинг Кузатув кенгаши аъзолари сўровномани ўтказиш ва натижаларини умумлаштириш жараёнида кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

Сўровнома натижасида тегишли танлов синфида ўқишни хоҳлаган ўқувчилар сони 35 нафардан ошиб кетса, бундай ҳолда ўқувчилар мактаб томонидан ташкил этиладиган тегишли фан бўйича синов натижалари асосида танлов синфига қабул қилинади. Агарда танлов синфида ўқишни хоҳлаган ўқувчилар сони 35 нафардан ортик бўлмаса, бундай ҳолда

ўқувчилар танлов синфига синовсиз қабул қилинади.

Мажбурий фанлар қайсылар?

Танлов синфини ташкил этиш учун 5 та — хорижий тил ва филология, молия — иқтисод, технология, табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар йўналишлари тавсия этилади. Йўналишдан келиб чиққан ҳолда, тегишли фан методика бирлашмаси ва директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан танлов син-

фининг ўқув режаси тузилади ва унга 2019-2020 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режада 10-11-синфларга ажратилган умумий дарс соатлари миқдори асос қилиб олинади. Маълумот учун айтилган бўлсак, ҳафталик умумий соатлар миқдори 10-синфда 30 соатни, 11-синфда 31 соатни ташкил этади.

Ўқувчи танлаган йўналишига қирмайдиган фанларни ўқи-

танлов фанлари ҳисобланади. Танлов синфида улар учун ҳафтада 10-синфда жами 11 соат, 11-синфда 11,5 соат ажратилади. Танлов фанларига 2019-2020 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режада 10-11-синфлар учун белгиланган барча фанлар қиради.

Шу ўринда бир жиҳатни айтиб ўтиш керакки, мажбурий фанлар танлов фани сифатида ҳам танланиши мумкин. Бунда мажбурий фанга таянч ўқув режада ажратилган соатга қўшимча равишда танлов фани учун ажратилган соат қўшиб ўқитилади.

Танлов фани бўйича қўшимча ажратилган соатларда, жумладан, ўқувчиларга фан-

Ўқувчилар ўртасида сўровнома ўтказиш ва натижани умумлаштириш мактабда тузилган танлов комиссияси зиммасига юклатилади. Комиссия таркибига мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, психолог, фан метод бирлашма раҳбари ва ота-оналар кўмитаси раиси киритилади.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:



Танлов фанлари учун ажратилган соатларни йўналишлар бўйича қуйидагича тақсимлаш тавсия этилади:

Хорижий тил ва филология йўналишида: 10-синфда чет тили фани 5 соат, она тили ва адабиёти фани 6 соат, 11-синфда чет тили фани 5,5 соат, она тили ва адабиёти фани 6 соат;

Молия – иқтисод йўналишида: 10-синфда математика фани 6 соат, чет тили фани 5 соат, 11-синфда математика фани 5,5 соат, чет тили фани 6 соат;

Технология йўналишида: 10-синфда математика фани 4 соат, физика фани 7 соат, 11-синфда математика фани 4,5 соат, физика фани 7 соат;

Табиий фанлар йўналишида: 10-синфда биология фани 5 соат, кимё фани 6 соат, 11-синфда биология фани 5,5 соат, кимё фани 6 соат;

Гуманитар йўналишида: 10-синфда тарих фани 5 соат, она тили ва адабиёти фани 6 соат, 11-синфда тарих фани 5 соат, она тили ва адабиёти фани 6,5 соат ўқитилиши мумкин.

майдими? Йўқ, мажбурий ўқитилмайдиган фанлар тоифаси ҳам бор. Фақатгина вариатив ўқув режаларининг жорий этилиши натижасида 10- ва 11-синфларда ўқувчилар ўқийдиган мажбурий фанлар сони 15 тандан 8 тага камаяди. Улар — она тили ва адабиёти, ўзбек тили/рус тили, чет тили, тарих, математика, информатика, маънавият асослари (тарбия), жисмоний тарбия фанларидир. Бу борада мазкур мажбурий фанларга ажратилган соатларнинг миқдори таянч ўқув режада белгиланган миқдордан (10-синфда жами 19 соатдан, 11-синфда 19,5 соатдан) кам бўлмаслиги кўзда тутилган.

Танлов фанлари қай даражада ўқитилади?

Ўқувчилар томонидан танланган йўналишга оид фанлар

ларни чуқур ўргатиш билан бирга, тегишли мавзуларга доир қўшимча маълумотлар берилади. Дарс жараёнида «Khan Academy O'zbek – Onlayn ta'lim platformasi» таълим ресурсларидан фойдаланилади, қўшимча адабиётлардан мисол ва масалалар, тестлар (ДТМ сайтидаги намунавий тестлар) ечилади. Яна бир муҳим жиҳати, олий таълим муассасалари ўқитувчилари ўқув машғулотида жалб қилинади.

Қолаверса, танлов фанларини чуқур ўргатишда дарсдиқлардан ташқари, қўшимча адабиёт ва манбалардан фойдаланиш мумкин. Фақат муаллифлик ўқув дастурларидан амалиётда фойдаланишга улар Республика таълим маркази томонидан экспертизадан ўтказилган тақдирда рухсат этилади.

Энг муҳими, янги тизимнинг жорий этилиши таълим самардорлигини ошириш, мактаб битирувчиларининг пухта билим эгаллашига эришиш йўлида ташланган мақсадли кадам бўлиб, у амалий тажриба асосида такомиллашиб бораверади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

Ўқишга кириш учун берилмайдиган ҳарбий имтиёзда ўзгариш бўлиши қўтилмоқда.

«БАРКАМОЛ АВЛОД» БОЛАЛАР МАКТАБЛАРИ: Тўғарақлар фаолияти қачон тизимли йўлга қўйилади?

АЛБАТТА, ФАҚАТГИНА ТУЗИЛМАНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ БИЛАН БАРЧА МУАММОЛАРНИ ХАЛ ЭТИБ БЎЛМАЙДИ. КАДРЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ ЁКИ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАНИ МУСТАХКАМЛАШНИНГ ЎЗИ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ КЕСКИН ОШИРИШ УЧУН ЕТАРЛИ ЭМАС

2019 йилда олий таълим муассасаларига 1 миллиондан ортиқ абитуриент хужжат топширди. Айтиш мумкинки, айнан шунча йигит-қиз мактаб, коллеж ва лицейда олган билимларини яна бир бор синавдан ўтказди. Йилдан-йилга ёшларнинг ўқишга бўлган иштиёқи ортиб бораётгани қувонарли, албатта, аммо қабул квоталари чекланган. Улар орасидан атиги ўндан бир қисмигина талаба бўлиш бахтига муяссар бўлди, холос.

Юқоридаги рақам кўпгина тахлилларни келтириб чиқаради. Масалан, ўқишга киролмаган 900 минг нафардан зиёд абитуриент эндиликда нима билан банд бўлади? Аксариятнинг бандлиги ҳам таъминланмаган. Шунингдек, кўпчилигининг мактабдаги билимларидан бошқа таянгангани қобилияти, кўлида хунари йўқ.

Соҳага етарлича эътибор қаратилмаган

Аслида ҳам уларнинг барчасини бирдек олий маълумотли қилишнинг имкони йўқ. Шу боис ёшларга хунарга ўргатиш, уларни китобхон ва интеллектуал салоҳиятини юқори қилиб тарбиялаш, ижодкорлик қобилиятини рўёбга чиқариш мақсадида мактабдан ташқари таълим бериш учун «Баркамол авлод» болалар маркази, мусика мактаблари, ёшлар марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Аммо бугунги айрим ёшларнинг ижодий қобилияти сустиги, жиллакурса, биргина хунарни мукамал билмаслиги ҳамда кўпчилигининг давлат муассасаларидаги бу каби тў-

қамраб олган, холос. Шунингдек, у ердаги 70 та йўналишдаги тўғарақлардан 50 таси ҳаминқадар, қолган 20 таси эса умуман ишламаслиги маълум бўлган. Бунга сабаб эса шу йўналишларда мутахассислар ёки моддий-техник базанинг етишмаслигидир.

Президентимизнинг 2019 йил 30 сентябрдаги «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тармоқни тубдан ислох қилиш, тизимда аниқланган муаммоларни бартаф этиш учун амалий чора-тадбирларни кўриш қатъий белгиланди. Биринчи навбатда, қарорда «Баркамол авлод» республика болалар марказлари негизда Республика «Баркамол авлод» болалар мактабини ташкил этиш кўзда тутилди.

Рағбатсиз фидойиликни кутиб бўлмайди

— Бундан бир неча йил аввал қизимни «Баркамол авлод» болалар марказининг инглиз тили тўғарагига жойлаштирдим,



ҳам амин бўлдим. Марказ раҳбариятига бу ҳақда эътироз билдирсам, улар: «Навора, биз тўлайдиган ойлик маошга олий маълумотли кадрлар ишга келмайди. Сиз айтмаётган ўқитувчимиз ўрта маълумотга эга ва билими ҳам ишга яраша», деб жавоб берди.

Халқ таълими вазирлиги маълумотларига кўра, 2019 йилда «Баркамол авлод» болалар марказларида жами 6,5 минг нафарга яқин ходим фаолият кўрсатган бўлиб, улардан 1,6 минг нафардан ортиги олий маълумотли, 4 минг 819 нафари ўрта-махсус маълумотга эга ва 58 нафари хунарсиз-усталар бўлган. Албатта, малакали кадрлар ўз салоҳиятига яраша ойлик маош тайинланмаган жойда фаолият юритмайди. Табиийки, атиги 25 фоиз малакали кадрга эга марказлар ходимларнинг энг сарасини ишга оладиган хусусий ўқув ва касб ўргатиш марказлари билан бахелаша олмайди.

— Ростдан ҳам, «Баркамол авлод» болалар мактабларида малакали кадрларга эътиёж юқори, — дейди Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси Иштиёр Махматқуллов. — Давлатимиз раҳбарининг юқоридоги қароридан бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадида «Баркамол авлод» болалар мактаблари ходимларининг базавий тариф ставкаларини 2020 йил 1 январдан директор ва директор ўринбосарлари учун 1,5 бараварга, тўғарақ раҳбари учун 1,5 бараварга ошириш белгиланди. Шунингдек, 1 январдан бошлаб А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Мактабдан ташқари таълим тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кафедраси ташкил

етилди.

Эндиликда янги услубий қўлланма ва методик усуллар билан қайта тайёрланган мутахассислар ўқувчиларга етарли даражада билим-малака бера олади, деб ўйлаймиз. Тизимга киритилган ўзгаришлар натижасида «Баркамол авлод» болалар мактабларини 2024

туризмни ривожлантириш мақсадида «Баркамол авлод» болалар мактаблари ҳузурида 100-200 ўринли болалар сайёҳлик базалари ташкил этилади, — дейди Республика «Баркамол авлод» болалар мактаби мутахассиси Лола Тўхтаева. — Бу сайёҳлик базалари учун диққатга сазовор ҳудудларга саёҳатлар уюштирилади. Бундан ташқари, «Баркамол авлод» болалар мактабларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб «STEAM — таълим» (Science — табиий фанлар, Technology — технологиялар, Engineering — муҳандислик, Art — санъат, Mathematics — математика) дастури жорий этилади.

Шунингдек, муассасаларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида «Болалар технопарки», тўғарақ аъзоларининг ижодий ишлари соту-

Аммо бугунги айрим ёшларнинг ижодий қобилияти сустиги, жиллакурса, биргина хунарни мукамал билмаслиги ҳамда кўпчилигининг давлат муассасаларидаги бу каби тўғарақлар, қўшимча дарсларга боришдан кўра, хусусий ўқув марказларига қатнашни маъқул кўраётганидан тизим самарадорлигини ижобий баҳолаб бўлмайди.

йилга қадар 50 фоиз олий маълумотли мутахассислар билан тўлдириш режалаштирилган.

Янги тузилма эскисидан нимаси билан фарқ қилади?

Албатта, фақатгина тузилманинг номини ўзгартириш билан барча муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Кадрларни кучайтириш ёки моддий-техник базани мустахкамлашнинг ўзи «Баркамол авлод» болалар мактабларининг фаолият самарадорлигини кескин ошириш учун етарли эмас. Шу маънода тармоққа ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, замонавий компьютер технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда янги инновацион лойиҳаларни татбиқ этиш зарур. Бу йўлда эса юқоридоги қарорда белгиланган вазифалар дастуриламам бўлиб хизмат қилади.

— Президент қарорига мувофиқ, 2020-2023 йилларда Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тизимли равишда болалар

вини йўлга қўйиш мақсадида «Art shop» электрон дўконларининг ташкил этилиши ҳамда сармоядорлар кўмағида таълим лабораторияси, робот дунёси ва турли ижодкорлик йўналишларини қамраб олган «Kids makop» бизнес лойиҳалари соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшади. Саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, «Баркамол авлод» болалар мактабларига 2024 йилгача республикамиздаги мактаб ёшидаги болаларнинг 10,5 фоизини қамраб олиш режалаштирилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшлар масаласи бу келажак, давлат ва жамиятнинг эртаси билан боғлиқдир. Шу боис ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш ва замон талабларидан келиб чиқиб, доимий равишда ислох қилиб бориш зарур. Зеро, юрт тараққиётини Ватанга садоқатли, интеллектуал салоҳияти юқори, етук кадрлар белгилаб беради.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»



гараклар, қўшимча дарсларга боришдан кўра, хусусий ўқув марказларига қатнашни маъқул кўраётганидан тизим самарадорлигини ижобий баҳолаб бўлмайди. Соҳага етарлича эътибор қаратилмагани ойдinлашади.

Тахлиллар асосида биргина «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолиятига эътибор қаратадиган бўлсак, республикамиздаги 200 дан ортиқ бундай муассасалар мактаб ёшидаги атиги 2 фоиз ёшларни


— дейди пойтахтлик Дилдора Махмараймова. — Аммо қизим бир-икки кундан сўнг тўғарақ раҳбарининг билимидан кўнгли тўлмаганини айтди ва қандай қилиб бўлса-да, репетиторга бориш учун пул топиб беришимизни сўради. Фарзандимнинг хусусий ўқув марказидаги ўқитувчиларининг дарс ўтиш жараёнини кўп бор кузатганман. Шу боис тўғарақ раҳбарининг дарс ўтишини кўриб, репетиторнинг ундан анча малакали эканига ўзим

Умумий ўрта таълим мактабларидаги олий маълумотли ўқитувчилар 90 фоиздан оширилади.

Куй-қўшиқ, рақс, бир сўз билан айтганда, санъат — кўнгил эҳтиёжи, инсонга маънавий озуқа беради. Шу сабаб, ҳаётимизни куй-қўшиқсиз тасаввур эта олмаймиз, қалбимиз ҳамиша унга талпинади. Сокин ва оромбахш сеҳрли наво ўзида ишққа йўғрилган қалб дарди, юрт мадҳи, инсоний туйғуларни жамлаган. Эгу ишларга ундовчи бундай жонбахш қўшиқларни тинглаган сари тинглагинг келади.

Равшан КОМИЛОВ:

«МУМТОЗ ҚЎШИҚЛАР — МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ АСОСИ»



ВАТАН ҲАҚИДА АЙТИЛГАН ҲАР БИР ҚЎШИҚ ЭНГ ЯХШИ БЎЛИШГА ЛОЙИҚ. ЧУНКИ БУНДАЙ ҚЎШИҚ ШУНЧАКИ КУЙЛАНМАЙДИ

Санъат оламида узок йиллар мухлислар олқишига эришиб, яхши қўшиқлар яратиш ҳар кимга ҳам насиб этвермайдди. Бунинг учун тинимсиз изланиш, машаққатларда товланиш талаб этилади. Сухбатдошимиз «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» Равшан Комилов ана шундай санъаткорлардан.

— Сизнингча, Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши қўшиқ қайси?

— Ватан ҳақида айтилган ҳар бир қўшиқ энг яхши бўлишга лойиқ. Чунки, унинг ҳар бир сатри юракдан чиқади, шунчаки куйланмайдди. Шу боис энг гўзал ва дилбар қўшиқлар Ватан ҳақида айтилган қўшиқлардир. Энди уларнинг ичидан энг яхшисини алоҳида кўрсатиш керак бўлса, юртимиз мадҳиясини айтган бўлардим.

— Агар хонанда куйлаётган дардни юракдан ҳис қилмаса, уни тингловчига етказиб бера олмайди. Шу фикрга қўшиласизми?

— Албатта, қўшиламан. Кўп қўшиқларим шахсий ҳаётимдан келиб чиқиб яратилган. Кўпини бошимдан кечирганман. Мисол учун, «Одам бўлайлик» қўшиғим мана шу тарзда яралган. Ҳаётда ишонувчанман. Бундан эса айримлар фойдаланган, ишонган кишиларим алдаб

кетган. Шу сабаб юқоридаги қўшиқни яратганман. Бу аслида яхлит бир шеър асосида куйланмаган. Порсо Ҳошим исми шоирнинг тўртликларида иборат сайланмасидан мавзуга мос сатрларни саралаб олганман. Кейин уларни бир тизимга солиб куйлаганман. Ёки «Нолима» номли қўшиғим ҳам ҳаётий кузатувларим асосида яралган. Ўғли йўқ одамлар фақат киз фарзанд туғилишидан нолиганига кўп гувоҳ бўлганман. Шундан келиб чиқиб, шоир Мирзо Карим билан ҳамкорликда «Нолима» қўшиғи яратилган.

— Классик ашулалар ҳам мафкуравий иммунитет, дейишади. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Мумтоз қўшиқда чуқур маъно бор. Агар уни юракдан тинглаб, мағзини чақсангиз, бир инсон тақдирини ўзгартира олишга қодир пандлар жо бўлган. Бундай қўшиқларни ҳар ким ҳам куйлай олмайди. Ундаги дардли нолаларни ҳис эта олиш учун ҳам юрак керак. Шу боис классик қўшиқлар — тарбия воситасидир.

— Яхши ва ёмон одамни фарқлай олиш учун қатта ҳаётий тажриба керак, дейишади. Сиз ўзингизни шундай даражага етдим, деб ҳисоблайсизми?

— Болалиқдан ота-онам ҳа-

долликка ўргатишган. Балки оиладаги ана шу тарбия таъсири, ўта ишонувчанман. Кўп бор алданганман. Ҳаёт — мисоли бир мактаб экан. Мана энди ёшимиз улғайгач, ана шу хатолардан тўғри хулоса чиқара оламман. Донолар инсон 40 ёшгача алдангани мумкин, агар 40 ёшдан кейин ҳам алданса, айб ўзида, дейишган. Шу сабабли кейинги пайтда жуда эҳтиёткор бўлиб қолганман. Назаримда, яхши одам билан ёмонини фарқлай оладиган ҳаётий тажрибага эга бўлдим, шекилли.

— Ўзингизни санъатдан ташқари яна қайси соҳада тасаввур қиласиз?

— Йигит кишига қирқ хунаро оз, деганларидек, фақат қўшиқчилик, санъатга боғланиб қолмаганман. Болалиқдан суягим меҳнатга қотган. Ҳамма соҳага кизиқман. Қурилишда, бизнесда ҳам фаолият олиб бораман.

— Аёл ҳамкасбларингизнинг саҳна ва иктомий тармоқларда очик-сочик либосларда намоён бўлаётганига муносабатингиз?

— Аслида гийбатни ёқтирмайман. Фикримча, ўзбек аёллари меъёрида кийиниши керак. Санъат оламида очик-сочик либос билан саҳнага чикувчи аёл хонандалар ҳам йўқ эмас. Ўзининг клипларимда ҳам шундай вазиятлар бўлган. Танкилардан хулоса чиқариб, хатойимни тўғрилаганман.

— Болалигингиз ўтган муҳит, маҳаллангиз ҳақида гапириб берсангиз. Улғайиб, шахс сифатида камолга етишингизда маҳалланing ўрни қандай?

— Болалигим Чилонзор туманидаги «Бешқўрғон» маҳалласида ўтган. Ҳозирги «Ипподром» бозори ўрни авваллари кенг дала бўларди. Шу ерда улғайганман. Ота-онам биз, фарзандлар тарбиясига жиддий қарашган. Улар мени қўшиқчи бўлади, дейишарди. Бунинг учун алоҳида бир шароит яратиб беришмаган. Ўша давр болалари каби оила

юмушларида қатнашардим. Мусика мактабига қатнаб, қўшиқчиликнинг илк сабоқларини олганман. Ота-онам раҳбар лавозимида ишласа-да, меҳнатдан бўйин товлашмаган. Дам олиш кунлари деҳқончилик билан шуғулланардик. Бу оилага қўшимча даромад эди. Уйимизда ҳалол ва ҳаром, мардлик ва хиёнат, қадр ва бекадрлик каби қарама-қарши тушунчаларни англаш учун яхши муҳит шакланган эди. Болалигим адабиёт ва санъатга ҳамоҳанг тарзда ўтган. Мумтоз қўшиқларни, макомларни эпштиб улғайдим. Қўшиқчиликдаги илк чиқишим маҳалла саҳнасида бошланган. Ҳозир ҳам шу маҳаллада яшайман. Қўлдан келганича, маҳалламизга ёрдам беришга интиламан. Ундай қилганман, бундай қилганман, десам, миннат бўлиб қолади. Яхши-ёмон тадбирларда, тўймаъракаларда доимо биргаман. Уйимиз 270-мактаб спорт майдони ёнида жойлашгани учун бўш вақтимда футбол, волейбол, баскетбол, стол теннис билан шуғулланганман. 8-синфда стол теннис буйича ўтказилган муСОБАҚАДА совриндор бўлганман.

— Бугунги миллий қўшиқчиликдаги муаммолар ҳақида тўхталсангиз. Ўзбек қўшиқчилигини ривожлантириш учун яна нималар етишмаяпти?

— Ўзбек қўшиқчилик санъатидаги миллий руҳни сақлаб қолиш керак. Чунки бугун эстрада хонандалари томонидан шоу-бизнес оламида тезроқ танилиш ва оммалаштиш учун ғарбона усулларга тақлид қилиш кучаймоқда. Мисол учун, клип олишда бу яққол сезилмоқда. Аслида санъат, аввало, инсонни тарбиялаши, тўғри йўлга бошлаши лозим. Клиплар, санъаткорларнинг саҳнада ўзини тугитиши, қўшиқ матни бу борада муҳим вазифани бажаради. Афсуски, баъзилар бунинг ўз вақтида англаб етмай, ёш авлоднинг келажагини захарлаб қўяётганини билмаяпти. Кейинги долзарб муаммо жонли ижронинг қамайиб кетганидир.

Деярли аксарият концертлар фонограмма орқали ўтади. Яна бир оғрикли нукта — чет эл мусикаларини ўғирлаб куйлашдир. Шунингдек, ёш хонандаларни қўллаб-қувватлаш учун телевидение ва радиола улар учун имтиёзли намоиш вақтлари ажратиш керак. Қолаверса, миллий мумтоз қўшиқларимиздан иборат мусикий кўрсатувларни ҳам мунтазам намоиш этиб бориш лозим. Давлат телеканаллари шу туркумда кўрсатувлар бериб бормоқда. Аммо нодавлат телеканалларда сезиларли ўзгариш кузатишмаяпти. Кейин қўшиқларни саралаб эфирга бериш керак. Енгил-елли қўшиқлар санъатни ўлдирди, эшитувчининг савиясини тушириб юборади.

— Дунёдаги энг зўр қўшиқ?

— Шу пайтгача онам айтган алладан аъло қўшиқ топа олмадим.

— Айрим қўшиқларингиз зўрма-зўраки яратилгандек. Мисол учун, «Тўй бола»ни худдики, суннат тўйга мослаб куйлагандексиз.

— Ижодимда мавзули қўшиқлар кўп. «Тўй бола», етим бола тилидан «Она» қўшиғи, «Келин-куёв», «Тўйлар муборак», «Байрам муборак», «Туғилган кун» каби тематик қўшиқларим ўз мухлисларига эга. Бу қўшиқларни зўрма-зўраки эмас, балки мухлислар талабидан келиб чиқиб куйлаганман. Шу боис «Тўй бола» қўшиғини суннат тўйларида қайта-қайта сўрашади. Ёки 8 март байрамида «Муқаддас аёл» қўшиғимни талаб қилишади.

— Ёш хонандаларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

— Ёш хонандаларга кўпроқ ўқини тавсия қиламан. Шеър танлашда бу сезилади. Билимли хонандалар яхши шеър танлай олади.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
субхатлашди.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Равшан Комилов 1964 йил 26 октябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган. Болалиқдан санъатга қизиққан. Аввал мусика мактабига, сўнг Маданият техникумида ўқиган. Тошкент давлат педагогика институтининг мусика факультетида олий маълумот олган. Илк ижодини 1987 йилда институт саҳнасида бошлади. Хонанданинг «Одам бўлайлик», «Қараб қўй», «Танго», «Юришинг ёқади», «Озодани севаман» номли қўшиқлари мухлислар томонидан яхши кутиб олинган. 1991 йилда «Қамолот» кўрик-танлови ғолиби, 1994 йилда «Улуғбек» мукофоти лауреати, 2000 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлган.

АҚШда Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи инглиз тилида нашр этилди.

Биз болаликдан югуриб, сакраб, футбол ўйнаб вақт ўтказганмиз. Йиллар ўтиши билан эса бундай фаол турмуш тарзи аста-секин сустлашиб бориб, қарабсизки, танамизнинг турли аъзоларида оғриқлар пайдо бўла бошлайди. Баъзан уларга эътибор ҳам қаратмаймиз. Аслида эса бунинг жиддий касаллик аломати эканини кеч тушуниб етамиз.

АРТРОЗНИ АРИТИШНИНГ ИМКОНИ БОРМИ?

АГАР У ЭРТА БОСҚИЧЛАРДА
ДАВОЛАНМАСА, ҲАТТО НОГИРОНЛИККА
ҲАМ ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

Шундай хасталиклардан бири саналган артроз — дунё миқёсида кенг тарқалган. У бўғимларнинг сурункали касаллиги бўлиб, моддалар алмашинуви ва ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши, бўғимларнинг шикастланиши, камҳаракатлилик интоксикация ҳамда инфекция касалликлар оқибатида келиб чиқади. Шунингдек, тана вазнининг ортиши туфайли бўғимларга ортикча оғирлик тушиши, сунъий дори-дармонларни кўп қабул қилиш, нотўғри овқатланиш, қалқонсимон без хасталиклар, шамоллашни тик оёқда ўтказиш кабилар ҳам бўғим яллиғланишига олиб келиши мумкин. Статистик маълумотларга кўра, ер юзидagi 15-20 фоиз аҳоли ушбу дарддан азият чекади. Айниқса, куз-киш мавсумида артроздан шикоят қиладиганлар сони ортар экан.

Аёлларни кўпроқ безовта қилади

Бўғим касалликлари орасида артрозга чалиниш кўрсаткичи 80 фоизни ташкил этади. Хасталик ўрта ва кекса ёшлиларни кўпроқ безовта қилади. Бунинг сабабини эса маълум маънода улардаги камҳаракатлилик билан изоҳлаш мумкин. Ёшлар ўртасида эса бу хасталик бўғимларнинг жароҳат олиши, шамоллаш ва таянч ҳаракат аъзоларининг туғма нуқсонларидагина кузатилади. Аёллар эркакларга нисбатан касаллик билан икки марта кўпроқ оғрийди. Шу билан бирга, ирсий мойиллиги бўлган кишиларнинг ҳам артрозга чалиниш эҳтимоли бошқаларга нисбатан анча юқори.

Артрозни маълум маънода касб касалликлари каторига ҳам киритиш мумкин. Боиси бўғимларга зўриқиш тушадиган соҳаларда фаолият юритадиганлар, масалан, спортчи ёки раққосаларда бу хасталик билан оғриш кўрсаткичлари анча баланд.



ДАРВОҚЕ...

Инсон танаси 206 та суяқдан иборат бўлиб, унинг 26 тасини оёқ ва 54 тасини қўл суяқлари ташкил этади. Суяқлар жинсий етуқликка қадар ўсади, бироқ тўқималарнинг таркиби ва зичлиги ўзгаради. Бу турмуш шароитимиз ва истеъмол қиладиган маҳсулотларимизга боғлиқ.

Тоғай юзасида емирилиш бошланади

Артрозда бўғим атрофи микроциркуляцияси бузилиб, қон айланиши секинлашади. Озука етишмовчилиги туфайли эса тоғай юзасида емирилиш бошланади. Касаллик одатда бир бўғимнинг шикастланишидан бошланиб, кейинчалик бу ҳолат бошқа бўғимларда ҳам кузатилиши мумкин. Дастлаб бемор сезилар-сезилмас оғриқларни хис қила бошлайди. Узок вақт ҳаракат қилинмаганда ўқтин-ўқтин кучсиз оғриқ пайдо бўлади. Бу безовталики озгина юргандан сўнг ўтиб кетади. Кейинчалик ҳаракат қилиш давом эттирилишига қарамай, касаллик зўрайиб,


оғриқ доимий тус олади. Бўғимлар бироз шишади, босиб кўрилганда оғрийди. Букиш ёки ёзиш вақтида кирсиллаган товуш эшитилади. Кўпинча бўғимлар шакли ўзгариб, уларнинг бириккан ерида суюқлик ййғилиши мумкин. Артрозга кўпроқ тананинг пастки ярмидаги чанок-сон (коккартроз) ҳамда тизза бўғимлари (гонартроз) чалинади.

Касаллик одатда кечкурун ва эрталаб безовта қилади. Тинч ҳолатдан кескин ҳаракатланганда ноқулайлик туғилади. Айниқса, зинадан юқорига кўтарилаётганда оғриқ яққол сезилади.

Умуртқа пағонаси артрози ҳаракатни чеклайди

Олиб борилган кузатув натижаларига кўра, артрознинг кенг тарқалган тури тос суяги билан сон суягини туташтирган бўғим коккартрози ҳисобланади. Унинг учраш кўрсаткичлари қирқ ёшдан ошган эркак ва аёлларда тенг бўлса-да, аёллар касалликини оғирроқ бошдан кечиришади. Артроз тананинг фақат бир томонидаги бўғимлар зарарланганида турида бемор юрсанда бир томонга эгилиб, оқсоқланиш кузатилади.

Ундан кейинги ўринда эса тизза бўғим артрози туради. Уни юзага келтирувчи сабаблар эса веналарнинг варикоэ кенгайиши ва ортикча вазидир. Гонартрозда тананинг икки томони ҳам бирдай зарарланади.



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, артроз касаллигига бўлганлар орасида 2 фоизни, 45-64 ёшгача бўлганлар ўртасида 30 фоизни ва 65 ёшдан катталарда 85 фоизни ташкил этади.

лекин оғриқ синдроми фақат бир томонда кузатилади.

Умуртқа поғонаси артрози эса ҳаракатни чеклаб қўйиши билан жиддий саналади. Рентген текшируви натижасига кўра, артрозга чалинган умуртқа бамбук таёқчасига ўхшаш кўринишда бўлади.

Қўл билан ва бармоқларидаги артроз одатда у қадар аҳамиятли эмасдек туюлади. Аммо улар ҳам ўз вақтида даволанмаса, сурункали тус олиб, оғриқ тобора зўрайиб кетиши мумкин. Касаллиқнинг илк босқичларида бош ва учинчи бармоқ пайпаслаб кўрилганда оғриқ сезилади. Унинг шаклланиши даврида бемор санчик, энгил ачишишга ўхшаш сезиларни туйиши мумкин. Тор пойабзал кийиш эса оёқ панжаси бўғимлари артрозига сабаб бўлиши мумкин.

Даволашда қандай усуллар қўлланади?

Агар бемор касаллиқнинг эрта босқичларида тиббиёт ходимида муружаат қилса, даволаш осон ва самарали кечади. Шифокор унинг умумий аҳоли ва шикоятларидан келиб чиқиб, рентген текшируви, қон ва гистологик таҳлиллар ўтказиши мумкин. Аниқланган ҳулосаларга кўра, зарур муолажа тури танланади. Хусусан, физиотерапевтик муолажа — суяқлар, бўғим атрофи тўқималаридаги турли моддалар циркуляциясига ижобий таъсир кўрсатади. Микротўқинли терапия — тўқинлар артроз билан зарарланган организмга анча чуқур кириб боради ва беморга ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, артрозни даволашда электрофорез, локал баротерапия, метаболик терапия каби усуллар ҳам кенг

қўлланади. Зарур ҳолатларда жаррохлик амалиёти ўтказиши мумкин.

Шунингдек, хасталикни бартафарф этишда танадаги моддалар алмашинувини тартибга солиш ва зарарланган бўғимнинг зўриқиши камайитишига алоҳида эътибор қаратилади. Беморга даволангандан кейин

ҳам оғир юк кўтариш, танани зўриқтириш, ортикча жисмоний меҳнат қилиш мумкин эмас. Шамоллаганда ҳам уни тезда ва асоратларсиз даволашга аҳамият қаратиш тавсия этилади.

Асоратлари жиддийми?

Статистик кўрсаткичлардан маълум бўлишича, 60 ёшдан кейин ҳар икки одамнинг биртаси таянч-ҳаракат аъзолари касалликларидан азият чекади. Улар каторида артроз олдинги ўринларда туради. Агар у эрта босқичларда даволанмаса, ҳатто ногиронликка ҳам олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳар биримиз касалликка чалинишдан ўзимизни химоя қилишимиз зарур. Бунинг учун биринчи навбатда, фойдали элементларга бой бўлган маҳсулотлар истеъмол қилиш тавсия этилади. Тана вазнининг ошиб кетмаслигига алоҳида эътибор қаратиш керак. Мунтазам равишда бадантарбия машқларини бажариш, танани чиниктириш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Табиий ҳолатда танани тайёрланган қулай оёқ кийим кийишга алоҳида эътибор қаратинг. Ўтириб ишлайдиган ходимлар эса ўзи учун қулай мебель танлаши керак. Кун бўйи тик туриб ишлайдиганлар уйқудан аввал оёқларини юқорига кўтариб туриш машқларини бажариши мақсадга мувофиқ бўлади.

Анвар АБДУРАСУЛОВ,
Республика
ихтисослаштирилган
травматология ва ортопедия
илмий-амалий тиббиёт
маркази травматолог, олий
тоифали врач.

Тошкентнинг айрим туманларида ҳаво таркибидаги зарарли моддалар меъёрдан ошган.

Баъзан ўзимизни жуда ҳолсиз ҳис қиламиз, тез-тез уйқу босади. Бошимиз оғриб, қўл-оёқларимизда увишиш сезилади. Бу аломатларга кимдир эътибор берса, яна биров аҳамият қаратмайди. Аслида танамизда рўй бераётган ҳар қандай ўзгаришнинг бирор жиддий сабаби борлигини ёддан чиқармаслик керак. Юқорида санаб ўтилган аломатлар эса кўпинча қон қуюқлашганидан дарак беради. Бу саломатлигимиз учун хатарли ҳолатлардан биридир.

ҚОН ҚУЮҚЛИГИ САЛОМАТЛИК УЧУН ХАВФЛИ

ҚОН ҲУЖАЙРАЛАРНИ КИСЛОРОД ВА ОЗИҚ
МОДДАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ, ТАНАМИЗНИ
ИНФЕКЦИЯЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛАДИ



Файзулла МУСТАФОҚУЛОВ,
Тошкент тиббиёт академияси
доценти, тиббиёт фанлари
номзоди, олий тоифали
хирург-гематолог.

Инсон танасидаги ҳужайраларнинг меъёрида ишлаши томирлардаги қоннинг оқувчанлигига боғлиқ. У барча аъзоларни кислород ҳамда фойдали моддалар билан таъминлайди. Моддалар алмашинувида ортган чикнидларни ташқарига ҳайдашга ёрдам беради. Агар қон қуюқлашса, томирларда оқиши секинлашади ҳамда тўқималарга керакли озуклар етиб бормайди. Оқибатда ҳар хил касалликлар безовта қила бошлайди. Қолаверса, қуюқ қонни ҳайлашдан юрак ҳам аста-секин чарчайди.

Ортиқча моддалар қон таркибига таъсир кўрсатади


Тадқиқотларда аниқланишича, қон қуюқлашишига олиб келувчи асосий сабаблардан бири кам сув ичиш экан. Бу қабзиятга, кам пешобга чиқишга олиб келади. Натижада ортиқча моддалар қонга сўрилиб, унинг таркибига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, жигар фаолиятининг бузилиши, авитаминоз ва вирусли касалликлар, доридармонларни нотўғри ишлатиш ҳам қон таркибидagi ўзгаришларга олиб келади. Холестерин миқдорининг ошиши, меъда ости беги функциясининг бузилиши, овқат ҳазм қилиш тизимидаги бошқа сурункали хасталиклар, турли замбуруғ ва бактериялар, кучли зўриқиш, тушукун кайфият ва сиқилиш, камҳаракатлилик, ифлосланган ҳаво ва ўта иссиқ иқлим ҳамда салбий одаглар (чеккиш, спиртли ичимликлар ичиш) — булар барчаси қон қуюқлигига сабаб бўлувчи омиллар саналади. Шунингдек, юрак-қон томир касалликларидан қон оқимининг сусайиши унинг тана аъзолари бўйлаб секин ҳаракат қилишига сабаб бўлади. Таркибида кўп шакар сақлайдиган қандолат маҳсулотлари, дудланган егуликлар, ёғли гўшт маҳсулотлари, тузламалар, газли ичимликлар ва картошкани меъёридан ортиқ истеъмол қилиш ҳам қоннинг тана бўйлаб меъёрида айланишига таъсир кўрсатади.


МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Табий ва безарар тарзда қонни суюлтириш учун қуйидаги маҳсулотларни таомнома таркибига киритиш тавсия этилади:

 **Пиёз** — тромбларни эритишда ёрдам беради.

 **Балиқ** — статистик маълумотларга қараганда, ҳар куни бир бўлак истеъмол қилинса юрак инфарктига учраш хавфи икки марта камаяди. Ёғли балиқ ёки балиқ ёғи, тоза ҳолатида кучли антиробмотик кучга эга. У тромбоцитларнинг бир-бирига ёпишмаслигини таъминлайди.

 **Зайтун ёғи** — қон таначаларининг бир-бирига ёпишига халақит беради.

 **Сабзавотлар** — тромбларнинг душмани ҳисобланади. Янги сабзавотлар ва мевалар таркибида витамин С кўп. Улар тромбоцитларнинг бир-бирига ёпишига йўл қўймайди.

 Шунингдек, гўшт (ёғсиз мол, товук, курка гўшти), зирavorлар (занжабил, долчин, ялпиз), сабзавотлар (помидор, брокколи, исмамоқ, саримсоқ, лавлаги, бодринг), мевалар (узум, грейпфрут, ананас, анор, олма, гилос, анор, анжир, тут), барча турдаги ёнғоқлар, кўкчой ва мева шарбатлари ҳамда майиз, туршак, олхўри қоқиси каби маҳсулотлар ҳам қонни суюлтиришга ёрдам беради.

Айниқса, бу ҳолат қандли диабет, гепатит, онкологик ва юрак касалликларидан, хирургик давода, инфекциядан касалликларда янада кучайиши мумкин. Бунда ёш билан боғлиқ ўзгаришлар ва ирсий мойиллик ҳам аҳамиятга эга.

Кўпинча ҳомилдорларда ҳам қон қуюқлашиши кузатилади. Шу йўл билан организм ўзини кўп қон йўқотишдан ҳимоя қилади. Лекин бу тромбоз ёки варикоз каби жиддий асоратларга ҳам олиб келиши мумкин. Агар бемор юқоридаги омиллар билан бирга ортиқча тана вазнига ҳам эга бўлса, муаммо эҳтимоли янада ортади.

Ҳозирги вақтда бу ҳолат ҳатто кичик ёшдаги болаларда ҳам учрамоқда. Шу боис инфаркт, қон босимининг ошиши, инсулт ва юрак хасталиклари эрта ёшларда учраётганини кайд этиш мумкин.




Кўриш ва эшитиш қобилиятини сусайтиради

Қуюқ қон ҳужайраларга кислород ва озиқ моддаларни керакли миқдорда етказиб бера олмайди, натижада зарарли газлар танада сақланиб тураверади. Бунинг оқибатида яширин касалликлар юзага чиқиши ва янгилари пайдо бўлиши мумкин. Қуюқ қон томирларда бир маромда оқмаслиги туфайли умумий ҳолсизлик, тез чарчаш, уйқучанлик, тез-тез бош оғриши, қўл ва оёқлар совуқ бўлиши, жимирлаши, париншонхотирлик, депрессия, оғиз қуриши каби аломатлар сезилади. Булардан ташқари, юрак тез уриши, нафас кишиши, онг қарахтлиги, тери ранги ўзгариши, хотира пасайиши каби ҳам кузатилади. Мияга қон яхши етиб бормаса, бош айланиши, ҳушдан кетиш ҳам содир бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Қон танамиз меъёрий фаолият юртишида асосий восита эканини ҳисобга олсак, унинг тузилишига ўзгариш кўпгина жиддий касалликларга олиб келиши аниқ. Кўриш ва эшитиш қобилиятининг сусайишига ҳам қоннинг томирларда қийин айланиши, тана аъзоларини етарли даражада озиклантира олмаётгани таъсир кўрсатади. Бу белгилар кўпинча кўз ёшлилиши, қулоқда қандайдир шовқинлар эшитилиши билан намоеъ бўлади. Бундан ташқари, қон қуюқлиги қон босими кўтарилишига, тромб ҳосил бўлишига, кейинчалик инфаркт ва инсултга олиб келиши ҳам мумкин.

Лекин қон қуюқлашиши баъзида



ДАРВОҚЕ...

Инсон қонидаги лейкоцитлар бир қатор қилиб терилса, узунлиги 525 километр, тромбоцитлар – 2500 километр (Париждан Москвагача бўлган масофагача), эритроцитлар эса 175 000 километр яъни ер шарини 4 марта айлантиришга етиши мумкин.

ҳеч қандай белгиларсиз кечади. Бунга фақатгина таҳлил натижаларига кўра аниқлик киритса бўлади. Шу боис йилда икки марта қоннинг умумий таҳлили, қон ивиш даражаси ҳамда қон томирлар ҳолатини текширтириб туришининг аҳамияти катта.

Таомномага эътиборли бўлинг!

Қон қуюқлигини бартараф этишда шифокорлар кўпроқ суюқлик ичишни тавсия этишади. Соғлом одам учун сувнинг қунлик меъёри 2 литрни ташқил этади. Қолаверса, беморлар махсус овқатланиш тартибига амал қилиши ва салбий одаглардан фориғ бўлиши, фаол жисмоний ҳаракат билан шугулланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Имкон қадар кўпроқ пиёда юриш ва эрталабки бадантарбия ҳам яхши самара беради.

Бирор хасталик ва организмдаги салбий ҳолатларни бартараф этишда овқатланишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Худди шундай, қонни суюлтиришда ҳам истеъмол қиладиган маҳсулотларимизга кўп нарсга боғлиқ. Қовурилган таомлар қон қуюқлишига олиб келгани учун, асосан, димлаб, қайнатиб ва бугда тайёрланган егуликларни тановул қилиш мақсадга мувофиқ.

Тошкент шаҳридаги барча шошилинч хизматлар учун ягона тизим жорий этилади.

Сабр қилиш

ЯХШИЛИК ТОПАСИЗ

Аллоҳ таоло бандаларини гуноҳлардан поклаш ёки даражасини кўтариш учун турли қийинчиликлар бериб синайди. Шариатимизда мусибатга учраган киши нималар қилиши ҳақида очиқ-ойдин баён этилган.

Сабрли бўлиш. Оғир пайтда сабрли бўлиш Аллоҳнинг амри бўлиб, ким унга амал қилса кўп савобга эришади. Қуръони каримда марҳамат қилинади: «Эй, ўғилчам! Намозин баркамол адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балолар)га сабр қил! Албатта, мана шу пухта ишлардир» (Луқмон, 17-оят).

Бирор мусибат етганда бақир-чақир қилиб, кўлидан ҳеч нарса келмаслигини билгач: «Сабр қилишдан бошқа иложимиз йўқ экан», дейиш ҳақиқий сабр эмас. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам қабр олдида йиғлаётган бир аёлнинг ёнида ўтаётганда: «Аллоҳдан кўрқин ва сабр қил», дедилар. Аёл у зот алайҳиссаломни танимасдан: «Мендан узок бўлинг, чунки сизга менинг мусибатим етмаган», – деди. Халиги аёлга: «У киши Набий соллаллоху алайҳи ва саллам эдилар», – дейишди. Кейин аёл Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг эшигига келди ва унинг олдида эшик қоровулларини топмади, сўнгра: «Сизни танимабман», – деди. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Албатта сабр аввалги зарба бўлган пайтдадир», – дедилар» (Муттафақун алайҳ).

Ношаръий ишлардан тийилинг

Бошига ғам тушган киши дод-вой қилиш, кийими ёки сочларини юлиш, ношукрлик ёки маломат қилиш, одамларга шикоят қилиш, ўзига ўлим тилаш, ўта қаттиқ сикилиш каби ношаръий ишларни қилиш орқали Аллоҳнинг ғазабини келтириб қўйишдан сақланиши керак. Бундай номақбул ишлар инсонга фойда бермайди, балки унгоҳ ва зарар келтиради.

Хайрли дуолар қилинг

Мусибатга учраган киши чин ихлос билан «инна лиллаҳи ва инна илайҳи роҷиъун» («Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз Унинг хузурига қайтувчиларимиз») деб истиржов айтса, Аллоҳнинг раҳмати ва мағфиратига сазовор бўлади. Қуръони каримда бундай марҳамат қилинди: «Уларга мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз Унинг хузурига қайтувчиларимиз», – дедилар. Айнан ўшаларга Парвардигорлари томонидан салавот (мағфират) ва раҳмат бордир ва айнан улар, хидоят топувчилардир» (Бақара сураси, 156-157-оятлар). Мусибат етган киши хайрли



дуолар қилса Аллоҳ таоло ўша мусибат ўрнига яхши нарса ато қилади. Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади: «Мен Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деяётганларини эшитдим: «Кимга бирор мусибат етдиган бўлса, у «инна лиллаҳи ва инна илайҳи роҷиъун, Аллоҳуммажжурний фий мусибатий ва ахлиф лий хойрон минҳа» (Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, Аллоҳга қайтувчиларимиз. Эй, Аллоҳим! Менинг мусибатимда менга ажр бергин ва менга ундан яхшисини ўринбосар қилиб бергин) деб айтадиган бўлса, Аллоҳ таоло унинг мусибатида унга ажр беради ва унга ундан яхшисини ўринбосар қилиб беради».

Абу Салама вафот этган пайтда, Умму Салама: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг соҳиб бўлган Абу Саламадан яхшироқ ким ҳам бор», деди-да: «Сўнгра, Аллоҳ

таоло менга шуни (унинг ўлимини) қарор қилди, шунда, мен бундан айтдим: (инна лиллаҳи ва инна илайҳи роҷиъун) Аллоҳуммажжурний фий мусибатий ва ахлиф лий хойрон минҳа, сўнгра, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламга турмушга чиқдим», деб айтди (Имом Муслим ва Ибн Можа ривояти). Демак, кимга мусибат етдиган бўлса, чин ихлос билан ушбу дуони айтадиган бўлса, Аллоҳ таоло унга ундан ҳам яхшироғини насиб қилар экан.

Яна бошқа ҳадиси шарифда куйидаги дуони ўқиш орқали мусибат кетиши айтилади. Асмо бинти Умайс розияллоху анҳодан ривоят қилинади: «Мен Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деяётганларини шу икки қулугим билан эшитдим: «Кимга қайғу ёки ғам ёки касаллик ёки фалокат етганда: «Аллоху Роббий, ла шарийка лаху» (Аллоҳ менинг Роббим, Унинг шериги йўқ), деб айтса, ўша ундан кетказилади» (Имом Табароний ривояти).

Мулоҳаза қилинг

Аллоҳ таоло инсонга тафаккур қилиш учун ақл неъматини берган. Мусибатга учраган киши соғлом ақл қийинчиликка чиройли сабр қилади ва бунинг ҳикмати ҳақида фикр-мулоҳаза қилади. Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ҳикматли сўз мўминнинг йўқотиб қўйилганидир. Уни қаердан топса, у унга ҳақлидир», дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Ғам-қайғули киши фикр юритиб, унга берилган неъматларга шукр қилиши керак. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху: «Менга бирор мусибат келадиган бўлса ҳам, Аллоҳ таолонинг менга берган ута неъмат бор:

1. Бу мусибат динимда эмас.
2. Бундан ҳам кўра, катта-

роқ мусибатлар бўлмади-ку.

3. Аллоҳ таоло менга сабр неъматини ато қилган», дер эди.

Тақдирда борлигини эсга олинг

Мусибат Аллоҳ таолонинг тақдир эканини ҳис қилиш лозим. Зеро, дунёда бўладиган ҳар бир иш Лавҳул Махфузда ёзиб қўйилган. Бундан бошга мусибат тушганда тезда англаш ва сабр қилиш ҳар бир инсоннинг ҳам кўлидан келмайди. Шу каби ҳолатларга инсон ўзини тайёраб бориши лозим. Шунда қийинчиликларни сабр орқали осон енгиб ўтади ва ажру савобга эга бўлади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Хоҳ ерга ва хоҳ ўзларингизга бирор мусибат етса, Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳул-махфузда битилган) бўлур. Албатта, бу Аллоҳга осондир. Токи, сизлар қўлларингиздан кетган нарсатга қайғурмайсиз ва (Аллоҳ) ато этган нарса билан шодланиб (хаволаниб) ҳам кетмайсиз. Аллоҳ ҳар қандай кириб ва мактанчоқ кимсани суймагай» (Ҳадид, 22-23-оят).

Яхшилик умид қилишдир

Киши мусибатга сабр қилиб, ундан кейин келадиган хурсандчиликка умид қилиши керак. Халқимизда шу мазмундаги ажойиб мақол бор: «Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ бўлади». Қуръони каримда марҳамат қилинади: «Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир» (Шарх сураси, 5-6-оятлар).

Ушбу оятни тафсир қилган Ибн Аббос розияллоху анхумо: «Бир қийинчилик икки енгиллик устидан қолиб бўлмайди», деб айтган. Шу боис бир мусибатдан кейин иккита хурсандчилик келар экан. Бошқа оят қаримда: «У деди: «Парвардигорининг раҳматидан фақат гумроҳ кимсаларгина ноумид бўлурлар» (Ҳижр, 56-оят).

Ҳар бир мусулмон киши Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлади. Шу боис мусибатларга учраганда чиройли сабр ила хайрли дуолар билан ваъда қилинган яхшиликларни қўлга киритади.

Шокиржон МАДАМИНОВ,
«Кўкалдош» ўрта махсус ислом билим юрти мударриси.

ИБРАТ

ҚАЙТАР ДУНЁ

Отасининг ўлиmidан бир фурсат ўтиб, иш билан банд ўғил касалмаңд кекса онани қариялар уйига топширишга қарор қилди. Ўғил ора-чора онасининг ҳолидан хабар олиб турди.

Қунлар ўтди. Бир кун қариялар уйдан кўнғирок қилишди: вазият жиддий – она оғир аҳволда ётибди, ўғлига айтадиган сўнги сўзи бор экан. Ўғил зудлик билан унинг ёнига шовди. Ажал билан қурашаётган она темир қаравотда ҳолсиз тўлганар, ўғил сўнги сўзини эшитмоқ учун унинг лабларига қулоқ тутди. «Ўғлим, сендан сўнги илтимосим – қариялар уйи хоналарида кондиционерлар ўрнаттириб берсанг. Қарилк боис совуқ ва иссиқ қунларда жуда қийналдим.

Кейин, бу ерга музлаттич ҳам олиб келиб қўй – баъзида тунлар уйқум қочганида бирор нима топа олмай, оч ётиб, қийналдим.

Онанинг ўтинчидан ҳайратда қолган ўғил унга тикилиб қолди. Шунча вақтдан буён бу қийинчиликларга чидаб келиб, оғиз очмасдан, нега умр адоғида ёлвораётганини сўради. «Мен-ку, буларга чидадим, болам! Лекин сендан хавотирдаман. Кун келиб, болаларинг сени бу ерга ташлаб кетишса, сенин ҳолинг нима кечади, болажоним?!» деб жавоб қайтарди онаизор.

Одилжон НАРЗУЛЛАЕВ,
Зангиота туман Имоми Аъзам жоме маскиди имом-хатиби.

ЯҚИН ШАРҲ ЯНГИ ЗИДДИЯТЛАР ГИРДОБИДА

Эронлик ҳарбий стратег, мамлакат ташқи сиёсатининг ғоякори генерал Қосим Сулаймоний АҚШ авиазарбаси оқибатида ўлдирилди. У Эрондаги кўпчилик учун миллий қаҳрамон, АҚШ учун эса ёвузлик тимсоли. Айнан у Россия президенти Владимир Путинни Суриядаги можарога аралаштиришга ишонтиргани айтилади.



Пентагон бу авиазарба Эроннинг келгусидаги ҳужумларининг олдини олиш учун амалга оширилганини билдирди. Аммо аслида бу ҳужум тез орада бутунлай акс таъсир кўрсатади. Америкалик сенатор Крис Мерфи Сулаймонийнинг йўқ қилиниши томонлар ўртасидаги зиддият янада кенг кўламли авж олиши мумкинлиги ҳақида гапирди. Унинг ҳисоблашича, эронлик генерал АҚШнинг душмани бўлгани аниқ, аммо бундай қарор янада кўпроқ америкаликлар ўлимига олиб келиши мумкин. «Савол бошқа жойда: Америка ҳукумати Эроннинг иккинчи шахсини конгресс руҳсатисиз йўқ қилиши орқали кенг миқёсдаги минтақавий урушни бошлаш учун сабаб келтириб чиқариши мумкин».

Сулаймоний ким эди?

Сулаймоний Эроннинг Яқин Шарқдаги таъсир доираси кенгайишида муҳим роль ўйнаган ва бу ҳудудда ўз таъсирини кенгайтиришга уринадиган бошқа давлатлар – АҚШ, Саудия Арабистони ҳамда Исроилга тўққинчилик қилиб келган. У Сурия ва Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларда муҳим ролни ўйнаган. Хусусан, унинг бўлинимаси 2011 йилда Сурияда бошланган фуқаролик урушида Башар Асад томонида туриб жанг қилган, шунингдек, Сурия ва Ироқдаги шиаларга ИШИДга қарши туришида кўмак бериб келган.

Бундан ташқари, у Ливандаги «Ҳизбуллоҳ» ҳаракати ва Фаластиндаги жангари гуруҳлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. 2019 йилнинг апрель ойида АҚШ Давлат котиби Майк Помпео Эрон Ислом инқилоби кўриқчилари корпуси ҳамда унинг таркибидagi «Ал-Қудс» бўлинимасини халқаро террорчи ташкилотлар сифатида эълон қилганди. «Ал-Қудс» – Эрон ташқи сиёсатини юритишдаги муҳим восита бўлиб, бажарадиган иш ҳажми жиҳатидан уни АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси ва махсус бўлиналари билан қиёслаш мумкин.

Бўлима 1979 йилдаги инқилобдан кейин Яқин Шарқ



**ТРАМПНИНГ БАЁНОТИГА
КЎРА, АМЕРИКА БАЗАЛАРИГА
КАТТА ТАЛОФАТ
ЕТКАЗИЛМАГАН, ҲЕЧ КИМ
ЖАБРАНМАГАН. «АФТИДАН,
ЭРОН ЧЕКИНДИ, БУ БУТУН
ЖАҲОН УЧУН ЯХШИ», –
ДЕДИ АМЕРИКА ЕТАКЧИСИ
МИЛЛАТГА МУРОЖААТИДА.**

минтақасида Эрон таъсир доирасини, жумладан, шиа кучлар кўмагида кенгайтириш мақсадида ташкил этилган. Сулаймоний ҳам Эронда, ҳам Сурия, Ливан, Ироқ ва Яманда бир хил таъсирга эга бўлган. У шиа давлатларининг минтақавий иттифоқини барпо этишга йўналтирилган Эрон сиёсатининг ҳаракатлантурувчи кучи эди десак, янгилимаган бўламиз. Уни АҚШнинг Ироқдаги таъсирини камайитиришда ҳамда Ироқдаги юзлаб Америка ҳарбийларининг ўлими ва Исроилга уюштирилган ҳужумларга алоқадорликда айбашарди. Шу сабабли уни Ғарб дунёси ёвузлик тимсоли деб биларди. Ироқда «Ал-Қудс» ҳаракатини ва шахсан Сулаймонийни 2019 йил 1 октябрда бошланган норозиликларни шафқатсиз бостиришида айбашарди.

Марказий Разведка Бошқармасининг собиқ ходими Жон Магуайр 2013 йилда уни Яқин Шарқдаги энг нуфузли шахс деб атаган. Яқин Шарқдаги араб бахори, сўнгра «Ислом давлати» террорчиларига қарши кураш генерал Сулаймонийни соядаги фигурадан минтақадаги геосиёсатининг бош ўйинчисига айлантирди, дея таъкидлайди «New York Times» газетасига Исроил разведка хизмати – Моссаднинг собиқ раҳбари Тамир Пардо.

АҚШ ва Эроннинг мафкуравий қарама-қаршилги қарамай, айрим вақтларда кучларни бирлаштиришга тўғри келган лаҳзалар кузатилади. 2001 йили Эрон Афғонистонга

толибларни ағдариш мақсадида кирган АҚШга ҳарбий разведкани тақдим этган, 2007 йили эса Вашингтон ва Техрон минтақада кескинлашётган вазиятни юмшатиш мақсадида музокаралар ўтказиш учун ўз вакилларини Бағдодга жўнатади. 2014 йилдан 2017 йилгача бўлган давр Эрон ва АҚШ расман бир тарафда туриб курашган ноёб ҳодисалардан саналади. АҚШ ва генерал Сулаймоний кўшинлари бир вақтнинг ўзига ИД позицияларига зарбалар берган ҳолатлар учрайди.

Ядровий келишув барбод бўлди

Сулаймоний ўлдирилиши туфайли Эрон ҳукумати 2015 йилда олтига халқаро воситачи давлатлар ва Техрон ўртасида имзоланган ядровий битим доирасидаги чекловлардан чиқишни эълон қилди. Кўшма умумқамровли ҳаракатлар режаси деб аталувчи битим олти мамлакат (АҚШ, Россия, ХХР, Буюк Британия, Франция ва Германия) иштирокида Эрон ядровий дастурини чеклаш мақсадида имзоланган эди. Бирок 2018 йили АҚШ президенти Дональд Трамп битим мамлакат миллий манфаатларига жавоб бермаслигини иддао қилиб, келишувдан чиқди ва Эронга нисбатан санкцияларни қайта тиклади. Энди расмий Техрон халқаро жазо чоралари бекор бўлганидан кейингина ўз мажбуриятларига қайтажанини ва МАГАТЭ билан ҳамкорликни давом эттириши мумкинли-

гини эълон қилди. Боз устига, Эрон Вашингтон генерал Қосим Сулаймонийнинг ўлими учун жавоб беришига эришиш учун интилишини яширмади. Айни пайтда эса Техрон ва Вашингтон бир-бирига таҳдид ёғдиришда давом этмоқда.

Кескинлик нима билан тугайди?

АҚШ президенти Дональд Трампнинг махфий топшириғини Ироқ ҳукумати мамлакат суверенитетини бузиш деб атади. Чунки амалиёт бошқа мамлакат ҳудудига ва ўша давлат ҳукуматининг руҳсатисиз амалга оширилди. Натижада Ироқ парламенти ҳукуматдан мамлакатдан барча хорижий кучларнинг олиб чиқиши талабини илгари сурди. Ҳукумат парламент талабини бажармаслик ҳуқуқига эга. Аммо Ироқ бош вазири Абдул Махдий ҳам бу талабларга қўшилди. Ҳар ҳолда Ироқ ўз ҳудуди АҚШ ва Эрон ўртасидаги низо ўчоғига айланишини истамайпти. АҚШ президенти Дональд Трамп эса Ироқ парламентининг мамлакат ҳудудидан хорижий кўшинларни чиқариш қарорига жавобан Бағдодга санкциялар киритиш билан таҳдид қилди.

Бирок ғишт қолипдан кўчди. Ироқ парламенти 5 январда мамлакатда хорижий ҳарбийлар бўлишига чек қўйиш ва халқаро аксилтеррорчилик коалициясидан ИШИДга қарши курашда ёрдам сўраган илтимосини қадам олиш учун овоз берди.

Эроннинг жавоб зарбаси

Эрон генерал Қосим Сулаймонийнинг ўлими учун қасос олиш мақсадида, кутилганидек, Ироқ ғарби ва шимолидаги АҚШ ҳарбий базаларига зарбалар берди. АҚШ аскарлари жойлашган Ироқ ғарбидаги Айн ал-Асад ҳарбий-ҳаво базасида 1500 атрофидаги аскарлар бўлган. Авиабазага камида тўққизта ракета учирилгани ҳақида хабар берган Техрон, ҳужум натижасида объект «стўлик йўқ қилинган»ни эълон қилди.

Пентагон маълумотларига кўра, Ироқ шимолидаги 3500

нафардан зиёд америкалик ҳарбийлар жойлаштирилган Эрбилдаги база ҳам ракета зарбасига учраган. Эрон давлат телевидениеси хабарига кўра, камида 80 нафар америкалик ҳарбий ўлдирилган, базада бўлган Америка вертолётлари ва бошқа жиҳозлари «жиддий зарар кўрган».

Эрон Ислом инқилоби соқчилар корпусининг юқори мартабали вакили агар Вашингтон жавоб зарбаси беришга аҳд қилса, унда Эрон АҚШнинг яна 100та объектга ҳужум қилишга тайёрлигини маълум қилганди.

Дональд Трамп баёноти

Бирок ўз атрофидаги расмийлар билан маслаҳатлашган АҚШ президенти Дональд Трамп вазиятни кескинлаштирмасликка қарор қилган кўринадди. Аксинча у халққа қилган мурожаатида Вашингтон Техронга нисбатан янги иқтисодий жазо чораларини кўришни эълон қилди.

Эрон берган зарбалар оқибатида келсак, Трампнинг баёнотида кўра, Америка базаларига катта талафот етказилмаган, ҳеч ким жабранмаган. «Афтидан, Эрон чекинди, бу бутун жаҳон учун яхши», – деди Америка етакчиси миллатга мурожаатида.

Унинг сўзларига кўра, олдиндан огоҳ этиш тизими туфайлигина қурбонлар бўлишининг олди олинган. Оқ Уй раҳбари ҳокимият тепасида турар экан, Техроннинг ядровий қуролга эга бўлишига йўл қўймаглигини баён қилди. Бу йўлда АҚШ президенти Буюк Британия, Хитой, Германия, Франция ва Россияни Эрон билан янги битим устида ишлашга чакирди. «Биз сизнинг буюк келажагингиз бўлишини истаймиз, сиз бунга муносиб-сиз», – деди Трамп Эрон фуқаролари ва раҳбариятига қарата.

Баёнотдан кўришиб турибдики, АҚШ ҳам вазиятнинг кескинлашишини, иш урушга бориб етишини хохламайди.

**Абдували САЙБАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.**



Ортада қолган 2019 йил ўзбек спортчилари учун том маънода омадди йил бўлди, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари қўлга киритган ғалабалар, эришган ютуқлар мамлакатимиз спорти тарихида бутунлай янги саҳифа очди. Жумладан, 2019 йил Руминиянинг Путешти шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида умидли атлетларимиз илк бор жаҳон чемпиони деган юксак номга сазовор бўлди. Қолаверса, Венгрияда ўтказилган дунё биринчилигида спортчиларимиз ўзларига билдирилган дунё биринчилигида спортчиларимиз ўзларига билдирилган ишонччи тўла оқлаб, яқунда ғолиблар сафидан муносиб ўрин эгаллади.

Дилноза РАҲМАТОВА, 2019 йилнинг энг яхши аёл спортчиси: «СПОРТДА СТАРТГА ЭМАС, ЯХШИ ФИНИШ УЧУН МЕДАЛЬ БЕРИЛАДИ»

Қўлга киритилган ушбу ғалабаларда мохир каноэчимиз Дилноза Раҳматованинг ҳам муносиб хиссаси бор. Каҳрамонимиз эришган муваффақиятлари боис ўзбек спортчилари орасида биринчилардан бўлиб 2020 йил Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ўйинларига йўланмани қўлга киритди. Фурсатдан фойдаланиб, у билан ғолиблик сирлари, эшкак эшиш спорт турининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида суҳбатлашдик.

«Хатто машғулотларга бориш учун пулим бўлмасди»

— Спорт шундай соҳаки, ундаги қийинчиликлар инсонни чинакам шахс бўлиб шаклланишида муҳим роль ўйнайди. — дейди Дилноза Раҳматова. — Аммо бу йўлнинг пасту баландликларидан юриш, синовларига дош бериш осон эмас. Айниқса, қиз бола учун. Шу боис машаққатлардан чўчиган инсон, яхшиси, бу соҳани танламагани маъқул. Чунки ирода мустаҳкам бўлмаса, спортда бирор натижага эришиш қийин.

Шаҳсан ўзим саккиз йилдан буён каноэ спорт тури билан профессионал тарзда

шуғулланаман. Аммо ўтган йиллар мен учун осон бўлгани йўқ. Ҳаётимдаги ҳар бир синов ва қийинчилик сабоқ бўлди. Балки ишонмасиз, бир пайтлар машғулотларга, мусобақаларга бориш учун пулим бўлмасди. Чунки ўша кезлар дадам баъзи сабабларга кўра ишламасдилар. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, бир куни улардан машғулотларга бориш учун пул сўрадим. Дадам ҳозир дедилар-у ташқарига чиқиб кетдилар. Кейин билсам, ёнларида пул бўлмагани учун кўшнимизнинг олдиларига чиққан экан. Билмадим, кўшнимизда ҳам топилмаганими, хуллас, ўша куни машғулотга бора олмаганман. Ҳатто, шундай пайтлар бўлганки, ҳаммасига қўл силтаб, спортни ташлаб юборгим келган. Балки айримлар учун бу сўзлар ғалати туюлар, аммо бу ҳақиқат. Фақат яқинларимиз, устозлар ишончигина мени яна ўз устимда ишлашга, ғалабалар сари интилишга ундаган.

«Финишга 5 метр қолганида қайғим ағдарилиб кетган»

— Кўпчилик мендан байдарка эмас, нега айнан каноэ спорт турини танлаганимни сўрашади. Шунини айтиш мумкинки, байдаркада эшкак эшиш нисбатан осонроқ. Агар инсонда истак бўлса, унда бемалол сузиш мумкин. Аммо каноэда бу жараён техник нуқтага назардан бироз мураккаброқ. Четдан караганда эшкак эшиш пайти инсоннинг фақат гавда қисми ҳаракатлангандек туюлади, бироқ аслида ундай эмас. Спортчининг ҳамма мушаклари ҳаракатга келади. Мисол учун, оёқлар мустаҳкам бўлмаса, томир тортишиб қолади. Қонни «хайдаш» учун эса юрак соғлом ва бақувват бўлиши зарур. Қолаверса, бизнинг спортда кучни тўғри тақсимлаш жуда муҳим.

ДАРВОҚЕ...

Дилноза Раҳматова — 1998 йил 7 февраль куни Тошкент вилоятида таваллуд топган. Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи тарбияланувчиси. У 2018 йил Индонезияда ўтган Осиё ўйинларида каноэда эшкак эшиш бўйича жуфтлик баҳсларида Нилуфар Зокирова билан қумуш (500 метр), яққалик пойгасида эса (200 метр) бронза медали соҳиби бўлди. 2019 йил Руминиянинг Путешти шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллаган.

Боиси беллашув аввалида пешкадамлик қилган спортчи кўпинча финишга яқин қолганида етакчилиқни бой бериб қўяди. Бунга эса фаолиятим давомида кўп бор ғувоҳ бўлганман.

Шунингдек, байдарка ва каноэда қайқини катта тезликда бошқариш, мувозанатни сақлаб туриш зарур. Агар ҳушёрликни бир зумга йўқотсангиз, бу сиз учун яхшилик билан тугамаслиги аниқ. Мисол учун, 2018 йил Индонезиянинг Палембанг шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида айнан шундай воқеа кузатилганди. Ўшанда афсонавий каноэчимиз Вадим Меньковга жиддий рақиблик қилган хитойлик атлетнинг маррага яқин қолганида қайғи охтиёсизлик туфайли ағдарилиб кетган. Ваҳоланки, у масофанинг катта қисмида пешкадамлик қилаётган эди. Қолаверса, менинг фаолиятимда ҳам бир марта ана шундай нохуш ҳолат содир бўлган. Эсимда, 2016 йил Францияда ўтказилган жаҳон чемпионатида таҳрибам бироз панид бериб, финишга атиги 5 метр қолганида қайғим ағдарилиб кетган. Шу боис устозларим «Спортда стартга эмас,

яхши финиш учун медаль берилади» дея уқтирадилар.

«Спортчи ғалаба учун соғлигини гаровга қўяди»

— Шамол — бизнинг спортда атлетнинг энг катта «душмани» десам янглишмайман. Чунки бу табиат унсори баъзан рақибларингга қарши ўйлаб қўйган барча режаларингни чиппака чикариши мумкин. Дейлик, сиз чап томондан эшкак эшасиз, шамол эса ўнг томондан эсапти. Бу ҳолат спортчининг суръати-га салбий таъсир этади. Агар вазнингиз енгил бўлса, шамол қаршилигига бардош бериш янада қийин кечади. Шу боис эшкак эшиш спортчидан катта жисмоний куч талаб қилади.

Юқорида Вадим Меньковни бежиз тилга олмадим. Сизга айтсам, 2018 йилги Осиё ўйинларида чемпионликни қўлга киритиши осон кечмаган. Финал беллашуви аввалида медаллар учун кураш мурасасиз ва кескин руда ўтиши маълум эди, аммо кучли шамол спортчиларнинг вазиятини янада оғирлаштириб юборганди. Яқунда Вадим марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтган бўлса-да, аҳволи мактағулик эмасди. Шифокорлар ўша пайт унинг қон босими 190 га кўтарилиб кетганини айтишган. Тасаввур қиялмасизми, у юрт шарфанин химоя қилиш, ғалаба қозониш учун, ҳатто, ўз соғлиғини гаровга қўйган.

«Эътироф — спортчини янги ғалабаларга ундайди».

— Ўзбекистон — иккидорлар юрти. Қувонарлиси, сўнгги йилларда истеъдодли

ёшлар халқро майдонларда, нуфузли мусобақаларда улкан ғалабаларни қўлга киритмоқда. Осиё ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинларида муносиб катнашиб, юрт байроғини тобора юксакларга кўтармоқда.

Она Ватанимизнинг ғолиб спортчилари катори мен доимо Президентимиз, халқимизнинг чекизи меҳр ва эътиборини хис қиламан. Айниқса, бу йил юртимизда 2019 йилнинг энг яхши аёл спортчиси деган номга сазовор бўлганим фаолиятимдаги унутилмас воқеалардан бири бўлди. Очиғи, бундай рағбатни сира кутмагандим. Чунки ўтган 2019 йилда халқро майдонда ажойиб ғалабаларни қўлга киритган аёл спортчиларимиз талайгина эди. Афсонавий гимнастикачимиз Оксана Чусовитина, жуфтлик баҳсларидаги шеригим, яқин дунонам Нилуфар Зокирова, велоспортчи Ольга Забелинская ва ҳоказо. Келажақда, албатта, бу юксак эътироф ва ишонччи ғалабаларим билан оқлайман.

«XXXII ёзги Олимпия ўйинларидан умидим катта»

— Барча спортчилар катори Олимпиада ўйинларида иштирок этиш, шоҳсупага кўтарилиш энг катта орзуларимдан бири. Ортада қолган 2019 йил Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Нилуфар Зокирова билан бирга XXXII ёзги Олимпия ўйинларига йўланмани қўлга киритганим, бу йўлда ташланган муҳим қадам бўлди. Айни пайтда терма жамоамиз билан ушбу нуфузли спорт байрамига жиддий ҳозирлик қўрапмиз. Насиб қилса, мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, она Ватанимга олтин медаль билан қайтаман.

«Mahalla» мухбири
Савдullo ТУРСУНОВ
ёзиб олди

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича илк мусобақалар XIX асрнинг 60-йилларида Европанинг кўпгина мамлакатларида эшкакчилар клублари пайдо бўлганидан сўнг бошланган. 1936 йилдан мазкур спорт тури Олимпиада дастурига киритилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, байдарка ва каноэда эшкак эшиш энг қийин 3 та спорт туридан бири ҳисобланади.

ЗАНГУШТЕПАДА ЯШИРИНГАН СИНОАТ

ЁХУД ТОШЛОҚ ТУМАНИДАГИ ҚАБРИСТОНДАН ЯНГИ ШАҲАР ҚОЛДИҚЛАРИ ТОПИЛДИ

Фарғона вилояти ўзининг маданий ҳаёт тарзи, меъморий ёдгорликлари билан дунё ҳамжамиятини ўзига ром этиб келаётган кўҳна масканлар сирасига киради. Аини кунда вилоят ҳудудида 117 тадан ортиқ археологик ёдгорлик рўйхатга олинган. Қадим манзилгоҳларнинг меъморий кўриниши, бу ерда топилган осори атиқалар шу тупроқда яшаб, ижод қилган кишиларнинг ҳаёт тарзини белгилаш, тадқиқ этишда ўзига хос ўрин тутиб келмоқда. Ана шундай тарихий манзилгоҳлар ҳақида гап кетганда Тошлоқ тумани «Чек» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Зангуштепа археологик ёдгорлиги ўзига хос сир-синаотлар яширинган ёдгорлик сифатида тилга олинади. Бу бежиз эмас. Гап шундаки, яқинда бу ердан милодий IV ва VI асрларга оид турли сопол идишлар топилди.

Қабристонга яширинган сир

Зангуштепа археологик ёдгорлиги ҳудудида жойлашган, ҳозирда фойдаланишда бўлган қабристонда ободончилик ишларини олиб борган маҳаллий аҳоли ўзига хос ноёб топилмаларга дуч келишди. Шу кунга қадар бу ерда бир неча турдаги сопол идишлар, уй-рўзгор анжомлари тупроқ қаъридан қовлаб олинди. Воқеадан хабар топган вилоят маданий мерос бошқармаси ва вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ходимлари аини пайтда маданий топилмаларни ўрганиш, тадқиқ этиш, илмий ишлов бериш ишларини олиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бу ерда қадим шаҳаристон бўлган. Ёдгорлик атрофини ўраб турган мухофаза деворлари, сув иншооти хандақлари, бино қолдиқлари, пахса деворлар, ғишт, хум ва кўзаларнинг бугунги ҳолати ана шундан далолат беради.

— Археологик ёдгорлик ҳудудида топилган осори атиқалар ўзига хослиги билан ажралиб туради, — дейди вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи директори Баҳодир Ҳошимов. — Қабрларни қазини жараёнида топилган топилмалар Турк ҳақонлигининг илк даври, милодий IV ва VI асрларга мансуб бўлиб, ўша пайт аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт тарзи билан боғлиқ бўлган кўплаб қизиқарли саволларга ойдинлик киритишда муҳим манба вазифасини ўтайди. Умумий майдони уч гектарни ташкил этган археологик ёдгорлик ўзининг кўрки ва салобати билан кўҳна маскан қиёфасига улдуворлик бағишлаб турибди. Бугунгача сақланиб қолган арки аъло ва шаҳристон ҳудудидаги кўҳна тилсимотлар янгидан-янги илмий тадқиқот



ишларини олиб боришни тақозо этади. Мазкур қадимий ёдгорлик археологик ҳаритага киритилиб, давлат мухофазасига олинган бўлса-да, шу кунга қадар илмий асосда ўрганилмаган.

«Мазкур тепалик мухофазага олинини лозим»

Шуни таъкидлаш лозимки, қабристон маҳаллий аҳоли томонидан хануз фойдаланиб келинаётгани кўҳна ёдгорлик ҳаёт тарзи билан боғлиқ кўп-кўп осори атиқаларни сақлаш ва илмий асосда ўрганиш ишларига салбий таъсир кў-

ратмоқда.

— Она диёримизнинг муқаддас қадамжоси ва зиёратгоҳларини асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўҳна тарих сир-синаотлари, ота-боболаримизнинг ҳаёт тарзи, урф-одат ва анъаналари ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишига таъсир қилади, — дейди вилоят маданий мерос бошқармаси бошлиғи Алишер Ҳусанов. — Асрлар давомида ўз жозибаси, тароватини йўқотмай келаётган Зангуштепа археологик ёдгорлигидан топилган топилмалар бу борадаги изланишлар кўламини янада кенгайтиришни



ДАРВОҚЕ...

Аини кунда вилоятнинг шаҳар ва туманларида 374 та маданий мерос объекти мавжуд. Улардан 117 таси тарихий, 18 таси археологик ёдгорлик, 36 та монументал санъат ёдгорликлари ва 85 та диққатга сазовор жой бор.

эмпи (Зан – форс-тожик тилида хотин маъносини билдиради). Тепалик билан боғлиқ бошқа афсона ва ривоятларда эса Қорахонийлар даврида бу ҳудуд аҳоли учун мустаҳкам кўрган вазифасини ўтаган, деган фаразлар

талаб этмоқда. Чунки аниқланган дастлабки топилмалар маҳаллий аҳоли ҳаёт тарзи билан боғлиқ кўп-кўп синоатлар ҳақида маълумотлар бераётгани билан муҳим аҳамият касб этади. Бу эса илмий тадқиқот ишларини ҳар жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, халқимизнинг бой маданий мероси, ўтмиши ҳақида ҳали кўпга номаълум бўлган жиҳатларини кўрсатишда ишончли манба бўлиб хизмат қилади. Шу боис мазкур тепалик мухофазага олинини, олишларнинг илмий тадқиқот ва изланишлар олиб бориши учун керакли шароитлар яратиш зарур. Шуларни ҳисобга олиб, вилоят маданий мерос бошқармаси ва вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи мутасаддилари фойдаланишда бўлган қабристондан қазини ишларини тўхташини, ноёб ёдгорликни мухофаза қилиш зарурлиги юзасидан Тошлоқ тумани ҳокимлигига мурожаат билан чиқди.

бор. Шунингдек, бу тепалик душман хавфидан оғоҳ берувчи аскарга кўрган вазифасини ўтаган ёки рус босқинчилари га қарши курашда иштирок этган халқ ўғлонлари бу макондан кўним топган, деган тахминлар, ҳам бор. Нима бўлганда ҳам мазкур ёдгорлик маҳаллий аҳоли ҳаёт тарзи, ўтмиш кечинмалари ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли, албатта. Аини кунда аҳоли ва саховатпеша ҳомийлар кўмағида мазкур ёдгорлик атрофини ўраш, кириш дарвозалари ўрнатиш, йўл ва йўлакларни тартибга келтириш, кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Ҳудуддаги эски бино тавмирланиб, зиёратгоҳ ташкил этишни мақсад қилганмиз. Чунки бу қадим масканда яширинган сир-синаотларни келажак авлодга тўлақонли етказиш, тадқиқ этиш бугунги куннинг муҳим амалларидан.

Афсона ва ҳақиқат

— Маҳалламиз ҳудудида жойлашган мазкур тепаликнинг бундай номланиши юзасидан турли афсона ва ривоятлар бор, — дейди «Чек» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шарофиддин Болтабоев. — Айтишларича, Қайқубод подшоҳи аёлининг бевафолигини жазолаш мақсадида уни от думига боғлаб, судрашга буйруқ беради. Айтишларича, аёл танасининг бир қисми шу ерда кўмилгани учун Зангушт деб аталган

Сирасини айтганда, моддий ва маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, умрбоқийлигини таъминлаш йўлида бошланган амалий ҳаракатлар кўҳна маскан ҳаёт тарзида янги имконият эшикларини очди. Бу нафақат аждодларимиз маданий ҳаётини ўрганиш, балки ҳудудда туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтиришда янги йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Фарғона вилоятидаги энг кўҳна ёдгорлик Кува шаҳристонини ҳисобланади. Бу тепаликда 1956-1975 йилларда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари давомида VII асрга мансуб яшаш хоналари, 80 дан ортиқ хонадон, катта йўлга олиб чикувчи кўча ва йўлаклар, раста ва майдончалар борлиги аниқланган. Энг ноёб топилма эса шубҳасиз будда ибодатхонаси бўлган. Бу Фарғона водийсидаги ягона будда ибодатхонаси бўлиб, исломдан олдинги ижтимоий-сиёсий муҳит билан боғлиқ турли қарашларни илмий асосда исботлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

ТАНЛОВ

ЗУЛФИЯ МУКОФОТИ ТАНЛОВИНИ
ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИМИ?

– Эшитишимча, бу йилги Зулфия номидаги Давлат мукофотини ўтказиш тартиби ўзгарди. Айтишчи, танловни ўтказиш тартибига қандай ўзгаришлар киритилди?

Сайёра ХОЛИҚОВА.
Андижон вилояти.

Сурайё ПЎЛАТОВА,

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бўлим бошлиғи:

– Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан боғлиқ бир қатор янгиланишлар кузатилди. Шунингдек, танловда очиклик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида жамоатчиликнинг фикр ва мулоҳазалари асосида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси хузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти Республика комиссияси ҳам мукофотлаш тизимига бир қатор янгиланишлар ва ўзгаришларни киритди.

Жумладан, танловлар ўтишида шаффоқлик ва очикликни таъминлаш мақсадида Зулфия мукофотига талабдорлар рўйхати мукофот берилишидан икки ой олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши йўлга қўйилди. Бу кейинги 15 йиллик тажрибада илк бора қўлланилмоқда. Рўйхатнинг эълон қилиниши қайси ҳудуддан, қайси йўналишда, қандай салоҳиятга эга номзодлар иштирок этаётгани ҳақидаги маълумот ва тасаввурни беради. Зулфия номидаги Давлат мукофотига тасвир этилаётган номзодларнинг ҳужжатлари 21 тадан 15 тага қисқартирилди. Шунингдек, халқроқ даражадаги диплом ва сертификатларини нотариал тасдиқдан ўтказиш тартиби бекор қилинди. 7 та йўналиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 21 нафардан 25 нафаргача номзод (бу рақам Комиссия қарори билан ўзгариши мумкин) Республика босқичига тасвир этилиши белгиланди.

Ҳар бир йўналиш бўйича комиссия аъзолари тақлифлари асосида «Ўзбекистон Республикаси Зулфия номидаги Давлат мукофотига тақдим этиш ва мукофот совриндорлари билан ишлаш бўйича Йўриқнома» кайтадан тўлдирилди.

2020 йилги совриндорларни аниқлаш мақсадида ўтказилган танловлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан Республика босқичига жами 300 нафардан ортиқ номзод тасвир этилди.

Номзодларнинг рўйхати Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг расмий веб-саҳифасида эълон қилинади.

СОЛИҚ

КОНТРАКТ ДА ЎҚИЙДИГАНЛАР УЧУН
СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ КЕНГАЙДИМИ?

– Яқинда қабул қилинган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига тўлов-контракт асосида ўқийдиганларга солиқ имтиёзи берилибди. У қандай имтиёз?

Гулмира ЭСОНОВА.
Наманган вилояти.



Дилдора ХОШИМОВА,

Давлат солиқ кўмитаси

давлат солиқ катта инспектори:

– Шу кунга қадар фуқароларимиз фақатгина ўзининг ва 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг таълими учун йўналтирилган даромад солиғидан озод қилинган эди. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига кўра, эндиликда Ўзбекистон

олий ўқув юрларида шахсининг турмуш ўртоғининг таълим олиши учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари учун ҳам солиқ солинмайди.

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI
Mahalla

Ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyī
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Администрацияси
хузуридаги Ахборот
ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан
давлат рўйхатидан
ўтказилган.

2020 ЙИЛ ПАХТА ХОМАШЁСИ ЭКСПОРТИ ТЎХТАТИЛАДИМИ?



– Юртимизда фермерларнинг асосий экин пахтадир. Эшитишимча, бу йилдан бошлаб мамлакатимизда пахта хомашёси экспорти тўхтатилар эми. Бу қанчалик рост?

Шахзод АБРАҲМАТОВ.
Қашқадарё вилояти.

Қувончбек МУСТАФОЕВ,

Иқтисодиёт вазирлиги мутахассиси:

– Тўғри, 2020 йилдан бошлаб пахта хомашёси экспорти тўхтатилиб, пахта толасини мамлакатнинг ўзида тўлиқ ишлаш режимига ўтилади. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлган тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун икки босқич бор. Биринчиси, пахта толасини ўзимизда тўлиқ ишлаш. Иккинчиси, ип-калавани чуқур қайта ишлаб, қўшилган қиймат солиғини оширган ҳолда кўпроқ тайёр маҳсулотни экспортга йўналтириш. Биз ҳозирда биринчи босқич арафасида-

миз. 2020 йилдан пахта хомашёсини экспорт қилиш тўхтатилади. Пахта толасини ўзимизда тўлиқ қайта ишлашга ўтмоқчимиз.

Европа Иттифоқи бозорига тўқимачилик маҳсулотлари билан кириб бориш ҳозирда соҳа олдидаги асосий масалалардан бири ҳисобланади. Европа Иттифоқи дунё бўйича тайёр кийим, тўқимачилик маҳсулотларининг асосий истеъмолчиси ҳисобланади. Биз бу бозорга кириб боришимиз керак. Бунинг учун 2020 йилда GSP+ тизимига ўтишга ҳаракат қилинмоқда. Бу тизим Евроиттифок бозорига яхшироқ кириб бориш имконини беради.

Маълумот учун, ҳозирда Ўзбекистон GSP (Generalized system of preferences — имтиёзлар умумий тизими) тизимида. Бу Евроиттифок бозорига 3000 та товарни бож тўловисиз, 3200 та товарни эса пасайтирилган ставкларда экспорт қилиш имконини беради. Агар GSP+ тизимига ўтишса, 6000 тадан ортиқ товарни бож тўловисиз экспорт қилиш имконига эга бўламиз.

БОЛА ҲУҚУҚИ

ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ
ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

– Хорижда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қайтариш тартиби қандай? Шу ҳақда маълумот берсангиз?

А.БАҲОДИРОВ.
Андижон вилояти.

Фуркат ТОЖИЕВ,

Адлия вазирлиги масъул
ходими:

– Бу бўйича кунга кеча Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон фуқароларининг болаларини Ўзбекистонга қайтариш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, хорижда ота-онаси қарамоғидан

маҳрум бўлган болалар Ўзбекистонга Ички ишлар вазирлиги томонидан қайтарилади. 3 ёшгача бўлган болаларни Ўзбекистонга қайтариш Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ташкил этилади. Ушбу болаларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаганда, уларнинг Ўзбекистон фуқаролигига мансублиги Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари

ва консуллик муассасалари томонидан тасдиқланади.

Қарор билан тасдиқланган низомада хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қайтариш тартиби белгиланди. Низомага кўра, Ички ишлар вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қайтариш бўйича ваколатли органлар ҳисобланади.

Бу борадаги фаолият Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

ЙПХ ХОДИМИ ҲАЙДОВЧИГА ҚОНДАБУЗАРЛИК
ВИДЕОТАСВИРИНИ КЎРСАТИШГА МАЖБУРМИ?

– Яқинда автомобилдамада кетаётганимда йўл-патруль хизмати ходими автоуловимни тўхташиб, қоида бузуганимни билдирди. Мен ҳам ўз навбатида ундан қондабузарлигим туширилган видеотасвирни кўрсатиб беришни сўрадим. У эса бундан бош тортди. Бу қанчалик тўғри?

Б.БЎРИЕВ.
Кўкөн шаҳри.



Акмал

ЮНУСОВ,

Тошкент шаҳар

СИИББ йўл хавф-

сизлиги хизмати

бошқармаси мат-

буот хизмати хо-

дими:

– Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги 975-сонли қарори билан тасдиқланган «Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қанаъатчилиги билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши

тартиби тўғрисида»ги низо талабларига асосан, 2020 йил 1 январдан Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг барча ЙПХ ходимлари хизмати мобил камерадан фойдаланган ҳолда ўташни бошлади. Ходимлар томонидан фойдаланилаётган мобил камералар, ходимнинг йўл ҳаракати ишгирикчилари билан ўзаро мулоқотини тасвирга олиб, ушбу мулоқотнинг самимий, ҳушмуомалалик асосида бўлишига ҳамда зиддиятли ва ноҳуш вазиятларни, шунингдек, коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Айрим ҳолларда эса ходимнинг хатти-ҳаракатлари устидан ариза ва шикоятлар билдирилганида ушбу видеоёзувлар ҳолатга оидлик киритишга ёрдам беради.

Сизнинг саволингизга келадиган бўлсак, ЙПХ ходими ҳайдовчига унинг содир этган қондабузарлигининг видеотасвирини кўрсатиб беришга мажбур эмас. Юқорида таъкидланган низонинг 18-бадига асосан, йўл ҳаракати қанаъатчилиги хизмати мобил видеокамерасиз олиб бораётган ЙПХ ходимига ҳужжатларни тақдим этмаслик ҳуқуқига эгилар.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Нашр навбатчиси: Ю. Ҳожиёва
Мусахҳихлар: Н. Азимова,
М. Назарова
У. Ибодинов
Навбатчи:
Саҳифаловчилар: И. Болтаев
Ш. Бароқов

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.

Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газета
таҳририят
компьютер
марказида
саҳифаланди ва
офсет усулида
босилди.



Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Формати — А-3, 8 босма табоқ, 24 380 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-145

123456